

37
3-596

37.08

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСЬ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ –
ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК
МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

(Барча турдаги педагогик технологияларни яратиш учун
методологик қўйланма)

2032380



«Lider Press»
Тошкент – 2009

Педагогик технология/ ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази.
—Тошкент: ОЎМКҲТРМ, 2009.

Қ. II: Педагогик технология: Замонавий ўзбек милтлий модели/ Б. Зиёмуҳаммадов, М. Тожиев. — 104 б.

II. Зиёмуҳаммадов Б.

Муаллифлар: Ф.Ф.д., профессор Зиёмуҳаммадов Б.,
п.ф.д., профессор Тожиев М.

Тақризчилар: Сейтхалилов Э.А., п.ф.н., профессор,
Икрамов Ж.И., п.ф.д., профессор,
Назаров Х.Х., ф-м.ф.н., доцент,
Мавлянов Э.А., ф-м.ф.н., доцент.

Мазкур қўлланма Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази илмий кенгашининг 2009 йил 27 майдаги 5-сонли Қарори билан нашрга тавсия қилинган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Вазирлик тизимида 2007-2011 йилларга мўлжалланган фундаментал тадқиқотлар дастурлари» доирасидаги ОТ-Ф8-208 — «Таълим муассасалари ўқув-гарбия жараёнига замонавий педагогик технологиялар ва илгор тажрибаларни жорий этишининг илмий-назарий асослари» мавзусидаги фундаментал лойиҳа асосида тайёрланган.

КИРИШ

Инсоният милюдий учинчи минг йиллик ибтидосида, келажак ҳаётипинг турли жабҳалари режасини тузиб, унинг асосий йўналишларини белгилаб олмоқда. Жаҳоннинг етакчи олимлари, яқдиллик билан, келажакда илм-фан ва аҳолининг таълим-тарбияси Ер юзидаги кишилик жамияти тараққиётини таъминловчи устувор йўналишлардан бўлмоғи лозим демоқдалар. Чуники, жадал суръатлар билан тараққий этиб бораётган илмий-техникавий инқилоб ва у билан боғлиқ бўлган инсонининг табиатга бўлган таъсирииниг тобора ортиб бориши ҳамда бошқа бир қатор омиллар, одамлардан табиат ва унинг унсурларига, шу жумладан, инсонга илмий нуқтаи назардан тўғри ёндашишини талаб қилмоқда.

Ўзбекистон ҳам миллий ривожланишининг истиқболли режасини тузиб, уни рӯёбга чиқаришда, ҳал қилувчи йўналишлардан бири этиб, таълим-тарбия соҳасини белгилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессияси(1997 йил 29 август)да қабул қилинган ҳамда бугунги кунда амалиётга кенг қуламда татбиқ этилаётган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» бунинг ёрқин далиллар. Бугунги кунда таълим тизимида «Кадрлар тайёрлані миллий дастури»ни амалиётга гағбиқ этишининг учинчи якуний босқичи давом этмоқда. Мазкур жараёси 2005 ва ундан кейинги йилларда «...таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тұлиқ таъминлаш» режалаштирилган. Шу кунда таълим-тарбия жа-

раёнини замонавий педагогик технологиялар билан таъминлаши, бажариладиган асосий жилдий вазифа сифатида белгиланди.

Таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистоннинг илғор педагог олимлари илмий асосланган ҳамда республикамизнинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини татбиқ этиш йулида талай ишларни амалга оширмоқдалар. Лекин, мажмулар назариясига тўлалигича суннган ҳамда худудимизнинг ижтимоий-педагогик шароитига мос келадиган ва ҳаммага тушишарли бўлган Ўзбекистоннинг Миллий педагогик технология модели ҳали яратилмади. Бунинг сабаби, биринчидан, педагогик технология назарий асосларининг анча мураккаблиги бўлса, иккинчидан, педагог олимларимизнинг синергетиканинг мажмулар назариясини тўла эгаллаб олмаганиклари дадир. Мажмулар назариясини тўлиқ билмаган киши, педагогик технологиянинг мазмун ва моҳиятига тушуниб етмайди. Чунки, педагогик технология юз фоиз мажму ёндашув тамойилидан келиб чиқиб, тўлалигича, унинг тамойиллари ва қоидаларига бўйсунади. Шу кундаги синергетик дунёқарашиб ва унинг таркибий қисми бўлган, бутун борлиққа мажму сифатида ёндашув тамойилини билмай туриб, педагогик технологияни яратиб бўлмайди.

Мазкур асаримизда, нисбийлик назариясининг ҳосиласи бўлган квант назарияси ва унинг интеграллашган кўриниши – синергетик дунёқарашиб ҳамда унинг таркибий қисми ҳисобланган мажмулар назарияси ва жаҳон педагогик олимлари ишлаб чиққан педагогик технология тамойилларидан келиб чиқиб, республикамиздаги ижтимоий-педагогик шароитни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистоннинг замонавий миллий педагогик технология моделини яратишга азму қарор қилдик.

Бунинг учун, педагогиканинг назарий асослари ва Ер юзидағи дидактик тизимларни энг умумий тарзда таҳлил қилиб, педагогик технологияни педагогик жараёнга олиб кириш зарурлигини исботлашга ҳаракат қилдик. Педагогик технологиянинг асосий хусусияти,

унинг тұлалигича, мажмуу ёндап көз анындаң келиб чиққанлыги боис, педагогик технология асосида дарс лойиҳасини түзувчилар учун, қысқа ва оддий тарзда мажмулар назариясининг мазмун-моҳиятини очиб бердик. Бунинг учун, китобхонни квант назарияси ва синергетиканинг сирларидан оз булса-да, хабардор қилинға ҳаракат қыллук. Шунингдес, педагогик жараённи мажмуу сифатида күриш чиқиб, педагогик технология назариясида қабул қилинған тамойилларни бирмабир изоҳладик. Сүнгра Узбекистонин «Таълим түргисида»ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрланаши миллый дастури»дан ҳамда юртимиз педагогик жамоатчилик ининг фикр-мулоҳазасидан келиб чиқиб, жаҳон педагогик технологияларида қабул қилинған тамойиллардан оғишмаган ҳолда, «Замонавий педагогик технологиянынг ўзбек милятий моделни»ни яратдик. Шундан сүні, бу модельнинг педагогик амалиётта ишләшини текшириб куриш мақсадида, «Педагогика» фаны мисолида бу модельни амалиётта синааб курдик.

Уибу асар үкувчиларида илтимосимиз шундан ибрагки, мажмулар назариясини жуда ҳам жүп деб билмайды, шу билан бирга, уни англаб бўлмайдиган бир нарса экан, деб ҳам қабул қилмайды. Китобни диккат билан уқиссангиз ҳамда абстракт тафаккурингизни ишга солиб, чуқур мулоҳаза юритсангиз, мажмулар назарияси унча ҳам мураккаб эмаслигига ишонч ҳосил қиласиз. Бу назария XX асрининг иккинчи ярмида, жаҳон ҳамжамиятини онгига, мутлақо янги бўлган квант назарияси ва унинг күришиларидан бири ҳисобланган синергетик дунёқараш сифатида кириб келди. Бу ҳаммамиз учун янгилик. Дунё олимлариининг фаол қатлами, айниқса, кибернетика, математика, биология, география ва бопиңқа бир қанча соҳа мутахассислари, уни зуллиқ билан эгаллаб олишни. Унча фаол бўлмаганилар эса, аста-секин эгаллаб олмоқдалар. Унугмаслигимиз лозимики, квант назариясига асосланган синергетик дунёқарашидан олдин, қарийб икки юз йилдан ортиқ инсо-

ният оғгини, Ньютоннинг механик физикасига асосланувчи дунёқарааш қамраб олган эди. Бу дунёқарааш ҳам, ўз замонасида илғор дунёқарааш ҳисобланиб, ўзининг равон илмий базасига эга бўлган. Ундан ташқари, Ньютоннинг механик физика назарияси, нисбийлик назариясидан кўра, анча жўн ва ҳаммага тушунарли. Шу боис, кўп алабиётларда ва олимлар оғигда у ҳали ҳам ўз ифодасини тоғмоқда. Нисбийлик назариясидан келиб чиқувчи квант назарияси ва синергетика найдо бўлганидан кейин Ньютоннинг механик физика назарияси сочилиб кетди. Аммо, афсуски, кўп кинилар онтида бу дунёқарааш ҳанузгача устулик қилиб келмоқда. Недағогик технологиянинг моҳиятига етиб бориши ва уни недағогик амалиётта жорий этишини ўзига мақсал қилиб олган кини, авваламбор, ўзида сақлааниб қолган Ньютоннинг механик физикасига асосланган дунёқарашини ўзгартириб, синергетик дунёқараашига эга бўлини ҳамла ундан келиб чиқувчи мажму ёндашув тамойилини яхни эгаллаб олиши шарт. Бу ишларни қандай қилиб амалга ошириши, ушбу китобимиизда ёритиб беришга ҳаракат қилганимиз. Сиз эса ўқувчим, бутун иқтидорингизни ишга солиб, асарининг мазмун-моҳиятига тушунишга ва ундаги билимларни тўлалигича эгаллашига ҳаракат қилинг.

Эслатиб ўтамизки, кўп кинилар, шу жумладан, недағог олимлар ҳам, мажму ёндашувни жўн бир нарса деб, рус тилида инилатиладиган «теория систем», «системный подход» деган тушунчаларни эскирган изоҳли луғатлардан олиб, «тизимлар назарияси» ва «тизимли ёндашув» деб таржима қилмоқдалар. Бу ҳақиқатдан йироқ, мажму бу тизим эмас, тизим фақатгина мажмулар назариясидаги кўп турдаги мажмуларниң бир тури, холос. Ўзбек олимлари (ҳаммаси эмас, албаттга) ишигаётгани «тизим» тушунчаси русчада «линейная система», яъни «тизимли ёки чизиқли мажму» дейилади. Шу билан бир қаторда, недағогик технологияга ҳеч қанлай алоқаси бўлмаган турли-туман дарс ишиланималари ёки дарс ўтини усувларини, гарчи улар янги ва илғор

бұлса ҳам, сизге педагогик технология деб үқтирасалар, уни муглақо педагогик технология деб қабул қылманды. Бу, сиз ва барча педагогларни ҳақиқий педагогик технологияның үрганиш ва үзлаштиришдан қалынады, холос. Яна қайтариб айтамизки, педагогик технология, таълим жарабинини мажмулар назарияси асосида ташкил қилиншилікдір. Мажмулар назарияси эса, үзининг ревон назарий асосынан, категориал аппаратига ҳамда үзининг тамойилларига ва қонуш-қоидаларига әга. Бу тамойил ва қоидаларниң педагогик технологияда құлланыш сирлерини ҳамда бошқа күп нарасалар мазмун-моҳиятиниң китобимиз саҳифаларидан билиб оласыз деган умиддамыз. Сиздан фақат дикқат ва билимға бұлшын садоқат талаб қилинады, холос. Ишшігизге мұваффақият, үзингизге күч-кувват тиляб қоламыз.

Муаллифлар.

I. Педагогик технологиянинг назарий асослари

1.1. Педагогик фаолият турлари, йўналтирилган объекти ва предмети

Инсон Ер юзидаги бошқа мавжудотлардан, узининг мақсадга йўналтирилган ҳаракатлари билан кескин фарқ қиласди. Мақсадга йўналтирилган ҳаракат фаолият деб иомланиши туфайли, инсон, айнаи узининг фаолияти билан бошқа жоизотлардан тубдан фарқ қиласди десак, тўғри бўлади.

Инсоннинг ўз олдига қўйсан мақсаллари турли-туман бўлиб, уларни бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин. Гуруҳлаштириш назариясига асосан, оламдаги нарса ва ҳодисаларни гурухлаштиришда, уларнинг муайян бир умумий хусусияти асос қилиб олинади. Масалан: яхшиликни асос қилиб, амалга оширилган фаолиятлар гурухининг умумий номи – эзгулик; ёмонлик асос қилиб олинган фаолиятлар гурухининг номи – зулм; умр кечиришини таъминлаш мақсадида, ҳалол йўл билан маблагдаги топиш асос қилиб олинган фаолиятлар гурухи турини – меҳнат; ҳаёт учун зарур маблагни, қинғир ва ишқонуний йўллар билан бўлса-ла, топиш асос қилиб олинган фаолиятлар гурухининг умумий номи – ўтирилик; дам олиши ва ўзининг ижтимоий моҳиятини такомиллаштиришини, шу жумладан, илм билан шуғулланишини асос қилган фаолиятлар гурухининг номи – роҳат дейилади. Шунга ўхшаб, олдига қўйган мақсади ва унга эришини фаолиятининг ҳарактерига қараб, барча инсон фаолиятларини уч. юрик гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ – амалий фаолият. Амал – мақсадга мувофиқ ҳаракат қилиш экан, буни рўёбга чиқариш учун, киши ўз фаолиятидан кузланган мақсадни ва унга эришини йўлларининг сир-асорини яхши билиши керак бўлади. Яъни киши ҳаракат қилишидан олдин, ҳара-

кат қилиш билимларига эга булини шарт. Аниқ мақсад ванынг күрсаткыштарини ҳамла мақсадга етиш йүл-йүриқтарини, янын билимларни, одам билим сандиги бұлған шу соңа фанидан устоз-муаллимлар орқали ёки мустақил равишда китоб ва бошқа адабиётларни мутолаа қилиб олади.

Билим бериш ва уни әгаллаш фаолияти **маърифий фаолият** дейишиб, инсон фаолиятининг иккинчи гурұхини ташкил қиласы. Бунда бир инсон муайян фандаги билимларни бошқасыга узатади, бошқа бир инсон, бу билимларни қабул қилиб олади. «Үқитувчилар тала-баларга берадиган, фанға тааллуқлы билимлар қаердан пайдо бұлади?» деган саволға, «Бу билимларни, инсонияттың тарихий тараққысты давомида, олимлар тадқиқотлар олиб бориши йұли билан аниқлаганлар ва фанға мулк қилиб берғанлар» деб жавоб берамиз.

Инсоннинг тадқиқот олиб бориши фаолияти илм де-йилади ва инсон фаолиятининг учипчи гурұхини ташкил қиласы. Кипи руҳига роҳат бағын этувчи фаолият тури бұлған илм билан, ҳар бир инсон шүгүлланиш қобилятига эга. Бу қобилят бирорда күп, бошқа бирорда озроқ бұлини мумкин, бу табиий ҳол. Аммо ҳамма ҳам, бу ҳақиқиит инсоний фаолият билан шүгүллана олади. Фақат бунинг шартларини бажарын лозим. Шайх Хожа Аҳмад Яссавий айтғанларидек:

Тариқатта шариатсиз кирғанларни,
Шайтоң келиб иймөнни олар әмиш,
Ушбу йұлни пирсиз амал қылғанлар-эй,
Йұл-йұлакай сарсон бұлиб қолар әмиш.

Бу деган сұз, илм йўлига (сўфийларда тариқат йўл маъносида ишлатилади) кирғанлар, авваламбор, шу йўлдаги мавжуд қонун ва қоидаларга, янын шариатга риоя қилишлари шарт. Илм йўлидаги қонун-қоиданинг асосийларидан бири, нафсни тийишдир. Нафсни тийиш – кийиниш, овқатланиш ва бошқа истеъмол амаларини тұхтатиши деган сұз әмас. Баъзи сўфий оқим-

ларда такидлаинганидек, истеъмол қилиш амалини асосий мақсад қилиб олмай, истеъмолни буюк мақсадга стишдаги зарурий бир чора деб қабул қылмоқ лозим. Бир аллома айттанидек, «Емак учун ящамай, яшаш учун емак керак». Мақсадларниңг энг буюки эса, билим олмоқ ва янги билимларни излаб тоимоқликтир.

Иккинчидан, илм билан шугуллапишишни мақсад қилған киши, албатта, ўзига узтоз (пир) танлаб олини лозим, бўлмаса йўл-йўлакай сарсон бўлиб қолади. Устоз танлаб олганидан кейин, уни қийнамай, маълум бир вақт мобайнида, унга сўсиз итоат этиши шарт. Қачонки, ўзи устоз даражасига эришганидан кейин, устози билан баҳслашиб кувватига эга бўлади. Чунки илм йўли анча мураккаб бўлиб, бу йўлниң поёнига етиш учун, кини маълум бир вақт, устозига эргашиши лозим бўлади.

Демак, инсон ўзининг турли-туман фаолиятини амалга ошириш жараёнича, ё амалий фаолият соҳасида, ё маърифий фаолият (билим олмоқ ёки билим бермоқ) соҳасида, ёхуд илмий фаолият соҳасида ўз қобилиятини курсата олиши мумкин экан.

Ҳар қандай фаолиятни амалга ошираётганда, киши ўз фаолиятини муайян бир нарса ёки ҳодисага қаратади. Шунда бу нарса ёки ҳодиса, унинг фаолият обьекти ҳисобланади. Аммо ҳар қандай нарса ёки ҳодисанинг жабҳалари кун бўлади. Муайян нарса ёки ҳодисанинг (объектининг) алоҳида олинган жабҳасига, ўзига яраиш фаолият орқали таъсир курсатилади. Муайян обьектининг алоҳида жабҳасига муайян фаолият орқали таъсир курсатилганида, бу жабҳа, шу фаолиятининг предмети ҳисобланади. Бу илмшунисликниңг бизга белгилаб берган умумий қоидаси, унга бўйсунмай иложимиз йўқ. Демак, фаолият йўналтирилган нарса ёки ҳодиса, шу фаолиятининг обьекти, унинг алоҳида таъсир этиши жабҳаси, унинг фаолият предмети ҳисобланар экан. Фаолият обьекти, муайян фаолият нимага қаратилган деган саволга жавоб берса, фаолият предмети, бу фаолият шу ниманинг нимасига қаратилган деган саволга жавоб бериши шарт.

Шундай экан, бошқа соҳалар қатори, педагогика соҳаси ҳам, олдига қўйган мақсади ва унга етишиш йўлларининг характеристига қараб уч йирик гуруҳга бўлиниди. Буларга: педагогика илмининг фаолияти, педагогика фанининг фаолияти ёки маърифий фаолият ва педагогик амалиёт фаолияти киради.

Педагогиканинг илмий фаолиятининг ўзига хослиги, у ўз олдига таълим ва тарбия жараёнидаги мавжуд қонуниятларни, тадқиқотлар олиб бориш йўли билан, аниқлашни мақсад қилиб қўйганлигидир. Шунинг учун, унинг тадқиқот обьекти педагогик жараёси ҳисобланади. Педагогик жараёнда бир неча унсурлар иштирок этганилиги боис, педагогик жараёнини бир бутун қилиб турган нарса, улар орасидаги зарурий (функционал) алоқадорликлардир. Педагогик жараёнда иштирок этадиган унсурларни ўзаро боғлаб турган алоқадорликлар педагогика илмининг тадқиқот предмети ҳисобланади. Чунки, педагогика илмининг мақсади, педагогик жараёнда иштирок этадиган унсурлар орасидаги алоқадорликларнинг зарурийларини нозарурийларидан ажратиб бериш ва зарурий (қонуний) алоқадорликларининг мавжуд эканлигини исботлаш ва шулар асосида таълим-тарбия бериш тамойилларини ҳамда қонун-қоидаларини амалиётчи педагогларга аниқлаб беришидир.

Педагогика фани ўз фаолиятини педагогика илми аниқлаган маҳсус тушунчаларни, билим беришининг тамойиллари, қонун ва қоидаларини, келгусида меҳнат фаолияти этиб ўқитувчиликни таилаган инсонларга ўргатишга қаратган. Шу боис, бўлғуси ўқитувчилар педагогик фани соҳибларининг фаолият обьектидир. Ўқувчи ва талабаларга муайян фандан билим бериш, педагогика фани соҳибларининг фаолият предмети ҳисобланади. Педагогика фанида фаолият кўрсатаётганиларни мақсади, ўзига ўқитувчиликни меҳнат фаолияти этиб таилаганларга педагогика илми аниқлаган ва таълимий жараёнда амал қилиниши шарт бўлган маҳсус тушунчалар ва тамойилларни, қонун ва қоидаларни ўргатишдир. Педагогик фаолиятни ўзига касб

этиб таилаган талабаларниң вазифаси эса, устозлари үргатаётган, педагогика фанидаги мавжуд маҳсус тушиучаларни, дарс берисила амал қилиниши шарт бўлган тамойилларни (принциплар), дарс беришниң қонун ва қоидалари, усул ва услубларини эгаллаб, ўқувчиларга турли-туман фанлардан билим бериб, уларни тарбиялашга киришишидир.

Педагогик амалиёт. Ўқитувчи ва педагоглар ўз амалий фаолиятларини одамларга қайсилир фандан билим берис ва уларни замонасига мос кишилар этиб тарбиялашга қаратгаи бўладилар. Уларниң фаолият объекти – инсон (у турли ёшида бўлини мумкин). Маълумки, одам биологик моҳияти баробарида ижтимоий моҳиятга ҳам эга. Шунинг учун уни «биоижтимоий» мавжудот – «биосоциум» леб юритилади. Инсоннинг биологик моҳиятини, унинг бўй-бастишиниг ўлчамлари, оёқ-қўлларининг шакл-шамойиллари, юз-кўз тузилиши, терисининг рағги, конининг иссиқлик даражаси ва кимёвий таркиби ҳамда бошқа бир қатор биологик курсаткичлари ташкил қиласди. Кипининг ижтимоий моҳияти эса, муайян бир шахснинг ҳаёти давомида тўплаган билими, кўникма, малака ва маънавиятининг мураккаб қориши масидаи иборатдир.¹

Зеро, инсоннинг ижтимоий моҳият асосини билим ташкил қилас экан, у бу билимларни теварак-атрофни кузатиб, ота-онаси, ёру биродарлари, оммавий ахборот воситалари ва расмий таълим-тарбия тизими орқали олади. Бу билимларни у ҳаётида қўллаб, аввал кўникмага, сўнг малакага ва охир-оқибат ҳаёт тарзига, яъни маънавиятига айлантиради. Кипининг эгаллаган билимлари дил такомилининг, юқорида курсатилган босқичлардаги ҳолатларининг йиғиндисини ижтимоий моҳият дейилади. Яна таъкидлаб айтамизки, инсон ижтимоий моҳиятининг асосини билим ташкил қилас экан, шахсни замон талабига мос равиша шаклланти-

¹ Бўри Зиёмуҳаммадов. Педагогика. – Т.: «Турон-Иқбол», 2006. 17–21-бетлар.

рувчи асосий фаолият соҳаси – узлуксиз расмий таълим-тарбия ҳисобланади. Чунки расмий таълим-тарбия, аҳолига факат илмий асосланган ва минглаб ма-ротаба амалиётда сиҳаб кўрилган тургуни билимларни беради. Бу фаолияти амалга оширувчи мугахассислар ўқитувчи ва педагоглар деб аталиб, уларнинг фаолият предмети инсоннинг ижтимоий моҳиятидир. Яъни, педагогларнинг амалий фаолияти йўналтирилган объект – инсоннинг ўзи бўлса, амалий фаолиятининг предмети, инсоннинг ижтимоий моҳияти экан. Ҳар бир ўқитувчи ўзининг хусусий фанилати билимларни дидактика та-мойиллари қонуни ва қоидалари ёрдамида талабаларга ўргатиш баробарила уларни миллий руҳда тарбиялай-ди. Щу йўл билан ўқитувчи ва педагоглар, одамлар-нинг ижтимоий моҳиятини замон талабига мос йўна-лишда шакллантириб, ривожлантирилар, натижала, жамият учун энг зарур бўлган вазифани бажарадилар.

1.2. Жаҳондаги дидактик тизимлар ва уларнинг шарҳи

Аслида, инсоният найдо бўлини билан, таълим-тарбия ҳам шаклланади бошлаган. Чунки, кетта ёнилгилар ҳаётий гажрибалари орқали ортирган билим ва қўни-маларини, ўсиб келаётган авлюдга ўргатгандар. Нати-жада, тарбия берини ҳақида билимлар туслана бошла-ган. Яъни, кимларга ўргатиш?, нималарга ўргатиш? ва қандай ўргатиш? деган саволларга жавоб топа бошла-гандар. Бундай тарбия берини сир-асорларини қалим-ги Хитойнинг Конфуцийси; Ўрта Осиёнинг Авесто, Форобий, Иби Сино ва Берунийси; Ҳиндистоннинг Будда ва Даоси ҳамда Миср ва Юонистон файласуф-ларининг асрларида учратиш мумкин. Аммо, таълим ва тарбияга оид билимларни илмий асосланган маълум бир тизимга солиб, уларни бир неча бор синовдан ўтка-зид, равон бир педагогик назария кўрининшида, бирин-чи бор инсониятга тақдим этган олим, бу чех файласу-фи ва педагоги Ян Амос Коменский (1592–1670) бўлган.

Үүзинчиг «Буюк дидактика» асарида: «Болаларни неча ёндан үқита бошлаш лозим?», «Гурух-гурӯҳ қилиб үқитгандаги гурухдаги болалар сони қаңча бўлиши керак?», «Үсиб келаётган авлодга нималарни ўргатиш керак?», «Билим беришда қандай тамойиллардан (принциплар) келиб чиқилиши шарт?», «Билим беришда қандай усуллардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ?», «Үқитувчиларниң моддий таъминоти қандай бўлиши керак?» ва бошқа бир қатор саволларга илмий асосланган ҳамда тажрибадан ўтгани жавобларни бергац. Чунопчи, сипадаги болалар сони 12 нафардан ошмаслиги керак, агар ошиб кетса, дарс ўтиб бўлмайди деган эди Яи Амос Коменский. Ёки үқитувчиларниң ойлик иш ҳақи, мамлакатниң биринчи шахсининг ойлигидан кун ёки унинг иш ҳақи билан баробар бўлиши шарт. Акс ҳолда үқитувчинин обрўси бўлмайди, деб таъкидлаган Коменский. Аллома бошқа масалаларга ҳам амалда исботланган ва илмий асосланган жавобларни берган эди. Ундан кейин англиялик файласуф Джон Лок (1632–1704) ҳам ўз тадқиқотларини педагогика назариясига қаратган. Француз олимлари Д. Дидро (1713–1784), К. Гельвеций (1715–1771), П. Гольбах (1723–1789), Ж.Ж. Руссо (1712–1778)лар ҳам педагогика назариясига ўз ҳиссаларини қўшиганилар. Педагог олим, швейцарийлик И.Г. Песталоцци (1746–1827) узидан аввал ўтган педагог ва файласуф олимлар фикрини таҳдил қилиб, ўз фикрини билдирган. Педагогика назариясига чуқурроқ кириб борган педагог олимлардан И.Ф. Гербарт (1776–1841) ва Ф.А. Дистервег (1790–1886)лар ҳам шулар жумласидандир. Россия олимларидан В.Г. Белинский (1811–1848), А.И. Герцен (1812–1861), Л.Н. Толстой (1828–1910) ва К.Д. Ушинскийлар ҳам педагогика назариясига ўз ҳиссаларини қўшиганилар. Ўрга Осиёда назариётчи педагоглари қаторида Абай Қўнонбоев (1845–1904), Маҳмудужа Беҳбудий (1875–1919), Фитрат (1886–1938), Абдулла Авлоний (1878–1934), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889–1929) ва бошқа қўнгина алломаларни санаб ўтиш мумкин.

XVII аср ўргаларидан бөнілаб, педагогика назарияси, иңчүни, уни үрганувчи фан «Дидактика» шақлана бөнілаган экан, үтгап дәвр мобайнида күнгина педагог олимлар томонида талайгина дидактик тизимлар тақлиф этилиб, амалиётта сингдирилди. Аммо, уларниң ҳаммаси ҳам тарих синовидан үтиб, кең тарқалмади. Жаһондаги күнгина мамлакатларниң педагогик амалиёттеги сингдирилиб, шу күнгача нұғузини сақлаб турғанлари – учта. Бу ҳам бұлса, чехиялық файласуф ва педагог Я.А. Коменскийнинг дидактикасы, немис педагоги ва психология И.Ф. Гербарт ва америкалық файласуф, психолог ва педагоги Д.Дьюоннинг дидактик тизимларидір. Бу тизимларниң ижобий томонларини бирлештирувчи ҳамда анча гакомилланған ҳозирги замоида яиги дидактик тизим мавжуд.

Улар орасыда күнгина умумийлик бұлғапи билан, үзаро фарқлары ҳам анчагина. Чупончи, Я.А.Коменскийнинг дидактик тизими үтә гуманистик бўлиб, билим бериш ва билим олиш жараёнини бошқариш ўқитувчилар томонида амалга оширилади дейилгани билан, билим олишлик тұла талабалар ихтиёрида бўлиши керак, деб ҳисоблаган. Яъни, талабалар билим олгилари келсагина уларга билим берин лозим. Аммо билимта қизиқтириш ўқитувчига bogliq дейилган. Шу боис дарс бериш усул ва услублари үтә юмшоқ, яъни болаларга тазийқ ўтказмасдан, уларниң хошиш-истакларига қараб дарс үтилишини тақозо этгап. Тахминан шундай фикрни Абу Наср Форобий асарларыда ҳам күриш мүмкін. Я.А.Коменский: «Қандай ва қанча билим берилишини керак?» деган саволга «Билим түри ва ҳажми қаңчалик күн бұлса, шунчалик яхши», деган фикрни илгари суради. Шунинг учун Коменский дидактикасида ўқитувчи билимни беріб, ўқувчи уни эслаб қолишининг үзи кифоя дейилган. Социалистик инқилоб ғалаба қозоңған шүролар ҳокимиятида айсан Я.А. Коменскийнинг дидактик тизими қабул қилинған эди. Боншқа деярли барча хорижий мамлакатларда, шу жумладац, Европа мамлакатлари ва Америкада, писбатан


қаттиққұлликка ва зұрлалық асослаған И.Ф.Гербарт дидактик тизими кең құлланилди. Гербарттың фикри бүйіча, мактабнинг асосий вазифаси үқувчиларни ақылый ривожлантириш, янын уларға билим берішдан иборат бұлмоги лозим. Ахлоқый тарбияшынг барча масалаларини оила ҳал қилиши керак, деб хисоблаган Гербарт. Шу бөис, таълим берішшінг асосий мақсади тайёр билимларни беріш, үқувчилар эса бу билимларни ёдлаб олишлари билан белгиланған. Гербарт ҳам, «қанча күп билим берилса, шунчалик яхши», деган ақыладаны тұғри деб билған. Дарс жараёнида фаоллық факат үқитувчига рухсат берилған, үқувчилар эса үқитувчи айттанларини мулоҳазасыз қабул қилиб, әслаб қолишилари талаб қылғанған. Гербарт үқувчиларга жисмоний жазо құллашлық мүмкін деб билған. Коменскийй эса, бу ҳолға жуда ҳам қарши бұлған. Бу масалада Форобий, «баъзи үқувчиларга юниоқ усул орқали билим берилса, баъзиларига қаттиқ усул құл келади» деб туриб, кетидан, «аммо юниоқ усул қаттиқ усулаш афзал» деган эди.

Азиз китобхон, әпди тафаккурингизни яхшилаб ишлатиб, бир әслаб қуриң-чи, сизнинг ҳәётиңизда шунда үхшаш усулашдан фойдаланувчи үқитувчилар бұлғанми? Албатын бұлған, чунки бу иккі дидактик тизим қарийб иккі аср давомида ер юзида ҳукмронлық килған. Гарчи расмий шуралар ҳокимияти Я.А.Коменскиййнинг гуманистик дарс берішини талаб қылсалар ҳам, күпчилик үқитувчилар Гербарт дидактик тизимини билмаган ҳолда, унинг қоидаларига тойиб кетаверғанлар. Чунки, Гербарт үз дидактик тизимини реал ҳаёғдан олган бұлиб, психологияшының қонун-қоидаларига сүяңған. Ундағы ташкари, бу усул нисбатан осон бұлиб, үқитувчидан факат қаттиққұлликни талаб этиб, ундағы катта интеллектуал күч сарфлапни талаб қылмаган.

ХХ аср бошларыда американщик файласуғ, психолог ва педагог Джон Дью, Гербарт дидактик тизимиге қараша-қарши бұлған үзининг дидактик тизимини таклиғ қылды ва уни Чикаго мактабларидан бирида мұваффа-

қиятли синаб күрди. Дью дарсда үқитувчи эмас үқувчи фаол бўлмоги лозим деб чиқди. Дарсда бериладиган билимлар галабалар эҳтиёжита мос ва уларининг хоҳинидан келиб чиққан бўлиши керак деб ҳисоблаган. У китобдаги билимларни қуруқ ёл олини ҳеч нарсага олиб бормайди, аксинча, үқувчиларни үқишидан совутиб, тафаккурини занглашатди деб таъкидлаган. Дъюнинг таълим-тарбияга қўнгани асосий ҳиссаси – бу «Ақл юритишнинг тўлиқ жараёни»дир. «Ақл юритиш тўлиқ жараёнининг етакчи ҳалқаси муаммонинг иайдо бўлиши», лейди Дью. Муаммо пайдо бўлганидан кейин, үқувчи қийин ҳолатга тушиб, унинг ечимини излайди ва фаол фикр юритиб, бир қатор мулоҳазалардан кейин бу муаммонинг ечимини топади ва синаб қуради, потўрги бўлган тақдирда, яна ақл юритали ва бу жараёни бир неча ма-ротаба қайтаришганидан кейин, охир-оқибатда унинг тўлиқ жараёни амалга ошиди. Кейинчалик бундай дидактик тизим «муаммоли дарс ўтиш», деб номланди.

Бу учга дидактик тизимнинг анчагина ижобий томонлари билан бирга, салбий томонлари ҳам мавжуд. Шунинг учун, америкалик бир қатор педагог олимлар томонидан, аввалги дидактик тизимларниң ижобий томонларини бирлашгирувчи дидактик тизим яратилиди ва у янги дидактик тизим деб номланди. Янги дидактик тизимда илгари суръиган гоялар жуда яхши, аммо уларни амалга ошириш ўта қийин экани амалиётда маълум бўлди. Дунёда бўлган барча дидактик тизимларниң энг яхши томонларини бирлаштириб, янги дидактик тизим асосида дарс ўтиш оддий педагоглар у ёқда турсин, тажрибали педагог олимлар учун ҳам қийинчилик тутлиради. Шу муносабат билан, ҳамма педагоглар фойдалана оладиган, ўзининг қатъий тузилишига ва амалий якунга йўналтирилган ҳамда дунёдаги барча дидактик тизимларниң яхши томонларини бирлаштира олиш хусусиятига эга бўлган үқитишнинг педагогик технологияси ишлаб чиқилди ва ривожланган мамлакатлар педагогик амалиётига сингдирилди.



Азиз китобхонлар, педагогик технология таълим-тарбия соҳасидаги навбатдаги расм-руsum (мода) эмас. Педагогик жараёни амалга оширишнинг бу усули заруриятдан келиб чиқсан бўлиб, уни эгалламасдан туриб, замонавий дарс ўтиб бўлмайди.

1.3. Педагогик технологияни таълим амалиётига жорий этишининг долзарблиги ва таълим беришда бу усулининг ўзига хослиги

Узбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш милий дастури»да, илгор педагогик технологияларни ўрганиб, уларни ўқув муассасаларимизга олиб кириш зарурлиги уқтирилган.

Кейинги ўн йил ичидаги яратилган, педагогикага бағишиланган адабиётларда «Педагогик технология», «Янги педагогик технология», «Илгор педагогик технология», «Прогрессив педагогик технология» каби тушиунчалар кўн учраб тургани билан, уларниң ўзбек тилидаги ма-ромига етган таърифи ҳали гузилмаган. Инчунинг, республикамизга мос, ҳақиқий педагогик технология ҳам ҳали яратилмади. Бу камчиликни, уибу китобимизда бартараф этишга ҳаракат қилдик.

Республикамизнинг педагог олимлари ва амалиётчи педагоглари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган ўзбек милий таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим-тарбия амалистила қуллашга интилмоқдалар.

Бу ерда: «Нима учун бугунги кунда педагогик технологияларининг милий назарий асосини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш зарурати туғилди?» деган савол найдо бўлиши мумкин. «Жамиятимизга қаинчадан-қаинча билимли кадрларни ва юқори малакали олимларни этишибтириб келган, совет ҳукуматидан қолган, педагогика услублари мавжуд-ку, уларниң эскириб, талабга жавоб бермай қолган ва мағкуралаштирилган жойларини ўзгартириб, милий тус бериб, фойдаланаверса бўлмайлими, албатта, хорижга эрганиши шартми?» — деган

мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Ўзбекистоннинг шу кундаги педагогик жамоатчилик инг аксарияти, айнаи мана шу йулдан бормоқдалар ва уни янги педагогик технология деб атамоқдалар. Бунинг педагогик технологияга алоқаси бўлмай, бу йўл иложсизликдан излаб топилган. Бу йўл фақат қисқа муддатга хизмат қилиши мумкин, холос. Мустақилликни қўлга киритган ва буюк келажак сари интилаётган жамиятта бу йўл узоқ хизмат қилолмайди. Чунки:

БИРИНЧИДАН, маълум сабабларга кўра жаҳон ҳамжамияти тараққистидан, бир оз бўлса-да, ортда қолиб бораётган жамиятимиз, тараққий этгани мамлакатлар қаторидан муносиб ўринини эгаллаши учун, аҳоли таълимини жадаллантириш ва самарадорлигини ошириш мақсадила энг илгор педагогик тадбирлардан фойдаланиш зарурлиги;

ИККИНЧИДАН, апънавий ўқитиш тизими ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли «ахборотли ўқитиш» сифатида тавсифланиб, ўқитувчи фаолияти биргина уқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки иуфузли билимларнинг ягона маңбаига айланниб қолганилиги, гарчи у учча кучли ўқитувчи бўлмаган тақдирда ҳам;

УЧИНИЧИДАН, фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганилиги натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшлиарга билдириш учун вақтининг чегараланганилиги;

ТЎРТИНЧИДАН, кишилик жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ амалий якунга асосланган, техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги;

БЕШИНЧИДАН, ёшлиарни ҳаётга мукаммал тайёрланган талаби, уларнинг тафаккурини кенгайтирувчи ва энг илгор билим берини усули ҳисобланган объектив борлиқка мажму ёнданув тамойилидан фойдаланишини талаб қилишиладир.

Педагогик технология юқорида санаб ўтилган бенгта сабабий шартларнинг барча талабларига жавоб берадиган таълимий тадбирдир.

Шуни айтиш жоизки, таълим технологиялари, педагогика илмининг тадқиқот обьекти сифатида, аниқ фанларни ўқитиш услуги сифатида майдонга чиқсан эди, эндиликда ижтимоий фанларни ўқитишпа ҳам янгича ёндашув сифатида қайд қилиниши лозим деб топилмоқда.

Бу зарурят, шу вактгача ижтимоий фанларни ўқитганида, мағкура нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ўқувчи (талаба)лар ёпиқ тафаккур парадигма (иамуна, мисол)лар асосида ўқитилганилиги, уларда ўзгача нуқтаи назарни таң олмаслик, фақат ўқитувчининг фикрини тұтры деб билиш шакллантирилганилигидандыр. Бу ҳол ҳар қандай ижтимоий тараққиёттағов бўлиб, шу нарадигмада юрган кишиларни ишқироз сари етаклайди.

Жамиятимиз жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Аммо ижтимоий соҳада ва, айниқса, таълим-тарбияда (баъзи илғор ўқув муассасалари бундан мустасино) деп-сипишиз вз умумий тараққиётдан орқада қолин сезилмоқда. Бундай нохун вазиятдан чиқиб кетини йўлларидан бири таълим-тарбия жараёнини қабул қилинган давлат стандартлари асосида технологиялантиришилди.

Маърифатли ва ривожлашган мамлакатларда мувафақият билан кўлланиб келаётган педагогик технологияларни ўрганиб, халқимизнинг миллий педагогика анъааларидан ҳамда таълим соҳасинин шу кундаги ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистоннинг замонавий миллий педагогик технология моделини яратиш зарурияти пайдо бўлди.

Педагогик технологиянинг том маъносини билиш ва унинг ҳудудимизга мос турини яратиш учун мажмуулар назариясини тұла эгаллаш зарур. Чунки педагогик технология, аввал ҳам айтганимиздек, мажмуулар назарияснинг қонуниятларига юз фоиз таянган бўлиб, янгича фалсафий тафаккурни, янгича дүнекараашни ифода этади.

Шу ўриңда алоқыла таъкидлаб үтгін жоизки, кинниларнинг ҳәёттә оңғли муносабатини, дүпёқарашини белгиләнгә доимо яигича ёиданини зарурлитетини үз вақтида аңграб етиш даражасини күрсатып берувчи мұхым омил – яиги фалсафий маңнавияттадыр. Айниқса, ҳар бир инсон ҳәёттә үзиппінг муносиб үрніни тоғыш учун кураиштап ҳозирғи даврда бұлажақ мугахассисинің фалсафий маңнавиятги биринчі даражада ақамият қасб этады.

Педагогик технологияның бошқа таълим усулларидан ажратып турадын үзігі хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат.

Бириңчидан, аввал ҳам бир неча бор таъкидләгани миздек, педагогик технология синергетик дүпёқарашидан келиб чиқувчи объектив парса ва ҳодисаларға мажму ёндашуын тамойили асосида яратылған. Аввали педагогик усуллар, түзилиши жиһатидан әркін булып, дарс таркибини белгиләш үқитувчи ихтиёрида булған.

Иккіңчидан, педагогик технологияда олдиндан белгиләнған асосий мақсадға әрининиң кафолатланған. Бошқа барча педагогик усулларда таълим-тарбия фаолиятының кафолатланған нәтижеси мавжуд бўлмай, стихияли нәтижалар билан кифояланиб келингандай.

Үчинчидан, педагогик технологияда, асосий мақсадта әрининиң босқичма-босқич амалга оширилиб, ҳар бир босқичда бажарилиши лозим бўлған вазифалар ва талаб қилинадиган воситалар ҳамда усул ва услубларнинг аниқ модуллари ҳосил қилинади. Бошқа педагогик усулларда таълим-тарбия жараёниниң якунида умумий мақсад қўйилиб, унга әрининиң йўллари үқитувчининг ихтиёрига ҳавола қилингандай.

Тўртинчидан, педагогик технология универсал хусусиятта эга булып, уни ҳар бир мугахассис, аъло бўлмаса ҳамки, яхши амалга ошира олади. Дарснинг самара-дорлигига педагогик маҳорати ва шахсий сифатлари деярли таъсир этмайди. Чунки дарснинг лойиҳаси аввалидан, маҳоратли методист-үқитувчилар томонидан тузилади. Аввали дарс берини усулларини амалийтда қўллаш учун, маълум даражада үқитувчининг педагогик маҳорати, шахсий сифатлари етакчилик қилғандай.

Бешинчидаң, педагогик технология ёрдамида дарс үтганды, таълим жараёнини доимий ва тұлиқ назорат қилиш имкони мавжуд. Авваллари бундай имкониятта үқитувчилар эга әмас әдилар.

Еттиңчидан, педагогик технология, Давлат таълим стандартларига эришишни кафолатлайди ва сарфлаш талаб қилингандык вақт, күч ҳамда воситаларни мөъёр дарражасида үшлайди.

Педагогик технология квантлар назариясидан келиб чиққап синергетик дүнёқараң ва ушынг ажралмас қисми бұлған объектив борлыққа мажму сифатида ёңдашиш тамойилидан тұлалигича келиб чиққанлиги учун, китобининг кейинніг сахиfalарини шуларни ёритипига бағишилаймыз.

1.4. Квантлар пазарияси ҳамда сипергетика

ХХ аср урталаригача, қарийб икки аср мобайнида, барча турдаги олимлар Ньютонынг механик дүнёқарашыга лол бўлиб, физиканинг механика қонунларидан келиб чиққан ҳолда, ўз назария ва таълимотларини яратдилар. Бу ғоята биноан бугун дунё ва унинг упсурлари яхши созланган машина кабидир. Уларни ўргапиш учун ҳар бирини қисм-қисмларга бўлиб ўрганиш лозим дейилган. Инсоният тафаккури тараққиётининг маълум бир босқичида, шундай қилинлик тўғри бўлган булиши керак. Бу ғояни нафақат физик, кимёгар ҳамда биологлар, балки жамиятшунос олимлар ҳам ўз фаолиятларига методологик асос қилиб олган эдилар. Буюк француз ва Россиядаги Октябрь инқилоблари айни шу ғоя асосида амалга ошган. Бу гоя бўйича жамият улкан бир машина каби тасаввур этилиб, уни яхшилаб созланса, у бехато фаолият курсатиши мум-
22

кин. Инқилоб раҳнамоларининг фикрича, капиталистик тузум бу машинани ишдан чиқариб қўйган. Уни созлани учун тарихий шаклланиб қолган машинани бутунлай сочиб, кейин уни жамият эҳтиёжига мос равишда янгигдан йигин керак, деб ўйлаганлар. Бунинг учун эса жамиятда инқилобий узгаришиларни амалга ошириши фикрини илгари сурғанлар ва Ер шарининг учдан бир қисмида буни амалга оширганлар. Аммо, энг адолатли ҳакам — вақт бу тоғы потўри эканини исботлади. Ҳаёлий социалистик тузум, қанчалик чиройли қўринишга эга бўлишига қарамай, ўз-ўзидан нураб кетди.

«Оlamга механик қарашни шакллантириб, бизнинг тафаккуримиз билан ҳиссиётимиз, руҳимиз билан ташнамиз, ўзимиз билан жамият ва жамият билан бугун табиат орасига пона уриб, уларнинг бир-биридан ажралиб қолишига физиклар сабабчи», дейди американлик физик олим Дэвид Пид. Ньютоннинг концепцияси бўйича, бугун борлиқ майдада қисмлардан ташкил тонгани бўлиб, ўзаро боғлиқдир. Дунёда содир бўладиган барча нарса ва воқеликларни олдиндан англаб, уларни билиб, мақсадга мос равишда ўзгартирса бўлади, леб ўйлаган Ньютон. Даставвал, сайёralар ҳаракатини илмий асосда кўрсатиб беришни мақсал қилиб қўйган бу тоға инсониятнинг икки юз йиллик ҳастига жуда катта таъсир этиб, жамият ва одамларни табиатдан ташқарига чиқариб қўйди. Инсон табиатга четдан туриб қарайдиган бўлиб, унинг ҳукмдорига айланиб қолди. Бу позицияда, механик дунёга четдан қараган ҳолда ёндашиб, уни ўзимизга бўйсундиromoқчи бўлдик. Натижада, тирик коинотнинг ажралмас аъзоси бўла туриб, ўзимизни ундан ажратдик. Инсониятни табиатдан, инсон руҳини танасидала, ақл-шууруни ҳиссиётидан бегона қилиб, ажратиб ташланди. Шу туфайли инсоният икки юз йил давомида қарама-қаршилик кайфиятида яшаб келди. Бу қарама-қаршиликларни фақат куч билан бартараф этиши мумкин, леган фикрга ишонган ҳолда коинотда етим (ожиз) бўлиб қолдик. Ўзини ёлгиз

хис қылған одам доимо құрқувда ҳаёт кечиради. Құрқув эса имонсизлик белгисидир. Құрқувни факат билим енгади ва киши имонини мустаҳкамлайди. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз Мұхаммад (с.а.в), «Мұмиил ва мұміналар, билимни бешикдан қабргача әгалланглар» дегендар.

Ҳамма нарасадаң құрқиб яшайдиган ожиз одамлар, үзларининг тинчлигини кафолатлаш мақсадида тинмай дунё йигадилар ва қуролланадилар. Бу фикрда мустаҳкам турғанлар ҳали ҳам жуда күп. Аммо, уларнинг барча ҳаракатлари зое, бу билан уларнинг дили таскин топиб, тинчлиги кафолатланмайды. Зудлик билан бу позициядан воз кечиб, үзаро бирлашишлари ва билим әгаллашлари, дүнёқараашларини үзгартиришлари ва имонларини мустаҳкамлашлари лозим.

Эңдилиқда квант назарияси яратилиб, бутун олам нур (квант) тұлқинининг майдони сифатида идрок этилған бир пайтда, оламни яхлит бир жонли мавжудот деб таң олнимоқда. Үндаги барча үнсурлар олам деб аталмис тирик вужуднинг аъзолари экани исботланған. Бу ғояга асосан, инсон олам деган тирик мавжудотнинг нұтка уруғи, кичрайтирилған нұсқаси сифатида талқии қилинади. «Ўзингни таписаң, Раббинингни танийсан» деган ҳадиснинг маъноси ҳам шу бұлса кепрап. Уидан ташқари, «Қуръони карим»нинг «Нур» сурасининг 35-оятида «Аллоҳ осмонлар ва ернинг нуридир, янын уларнинг барласини ёритиб, йүқдан бор қилгувчиidir» дейилған. Бу оятдан маълум бұладики Аллоҳ Еру осмонни нурдан яратған бўлиб, ўзи ҳам нурдир.

Дүпёнинг етакчи олимлари: «Тафаккуримизда содир бўлган, кейинчалик ҳаёт тарзимизга (маънавиятимизга) айланиб кеттан бўлиниш ва қарама-қаршилик даври тугади» демоқдалар. Квант назарияси шаклланиши билан, классик физиканинг механик назарияси барҳам топди ва бизга одат бўлиб қолған дүнёқарааш үзгара бошлади. Кимда-ким ўзидаги механик дүнёқараашни үзгаргирмаган бўлса, үзгартирсин. Ньютон физикасининг механик қараши асосида фикр юриттган одам XIX аср ёки

ХХ аср бошларида яңа ёткаңдек бұлади. Ағасуски, бизда, бундайлар күнчиликни ташкил этиб турибди, чунки бу жоға жоғы бўлиб, одамлар руҳига сингиб кетган. Албатта, дунёқарашни ўзгартириш иши осон кечмайди. Осон бўлмаса-да, шу йўналинида ҳаракат қилишимиз лозим. Акс ҳолда, жаҳон ҳамжамияти тараққиётидан орқала қолиб, бир жойда десиниб тураверамиз.

Квант назарияси дунёқарашимизга яхлитлик тоғаси ни олиб кирди. Энди биз ўзимизни Коинотдан, руҳимизни ташамиздан, ақлимишини ҳиссийтимиздан ажралган ҳолда илрок қилмасдан, инсонни Коинот ичилада, унинг ажралмас бир аъзоси сифатида кўринимиз керак.

Энди биз табиат ичилда туриб, уни мутлақо бошқача илрок қила оламиз. Классик физика асослари хам ўзгара боинлайди. Энли материя қогиб қолган бир нарса сифатида талқин қилинмайди, у квант майдонининг ҳаракат жараёнидаги бир модели сифатида ҳис этилмоқда. Дунёга квант назарияси асосида қарашиб материяни ақидан ажралмаган ҳолда эмас, балки уларга бир буунининг икки ҳолати сифатида ёндашиши талаб қилмоқда.

Аввалги дунёқарашимиз потўғри эканлитиги аниқ бўлди. Аммо, бу леган суз, у ёлгои экан дегани эмас. Бу фақат объектив борлиққа ёндашишимиз бошқачароқ, тўлиқ бўлмаган деганидир.

Квант назарияси дунёла ҳозиргача бўлған дунёқарашларининг энг тўғриси десак, хато қилмаган бўламиз. У субатом зарралари ва биологик мажмуулардан тортиб, галактика ва сайёralар ҳаракатини тұгри, яни илмий асосда тушинтириб бермоқда.

Бу назарияни биринчи бор Макс Планк билан Альберт Эйнштейнлар «Қора ўра» сирини үрганини жараённида яраттилар. Улар атомининг ўзгармаслигини тан олгилари келмай, «Қора ўра»дан тарқалаётган энергияни турғушилик сирларини билиш мақсадида «фотонни» аниқладилар. Шундан кейин атом ичидаги электронлар ҳаракатига «квант» (энергия тұлқинининг бир бўлати) үлчамини бериб, электрон тұлқинларининг тур-

гунлик сирини билдилар. Радиация майдонлари ва энергия тұлқиндерини квант сифатыда үрганишилари жараёшида, улар бир вактпен үзіла ҳам зарра, ҳам тұлған сифатыда булишлігінің кашф этдилар. Бу еса шу күнгача шақыланған дүнекарашының бутунлай үзгариб кеткіннің олиб қелди. Шу йул орқалы «Квант назариясы» ва уннан таркибий қисми сифатыда «Квант механикасы» яратылды.

Квантлы фикр юритиш, нур тезлигидан ташқарыда ҳам реал борлықтын ифода этувчи үлчам бор эканини аниклади. Олимлар бутун дүнёга квант манзарасыдан қарашгана, макон ва замон моддий олам ичіда мавжудлігінің ва бутун оламни қарраб олған квант күчіні аникладылар. Квант күчи ҳамма ёқда, барча нарасаларда мавжуд булиб у үз қувватини тұлық нағоюн этса, табиатта ақыл бовар қылмайдынан үзгаришилар содир булиши мүмкінлігі маълім бўлди. Олимлар бу қувват бутун олам буйлаб, чексиз тарқалиб, квант майдонини ташкил қилишлігіні топдилар.

Дэвид Бомм ва бошқалар, квант тұлқини бутун борлықтарының асосий маңбаи эканини исботладылар.

Квантлы фикр юритиштегің истеъдолдлы вакилләридан Дэвид Бомм, бугун борлық, шу жумладағы, энергия ва вакт ҳам Коинот ичіда мавжуд янириш тартибиңінде ҳосиласи, шу түфаиля барча нарасалар тартиб ичидеги тартиб орқалы бошқарылады демоқда. Олам ичіда янириштан тартиб бутун борлықти бошқарыб турар экан.

Квантлы фикр юритиш, Оламни шу маҳалгача мавжуд бўлған илмлар кашф қылған билимлардан яхшироқ түпнұсандықта ёрдам беради.

Бутун Олам ва уннан нарасалар тартиб орқалы бөниқарылыш ғоясидаи келиб чиқиб, илмфанды «синергетика» оқими пайдо бўлди.

Синергетика, дастраввал, физика-математиканың назариясы сифатыда XX асрнаның 60-йилларыда вужудга келди. Бунга асос солған белгиялик олим И. Пригожин, математикадаги диссиптив (лот. «диссипация» — сийиш) системаны кашф қилди. У очиқ система ҳисоб-
26

ланиб, ўзини қуршаб түрған мұхит билан энергия ва зарралар алмашуви натижасыда доимо ўзаро боғлиқ-ликда экан.

Бу оқимга германиялык олим Г. Хакен «синергетика» деб ном берди.

Синергетика ғояси тараққий этиши жараёнида, очик система шароитида, унинг тадрижий ривожига олиб борувчи ўзини ўзи ташкил қила олиш хусусияттар ката-та эътибор қаратилди. Турли-туман системаларнинг ўзини ўзи гашкил қилиш жараёнида мавжуд универсал хусусиятлар ва объектив қонуниятлар аниқланды.

Синергетик ғоя ва тамойилларнинг асослилiği ҳамда кеңг миқёслилiği унинг фанларарапо илмий йуналиш бўлиб шаклланишига олиб келди. Бу эса, мұхим фалсафий натижаларга ва янгича дунёқарашнинг шаклла-нишига сабаб бўлди. Табиий равишда, умумсинергетика оқими ичилә ижтимоий синергетика ҳам ривожла-ниб бормоқда.

1.5. Мажмулар назарияси ва уидан келиб чикувчи объектив борлиққа мажму сифатида ёндашув тамойили

XX аср ўрталарига келиб объектив борлиқ түгриси-даги маълумотлар шу даражада ортиб кетдик, аср бо-шида гүёки шаклланиб битган деб ҳисобланган фан тармоқлари тараққий этиши натижасыда уларнинг турлари қарийб юз баробар қўпайли. Ўрганиш объекти ва тадқиқот усуллари жиҳатидан, уларнинг фанларарапо, интегратив турлари вужудга кела бошлади. Билим ҳажми, тури ва сифати ортиб бораверди. Бу билимларни кеңг оммага етказиш ва уларнинг тафаккурига синг-дириб, хотираларида сақлаб қолишилари учун дунёни бопиқача тушунини тартибини жорий қилиш зарурияти найдо бўлди.

Уидан ташқари, протон ва электронларнинг фотонларга, фотонларнинг нейтронларга бўлиниб кетиши ва квантнинг кашф қилиниши, дунёнинг пайдо булиши-нинг янги концепциясини тузишини тақозо қилар эди.

Шу маҳалгача ҳукм суриб келаёттаи оламии механик тушуниш бу вазифани бажара олмас эди. Гап шундаки, аввал ҳам айттанимиздек, «классик» илм-фан нарса ва ҳодисаларни бүлакларга ажратиб ўрганар, сўнг бу қисмларни механик равишда бир-бирига бирлашгириб туриб идрок қилас, шунда қисмлар орасидаги алоқадорликларга эътибор ҳам берилмас эди. Баъзи фан соҳаларида объектив борлиқка бундай ёндашиш ҳозиргача давом этиб келмоқда. Аслида, нарса ва ҳодисалар ва уларнинг қисмлари таснифидаи, улар орасидаги алоқадорликлар ҳаёт учун аҳамиятлери оқидир.

Шундай шароитда 20-йилларда австриялик биолог олим Людвиг Фон Берталанфи томонидан нарса ва ҳодисаларни ўрганишда «органик» усул таклиф этилди. Бу усул — биологик ва ижтимоий ҳаётлаги жараёниларни ўзаро боғлиқ ҳолда, бир бугунилик сифагида ўрганишни тақозо этарди. Бошила бу усул биологиянда қулланана бошланган. Аммо ҳаёт бу усулининг тараққиётининг бошқа жабхаларида, жумладан, ижтимоий ҳаётда ҳам қулланишига олиб келди. *«Мен аминманки, оламдаги кўпчилик олимлар биз келган натижага келишган, аммо, бизлар тарқоқмиз ва бир-биримизни билмаймиз, ундан ташқари, фанлар орасидаги чегаралар ҳаммамизнинг бирлашишимизга имкон бермай турибди»*,² — деб ёзган экан англиялик иқтисодчи олим К.Боулдини узининг Л.Фон Берталанфига йўллаган хатида.

Аста-секин дунёдаги илм-фан вакиллари, пайдо булиши жиҳатидан турли бўлган нарса ва ҳодисалар ривожининг умумий қонуниятларини аниқлаш ва уларни бир тартибга келтириш зарур эканига тушуниб етдилар. Бир қатор хусусий фанларда, ҳодисага синергетика шуқтаси назаридаи система сифатида ёндашишни, яъни ўзаро функционал боғлиқликда турган қисмлар бир бутушиликни ташкил қилишнинг исботланди.

² Берталанфи Л. Общая теория систем — обзор проблем и результатов // Системные исследования. Москва, 1969. С. 39.

Умуман, системали ёндашувнинг қадимги илм-фан ва фалсафада мавжуд эканлигини ҳам кўрса бўлади. Бутун борлиқ қандайлир, ўзаро боғлиқ бўлган қисмлардан ташкил топганинги Платон, Форобий, Ибн Сино ва бошқа алломалар фикрларида ҳам куриш мумкин. Мавлоно Жалолиддин Румий ҳам оламнинг заррадан коинот қадар ўзаро вобасталиги, бир-бири билан тортилиб туриши ҳақида айтган.

Системали ёндашувни биринчи бўлиб англиялик иқтисодчи олимлар Адам Смит ва Адам Фергустон, ундан кейин Чарлз Дарвин ҳам қўллаганини кўрса бўлади. Маълум бир системали ёндашувни Ф.Энгельс асаларидан ҳам англаса бўлади. «*Бутун табиат муайян парсалар орасидаги алоқадорликлардан иборат, парса деганда биз, юлдузлардан тортиб атомгача тушумиз*»,³ — деган Ф.Энгельс.

Бироқ, XIX–XX аср олимлари нарса ва ҳодисаларга анъанавий тасниф беришдан нарига ўтгомадилар.

Фақат XX асрнинг 50-йилларига келиб, ўрганилаётган объектига ўзаро узвий боғлиқ бўлган бўлаклардан ташкил топган бир бутунлик сифатида қарайдиған бўлишиди.

Даставал, системалар назарияси ўз мақсадини жамики нарса ва ҳодисалар, уларни ташкил қилувчи қисмларда бирлай инплайдиган умумий тамойилларни аниқлашга қаратди. Техник системаларни моделлантиришни кибернетика ўз зиммасига олган бўлса, ахборот берувчи системаларни ўрганиш жараёнида информациян назария вужудга келди ва охирида ҳаммасини интеграциялаштирувчи умум системалар назарияси пайдо бўлди.

Объектив борлиқни чексиз кўп, содда ва мураккаб, катта ва кичик, жоили ва жоисиз, тикланувчи ва тикланмайдиган ва ҳоказо сифатларга эга бўлган системалар сифатида идроқ қилиш шу фан тараққиётининг маҳсулидир. Нарса ва ҳодисаларга система сифатида ёндишиш ривожлана бориб, қисқа муддат ичида ўзи-

³ К.Маркс, Ф.Энгельс. Соч. т. 20, с. 392.

нинг хусусий қонуниятларига, атама ва тушунчаларига эга бўла бошлади. Системалар назарияси жуда ҳам тараққий этган назария бўлиб, ўз қонуниятларига, қонунқоиди ва категориал аппаратига ҳамда маҳсус фикр юритиш услубига эга.

Системалар назариясига тўлик асосланувчи биология, кимё, олий математика, кибернетика, космология, космонавтика, роботатехника каби илм-фан тармоқлари мавжуд. Системалар назариясидан дунёни англап усули сифатида фойдаланувчи фанлар кундан-кунга ортиб бормоқда. Шу кунга келиб, муайян фанинг тараққий этганилиги ва ҳар бир олимпиниг стуклик ҳаражаси, уларнинг системалар назариясидан нақалар унумли фойдалана олишилиги билан белгиланмоқда.

Системалар назарияси (теория систем), системали ёндашув (системный подход) ва уларга тегинили бўлган тушунчалар Ўзбекистонга яқин ўтмишда кириб келди. Бу тушунчалар Ўзбекистон олимлари томонидан ўзбекчага турлича талқин қилиниб, илмий жамоатчилик орасида «мажмуали ёндашув», «тизимли ёндашув» ва «мажмуали ёндашув (бизнинг талқин)» деган атамалар билан қўлланиб келинмоқда. Илмлаки гоят мураккаб бу ижтимоий воқеликни бу атамаларнинг ҳаммаси ҳам тўғри ифода этмайди.

Мажмуалар назарияси ва мажмуали ёндашув деган сўз бирикмаларидаги «мажмua» тушунчаси биз назарда тутган воқеликни мулақо ифода этмайди. Чунки, «мажмua» (эътибор беринг, «мажмum» сўзидан «a» ҳарфи билан фарқланади) атамаси русчадаги «комплекс» деган тушунчани билдиради. Илм ва амалиётда бундай ёндашув ҳам аслида мавжуд. Унда баъзи бир хусусият ва жиҳатлари масалан, ранги, шакли, товуши, ёши ва ҳоказолар ўхшашлигига қараб бирлантирилган нарса ва ҳодисалар йигиндисига айтилади. Улар ўзаро зарурӣ, яъни функционал бөглиқ эмаслар. Масалан, синфдаги болалар комплекс – мажмua ҳисобланади, болаларнинг бир нечтаси бўлмаса ҳам дарс давом этаверади. Систе-

мада ундаи эмас, система бўлганидан кейин, унинг бир элементи бўлмаса, система ўз фаолиятини тухтатади ёки ўзгартиради.

«Тизимлар назарияси» ва «тизимли ёндашув» деган сўз бирикмалари системанинг классик ёки арифметик талқинини ифодалайди, холос. Ҳолбуки, системалар назариясида «тизим» тушунчаси тизимли ёки чизиқли система (линейная система) мазмунини бериб, системанинг минг туридан бир турини ифодалайди, холос.

Биз таклиф қилган ва Ўзбекистонинг етакчи муҳаррирлари фикр-мулоҳазасида ўтиб маъқулланган атама — «мажму». Мажму деганда, ўзаро функционал алоқадорликда бўлиб, бир бугуцликни ташкил қилувчи қисмлар бирикмаси тушиунилади. Функционал алоқадорликда бўлган деб, мажмуни ташкил қилувчи қисмларнинг тадрижий ривожи истижасида уларнииг ички заруриятидан келиб чиққан боғлиқликларга айтилади. Масалан, стол ўз қисмлари — оёқлари, оёқ оралиғ тахта, қопқоқ тахталари билан функционал боғлиқликда. Бу мажму. Бир хил раинг ва фасондаги стол ва стуллар йиғиндиси — мажмуя. Соилар кетма-кетлиги, яъни 1, 2, 3, 4 ва ҳоказо тизим. Ёки болалар кетма-кетлиги — катта ўғил, ўртапча ўғил, кичик ўғил, бу ҳам мажму, аммо тизимли мажму. Эътибор берини тизимли мажму, факат бир томонга ёки икки ёқса йўналтирилган булини мумкин. Ваҳоланки, мажмулар назарияси бўйича, мажму кўп томонли ёки доира шаклида, умуман, истаган шаклда бўлиши мумкин.

Ҳар қандай мажму икки ва ундан ортиқ қисмлардан ташкил топган бўлиб, айни вақтда, ўзи ҳам ўзидан юқори поғонадаги мажмуга қисм бўлиб киради. Унинг қисмлари ҳам бир поғона настдаги мажмулар ҳисобланниб, улар ҳам, ўз навбатида, бир неча қисмлардан иборат бўлади. Бу ҳодиса чекли ва чексиз давом этиши мумкин. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, мажмуларнинг хусусиятларидан бири поғона (**иерархия**)дорлигидир.

Мажмуга жонли бир мисол келтирадиган бўлсак, одамнинг кўзи бир бугуцлик — мажму. У кўз олмаси,

тавхари, киприклар, қовоқ ва ҳоказо үзаро функционал боғлиқ бұлған бир неча қисмлардан ташкил топған. Күз олмаси ёки киприги (исталған қисми), үз навбатида, мажму бұлиб, бир неча қисмлардан ташкил топған. Күзниңг үзи ҳам мустақил мажму бұлиб, үзидан бир поғонз юқори турған «юз» деган мажмуга қисм бұлиб киради. Юз эса бошпинг қисмидір ва ҳоказо. Ёки автоматашинаның гидравликаны олиб қурадиган бұлсак, у бир бутун парса — мажму бұлиб, үзаро функционал боғлиқ бұлған бир неча — диска, покришка ва камера деган қисмлардан, шу билаң биргаликта, үзи машина-нинг бир бұлаги — қисмидір. Ижтимоий ҳодисалардан мисол келтирадиган бұлсак, «түй» деган мажму бир бугунликни ташкил қилишиб билан бирга, бир неча — түй таралдуғи, гүйнинг болы, авжы ва охири деган үзаро функционал боғлиқ қисмлардан иборат. Бу қисмлар-нинг ҳар бири бир бутун мажму ҳисобланиб, үз навбатыла, бир неча қисмлардан ташкил топади. Шу билаң бирга түйниңг үзи миллий урф-одаттар ва аңыналар деган ижтимоий ҳодисаниңг бир қисмидір ва ҳоказо. Ер юзи ҳамда Коинотдаги барча парсалар — квантлардан тортиб, самодаги Сомон йулигача ҳамда барча ҳодисалар -оддий кайфиятдан то жағон урушигача бұлғанларға мажму сифатыда ёндашып мүмкін. Бу — дүнёни тұғыры илдрек қилишнинг охирги қонунияти. Шунинг учун буни борлыққа мажму ёндашув тамойили дейилмокда.

Юқорида қайл қилинганидек, мажму(системани)ни ташкил қылувчи қисмлар деб фақат үзаро үзвий, яны функционал алақадорликда бұлған қисмларға айтилади. Чунки нарса ва ҳодисаларда функционал алоқадор бўлмаган боғлиқликлар ҳам жуда күп. Ҳар қандай илмнинг вазифаси, үрганилаётгап обьектда ана шу функционал алоқадорликларни бошқа турдаги боғлиқликлардан ажратиб бериш. Бу эса ҳар доим ҳам осон кечмайди. Масалан, икки киши орасыда «муҳаббат» деган мажмунининг мавжуд ёки мавжуд әмаслигини аниқлаш масаласини олсак. Ҳақиқий муҳаббат деганда, икки шахс

орасидаги бир-бирига зарурий интилини борлигига айтилади. Зарурий деганда, бизнинг мисолда, бири-бисиз ҳаёт кечира олмаслик даражасидаги интилиш тушишилади. Интилини бўлганда ҳам, икки томондан баробар қувватдаги интилини ҳақиқий муҳаббатни ташкил қиласди. Бир одамда бошқасига кучли интилини бўлса-ю, у интилаётган одамда унга иисбатан интилини йўқ ёки суст дейлик, бу муҳаббат бўла олмайди. Бу бир одамининг бошқасига бўлган ошиқлиги, холос. Муҳаббатининг ҳақиқийлигини аниқлаш учун, интилишларнинг турғулигини ҳам аниқлани зарур. Улар ҳар қандай кучли бўлган тақдирла ҳам, вақтичалик бўлиши мумкин. «Бу интилишлар вақтинча бўлса, қанча вақт давом этади?» деган ва ҳоказо саволларга жавоб тошилик лозим. Кўриб турганимиздек, бу осон эмас экан. Осон эмас, аммо мтълум усуслар ёрдамида аниқласа бўлади.

Муайян нарса ёки ҳодисанинг ҳақиқий мажму эканини аниқлаш учун, мажмуни ташкил қилувчи қисмларидан бирининг хусусиятини ўзгартириб кўриш керак. **Мажмулар иззарияси (теория систем)** бўйича, мажмуни ташкил қилувчи қисмларидан бирининг хусусияти ўзгарса, бошқа қисмларининг ҳамда бутун мажмунинг хусусияти ҳам қонуний равиида ўзгаришига учраса, уни функционал алоқадорлик дейилади. Мажмулар замон ва маконда мавжуд бўлиб, вақт ўтиши ёки макон ўзгариши билан мажмунинг баъзи бир хусусиятлари ҳам ўзгаради. Мажмуларнинг ҳар бири фақат ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бир-биридан шу хусусиятлар йигиндиси билан ажralиб туради. Мажмунинг хусусиятги фақат бошқа мажмулар билан алоқаларда намоён бўлади. Алоқадорлик деб, мажму хусусиятини найло қилувчи узвийликка айтилади. **Боғлиқлик** эса, фақат уларнинг намоён бўлишидир. Ҳар қандай боғлиқлик замирида алоқадорлик ётавермайди. Янги хусусиятни яратувчи алоқадорлик **функция** дейилади. Функциялар орқали мажмулар ҳолати аниқланади. Мажму ҳолатининг кетма-кеғ намоён бўлиши жараён дейилади.

Мажму, уни ташкил қылувчи қисмлар фақат ўз поғонасидағи, яъни мажму ичидаги мажмучалар орасидаги алоқадорликларда намоён бұлади. Бир мажмунни ташкил қылувчи қисмларниң ҳар бири ўз поғонасидағи мажму қисмлари билан баробар бошқа поғонадаги мажму қисмлари билан алоқадорликла бұлса, у бир вақтпенг ўзида, ўзининг мажмуси биләп бир қаторда, бошқа мажмунни ташкил қилишда иштирок эттан бұлади. Чунки, ҳар қандай мажму асосини алоқадорлик ташкил қилади. Алоқадорликлар нарса ва ҳодисаларниң табиий тадрижидан келиб чиқиб, киши ихтиёридан ташқарыда мавжуддир.

Субъектив, яъни ииссон ҳохиш-истаги патижасида келиб чиққан ва киши тасаввурива намоён бұладиган сунъий алоқадорликлар ҳам мавжуд. Бұндай алоқадорликлар антропоген алоқадорликлар дейишиб, уларга асослациб шаклланған мажму сунъий бұлади. Сунъий алоқадорликлар объектив қонуниятлардан келиб чиқиб, жараён тадрижининг ички заруриятидан пайдо қылғанған бұлса, улар амалиётта ҳақиқий мажмуга айланади. Ҳар қандай оддий машина ва имаратдан тортиб, мураккаб ҳаракатларни бажарувчи робот ва космик кемалар ҳам бунга мисол бұла олади. Аксинча, сунъий алоқадорликлар асосида яратылған нарса ва ҳодисалар объектив қонуниятларға зид ҳолда шаклланған бұлса, улар амалиётта ўз тасдигини топа олмай, ииссон тафаккурида хаёлий нарса ёки ҳодиса бўлиб қола-веради. Уни мажбурий равишда амалга оширилса, у муваффақиятсизликка учрайди. Бунга, битганда қулаб тушған ишшоот ёки хаёлий гояларга асосланған, амалда нураб кеттеган коммунизм жамияти мисол бұла олади.

Мажмулар ўз асослари, яъни функционал алоқадорликлар проекциясипен шаклига қараб, қуйидаги гурұхларға ажралади:

— **тартибли** ва **тартибсиз**. Муайян дарахт баргипенг түзилиши ёки арифметик ракамлар тартибли, баргларнинг дарахт шохларыда жойлапши тартибсиз мажмуга мисол;

— тезликка эга ва суст, масалан, жонли нарсалар тезликка эга, тогу тош суст мажмұлардир;

— икки қарама-қарши ва күп томонлама — масалан, дарё икки қарама-қарни томонлы, яғни тизимли мажму, күл әса күп томонлама мажму;

— иуқтавий ва тизимли — бир ҳужайралы микроорганизмлар иуқтавиіті, дарё, йүл, ракамлар тартиби тизимлилікка мисол бұлади;

— тикланувчи ва тикланмайдиган мажмұлар — доим аввалғи ҳолатига қайтиб келувчи: кече-күндүз, фасллар, киши кайфияти ва ҳоказо тикланувчи, вақт, умр әса тикланмайдиган мажмұларға мисол бұла олади;

— өлдій ва мураккаб — водород, кислород, тоза сув, соф темир, соф олтин ва бошқалар өлдійіга, жинслар, эритмалар, қотишка маңыздылар мураккабларға киради;

— марказлашған ва марказлашмаган — агар мажмұ қысмлари орасидаги алоқадорлық векторларининг ҳаммаси бир асосий қысмда кесиліса, унда мажмұ марказлашған бұлади — мисол учун Шарқда ойладаги ҳамма ишлар ота билан бөлілік, у билан барча оила аъзолары болғылғылқыла, у оила деған мажмұннинг марказыда. Шуннан учун бұ мажмұ марказлашған ҳисобланади. Мажмудати қысмлар тенг ҳуқуқта эга бўлиб, бир-бiri билан бошқа қысмлар орқали эмас, тўғридан-тўғри болғылғылқыда бўлса, унда мажмұ марказлашмаган дейилади. Мисол учун, улфатлар, кимёвий элементтер ва ҳоказо.

— бир ва күп поғонали — қамиш, жухори пояси, қаватли уйлар, давлат қурилмаси күп поғоналига мисол, оила бир поғонали мажмудир.

Яна мажмұлар ҳолатига қараб гурухларға ажратиласы:

— бирламчи мажмұ муайян хусусиятта азалдан эга булғанды, иккиламчи — у мажмұ бўлиб шаклланғандан кейин муайян хусусиятта эга бўлғанды;

— тугалланған ва тугалланмаган мажмұлар — тугалланғани үзига янги қысмларининг құшилишига йул қўймайди, тугалланмагани бунга йул қўяди;

- иммонент ва иммонентсиз мажмулар – биригчиси факат үзини ташкил қилувчи қисмлар билан узвий алоқадорликла, иккичиси – шу билан биргаликда бош-ка мажмулар қисмлари билан ҳам алоқадорликла бўлишга йўл қўяди;

— **минимал мажмудар** — ўзини ташкил қылувчи кисмларининг биронтаси йўқ бўлганила ўзи ҳам йўқ бўлади;

— түргун ва түргун бўлмаган мажмулар — тузилишига ўзгаришлар киригилганда ўзгариб кетадиганлари турғун эмас хисобланади, қолганлари турғун мажмулардир;

— кучли ва кучсиз мажмулар, кучли мажму деб таркибига кирувчи қисмлар хусусияти ўзгарган тақдирда мажму ўзгармай қолаверишига айтилади. Кучсиз мажму, таркибига кирувчи қисмлар хусусияти ўзгариши билан ўзи ҳам ўзгариб кетади;

— гомоген ва гетероген мажмудар, гомоген деб бир хил хусусиятли қисмлардан иборат мажмударга айтилади, гетероген ҳар турли хусусиятларга эга қисмлардан иборат мажму хисобланади;

— қайтарилиб турувчи ва қайтарилмайдыган турлар
хам мавжуд, уларнин биринчиси — бир қонунияг асо-
сида үзгариб, яна аввалги ҳолатига қайтиб келиб тура-
ди, иккинчиси — тиимай үзгариб аввалги ҳолатига ҳеч
кайтиб келмайды;

— қадрли ва қадрсиз мажмұлар, бириңчисининг таши кил қылувчи қисмлари ҳар бирининг бошқа қисмлар биләп алоқалорлығи иккитадан ошмайли, иккүнчі туриники ошади;

— чала ва түлиқ мажмулар, чала мажмуда алоқадорликда турган объектлар билан уларнинг ҳамма хусусиятлари орасида узвий алоқалар ўрнатилган бўлмайди түлиқ мажмуда унинг акси — алоқадорликда бўлгани объектларнинг ҳамма хусусиятлари орасида узвий алоқалар ўрнатилган бўлади;

— вариатив ва вариативсиз мажмулар, вариатив деб, алоқадорлик фақат муайян мажмупи ташкил қилувчи қисмлари орасида мавжуд бўлмай, бошқа мажмулар қисмлари билан ҳам алоқалар ўриятишга йул қўядиган

мажмуларга айтилади, вариативсиз деб бошқа мажмұларниң қисмлари билан алоқадорликка йүл қўймайлиги мажмуларга айтилади.

Кўриб турганимиздек, мажмулар назарияси анча мураккаб ва яхни тараққий эттани назарий билимлар мажмуй экан. Бу ерда биз мақсаддан келиб чиқиб, фаяқат энг умумий белгиларга қараб мажмуларни гуруҳлаштириб, холос. Кибернетика, космонавтика, космология ва бошқа фан соҳаларида мажмулар назарияси жуда мураккаб тус олган.

Ҳар бир инніда мажмулар назариясидан келиб чиқиш, бирипчидан, ишни бир печа ўп баробар осонланғиради, баъзи мураккаб ишларда, масалан, кибернетика ва космонавтикада мажмулар назариясини әтталамай туриб, ўша ишни бажариб ҳам бўлмайди. Татьлим-тарбия жараёши ҳам ўта мураккаб бўлғанлиги туфайли, мажмулар назариясидан фойдаланмай туриб, уни замонавий тарзда амалга ошириб бўлмайди; иккинчидан, ҳар қандай фаолиятии тўғри амалга ошириш гарови бўлиб хизмат қиласи; учинчидан, муайян нарса ва ҳодисани бошқаларга тушунтиринини осонланғиради ҳамда бериладиган билимни тез тушунғириб, тез ўзланғириб, эсда узоқ сақлаб туришга хизмат қиласи. Чунки инсон онг ва тафаккури, унинг тарихий ривожланишини жараённанда мажмулар назарияси қоюннатларига мос равишда шаклланган. Аслида, мажмулар назарияси инсон онгининг табиий фаолиятидан олиниган. Бекорга уни органик усул дейилмаган.

Биринчи бор, бугун борлиқ катта кичик мажмулардан иборат деган фикрни италиялик файласуф Зенон (мил. авв. 490–430) айтиб кетган. У айтадики, бутун нарса бўлингач, кўплаб бирликларга эга бўламиз. Бу бирликларниң ҳар бири, ўз навбатида, бирликларга бўлиниади. Бу жараён чексиз давом этаверади⁴. Шу фикрга яқин фикрни қадимга юнон файласуфи Марк Аврелий Антоний ҳам айтган: «Ҳамма нарса бир-бирига чати-

⁴ Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. – Т.: «Янги аср авлоди», 2002. 49-б.

шиб кетгап. Ҳамма ерда илоҳий узвийлик мавжуд. Барча нарсалар умумий тартиб-қоидалар асосида бирлашиб, айнан бир олами безашга хизмат қиласи»⁵. Бу икки аллома фикрлардан бутун дүнё чексиз күп, ұзаро узвий боғлиқ бұлғап бугунлик, яны мажмулардан ташкил топтанини апгаса бұлади. Бироқ, олами ихтиёрий, тоғын нотуғри аингешимиз натижасида, табиатдан берилған мажму әңдешшүв тафаккуридан ажралиб қолғанмиз. Ұзлигимизга, яны табиий моҳиятимизга қайтиш учун мажмулар назариясими үргаништимиз шарт.

1.6. Таълим-тарбия соҳасида мажму әңдешшүв тамойилини құллаш

Юқоридаги фикрлардан маълум бұлдики, муайян фашинг тарақкій эттеги тарбияның мажмулар назариясыдан нақалар үнүмли фойдалана олишлігі билан белгиланар экан. Шундай бұлғач, педагогика фанининг илғор илм-файлар қаторыдан үрин олиши ва малакамизни замон талаби даражасига етказиш учун, бугун борлық ва уни ташкил қылувчи үнсурларға мажму сифатида әндешшүв тамойилини билиб олиб, уни педагогик амалиётта мохирона құллашыны үрганайтын.

Синергетика ва үндән келиб чиқувчи мажмулар назариясимиң асосий тамойилларыдан бири, үрганилаёттан нарса ва ҳодисаларға ұзаро функционал боғлиқтікде бұлғап қисмлардан ташкил топған бир бугунлик сифатида әңдешшүсидір.

Шу тамойилдан келиб чиққан ҳолда, расмий таълим-тарбияни, боғчадан бошлаб то малака ошириштеге бұлғап жараённи йирик бир бугунлик, яны мажмудеб қарашимиз түғри бұлади. У қуидаги ұзаро функционал боғлиқ бұлғап қисмлардан ташкил топған: мактабгача таълим, умум ўрта таълим, махсус таълим, олий

⁵ Ҳақиқат манзаралари. 96 мұмтоз файласуф. – Т.: «Яңғы аср авлоды», 2002. 174- 6.

таълим, олий таълимдан кейинги таълим ва малака ошириш. Кўриб турганимиздек, бу тизимли, очиқ тиңдаги, ривожланиб борувчи, тикланувчи, тартибли, кўп поғонали, марказлашган имманент ва мураккаб мажмудир.

Тизимли ёки чизиқли деганда, узлуксиз таълим мажмунинг қисмлари муайян бир кетма-кетликда жойлашган бўлиб, бир томонга йўналтирилган. Очиқ деганда, таълим-тарбия мажмуига доимо ўзгартириш киритилади. Бу билан у ўз фаолиягини тұхтатмайди. У тинмай ривожланиб боради, қотиб қолган догма эмас. Ҳар бир дарсни ёки бугун фани қайтадан үтса бўлади, шунинг учун у тикланувчан. Паст поғонадан юқоригача муайян бир таргибда мураккабланиб борали, шунинг учун у тартибли ва кўп поғонали. Мажму марказида доим талаба туради, шу нуқтаи назардан у марказлашган. Унинг имманент деб аталиши, бу мажму ижтимоий борлиқдаги бошқа мажмулар билан алоқада бўлиши билан изоҳланали. Мураккаблигига далил, сўзсиз у мураккаб, чунки барча ижтимоий мажмулар жуда мураккаб, таълим-тарбия мажмую эса, униң таркибий қисми бўлгани учун ҳам мураккаб.

Мажмулар назариясининг навбатдаги тамойили «поғонадорлик» ёки иерархиялилик (иерархичность) тамойили дейилади. Уни қуйидагича тушунтиурса бўлади. Ҳар қандай мажму, уни ташкил қилувчи ва ўзаро функционал алоқадорликда бўлган бир поғона пастда турган мажму (қисм)лардан ташкил топган бўла туриб, ўз навбатила, у бу мажмудан бир поғона юқори турган мажмуга қисм бўлиб хизмат қиласди. Узлуксиз таълим-тарбия жараёни бир бугун, яъни муайян поғонадаги мажму бўла туриб, ўзи ўз поғонасидан бир поғона юқори турган «Шахсни шакллантириш» деган мажмуга элемент бўлиб киради. Шу билан бирга ўзи, унга элемент бўлиб ҳисобланувчи – «мактабгача таълим», «умум ўрта таълим», «маҳсус таълим», «олий таълим», «олий таълимдан кейинги таълим» ва «малака ошириш» деган мажмулардан ташкил топган. Булар, ўз навбатида, маж-

му ҳисобланиб, ўзларидаи бир ногона настда турган мажмуулардан иборат. Жумладаи мактабгача таълим-ясли, кичик, ўрта ва катта групни деган қисмлардан иборат, ва ҳоказо, бошқа ногона дагилар ҳам шундай.

Мажмуулар назариясining кейинги тамойили, мажмуу-ни ташкил қылувчи қисмларининг ҳар бири ўз ногона-сидаги мажмуу қисмлари билан баробар бошқа ногона даги мажмуу қисмлари билан ҳам алоқада бўла олади. У ҳолда у, бир вақтнинг ўзида, ўзининг мажмуу билан бир қаторда, бошқа мажмууларни ташкил қилишила иштирок этган бўлади.

Узлуксиз расмий таълим-тарбия мажмуудан мисол келтирилган бўлсақ, таълим-тарбиянинг асосий элементи бўлган педагог бир вақтнинг ўзида таълим-тарбия мажмууни шакллантиришда иштирок этиб, шу вақтнинг ўзида оила деган мажмуунинг элементи бўла олади ва ҳоказо. Талабалар ҳам шундай, бир вақтнинг ўзида талаба оила ва спорт клубининг ёки бошқа ижтимоий юшманинг аъзоси бўла олади.

Мажмуулар назариясила тамойил ва қонун-қоилалар жуда кўп бўлиб, уни маҳсус ўрганиши лозим. Бу ерда биз энг асосийларини қайд этиб ўтлик, холос. Мажмуулар назарияси билан батафсил танишмоқчи бўлганлар шу мавзуга бағишланган адабиётларни топиб ўқишли-ри мумкин.

Юқорида биз факат узлуксиз расмий таълим-тарбиянинг энг юқори ташкилий шаклини мажмуу сифатида кўриб чиқдик. Узлуксиз расмий таълим-тарбия жараёнининг ҳар бир босқичини, унишг ҳар бир элементини ҳам мажмуу сифатида кўриш мумкин. Ундан ташқари, таълим-тарбия жараёнининг мазмунини ҳам (давлат стандартларини) ҳар бир босқичда (ўкув режасини), ҳар бир фани (ўкув дастурини) мажмуу сифатида кўриб, уларни ташкил қылувчи, ўзаро функционал бодлиқ бўлган элементларни ҳам мажмуу сифатида таҳлил қилишимиз мумкин.

Шу билан бирга, узлуксиз расмий таълим-тарбия деб аталган мажмуунинг фаолияти якуниди эришилиши ло-

зим бўлган талабаларнинг ижтимоий сифатларини ҳам мажмуга келтириб ўрганишимиз мақсадга тұғыр кела-ди. Қисқаси, ижтимоий борлиқнинг, яъни ижтимоий хаёт деган мажмунинг асосий элементларидан бўлган узлуксиз расмий таълим-тарбия мажмуи ичида, қўйил-ган мақсадга биноан чексиз кўп мажмуларни аниқлааб, улар устида тадқиқот олиб борса бўлади. Тадқиқот жа-раёнида шуну упугмаслигимиз лозимки, мажмунни таш-кил қилувчи бирдан-бир омил, бу мажму элеменлари орасидаги функционал боғлиқликлар. Илм шу алоқа-дорликларни аниқлаши лозим, чунки ҳар қандай маж-муда функционал боғлиқликда бўлмаган алоқадорликлар ҳам кўп. Эслатиб ўтамиш, функционал алоқадор-лик деб, мажмунни ташкил қилувчи қисмларнинг тад-рижий ривожи жараёнида уларнинг ички зарурияти-дан келиб чиқсан боғлиқликларга айтилади.

1.7. Педагогик жараёни мажму сифатида кўриш

Таълим-тарбияда синергетиканинг мажму ёнданув тамойилидан ва қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, жуда кўп мажмуларни аниқлаш мумкин экан. Чунончи, бу-тун узлуксиз расмий таълим-тарбия тизимини мажму сифатида кўриш мумкинлигини юқорила кўриб ўтлик. Шу билан бир қаторда узлуксиз таълим-тарбия жараёни-нинг ҳар бир босқичини алоҳида мажму сифатида кўрса ҳам бўлади. Ўқитувчининг бугун фаолиятини, унинг алоҳида дарсларга тайёргарлик кўриш жараёнини, дарс ўтишини ва ҳоказоларни алоҳида-алоҳида мажмулар си-фатида ўрганса ҳам бўлади.

Шу срда: «Узлуксиз расмий таълим-тарбия жараё-нини ва унинг алоҳида босқичларининг асосини, шу-нингдек, ўқитувчи ва педагоглар фаолиятиниң ҳар бир мақсадини амалга ошириш жойини пима деса бўла-ди?» деган савол пайдо бўлиши табиий. Унга пима деб жавоб бериши мумкин? Унга жавобан, бугун таълим-тарбия соҳасининг биринчи ғишти ձарс ҳисобланади, десак хато қилмаган бўламиз

Хозирги пайтда педагогикада замонавий дарс тушунчаси тез-тез тилга олинмоқда. «Замонавий дарс, ўзи қандай дарс?» деган савол туғилади, албатта. «Замонавий дарс шундай дарски, унда үқитувчи үқувчининг мавжуд имкониятларидан усталик билан фойдаланиб, унинг ақлий потенциалини ишга солиб, ривожланишини таъминлайди. Үқувчи эса, ўз навбатида, билимларни чуқур ўзлаштиради ва маънавий баркамоллик сари одимлайди», деб ёзди педагогика фанлари доктори, профессор Ж.Ф. Йўлдошев.

Дарс – таълимнинг асосий ташкилий шакли, у музайян миқдордаги доимий үқувчилар таркиби билан қатъий тартибда уюштириладиган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дидактик талбир. Дарсга мажму иштаган назаридан ёндашалиган бўлсақ, унда оллимизга қўйган мақсаддан келиб чиқсан ҳолда, бир дарснинг ўзида бир неча турдаги мажмуларни ажратса бўлади. Биринчиси – дарснинг дарс деб аталиши учун унда иштирок этадиган унсурларни ўзаро функционал bogliқlikda кўриб, кўп томонли, статик мажмуни аниқлаймиз.

Дарс расмий таълим-тарбия соҳасининг бирламчи асоси, узлуксиз таълим-тарбия жараёниниг ташкил қилувчи фишти, үқигувчи ва педагогларниг фаолият курсатиш жойи экан, у қандай қисмлардан ташкил тонгани? Жавоб: Дарснинг амалга ошиши учун, авваламбор, үқувчи ёки талабалар бўлиши шарт. Тўғрими? Тўғри, бу дарснинг таркибий қисмларидан бири. Иккинчиси, дарсни олиб бориш учун үқитувчи ёки педагог булиши шартми? Албатта, бу дарснинг навбатдаги таркибий қисми ҳисобланади. Шу билан бирга, дарсни амалга ошириш учун синф хонаси ёки аудитория унинг ичидаги жиҳозлар – доска, стол ва ҳоказо, шу жумлалан, ахборот узатиш мосламалари, яъни техник воситалар зарурми? Зарур, бу – дарснинг учинчи қисми. Үқитувчи ва педагогларниг дарс ўтишлари учун режа, дастур, дарслик ва бошқа бир қатор месъерий ҳужжатлар керак булиши ҳам баҳс қилипмайдиган ҳакиқат. Ҳар қандай таълими жараён дарс бўлиб ҳисобланishi, у



1-расм.

суҳбаг ёки оддийгина мулоқот бўлиб қолмаслиги учун ўқитувчилар педагогик усул ва услублар билан қуролланган бўлишилари шарт. Бу дарс деган бир бутуниликниг ажралмас бешинчи бўлаги ҳисобланади (1-расмга қаранг).

Қўйида дарснинг таркибий қисмлариниң ҳар бирини таснифлаб, улар орасидаги алоқадорликларни курсатиб беришга ҳаракат қиласиз.

Кўриб турганимиздек, мажмуанинг марказида «ўкувчи ва талаба» деган ҳалқа жойлашган. Бунинг боиси шундаки, бутуни таълим-тарбия тизими ва унда иштирок этувчи моддий ва маънавий унсурларниг ягона мақсади таълим олаётган инсонларда замон талабига жавоб берадиган ижтимоий сифатларни шакллантиришидир.

Ўз навбатида, талабаларниг дарс жараёнида қатнашишлари ва бир бугун деб номланган дарснинг таркибий қисми бўлишилари учун, улар қўйидаги сифат-

ларга эга бўлишлари керак. Биринчидан, дарсда қатнашиш учун келган талабалар үзларига билим олишиликни мақсад қилиб олишилари шарт. Шу билан бир қаторда, дарсда қатнашувчи ўкувчи ва талабалар саралангап бўлиши лозим. Бу – Ўзбекистонда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да қайд қилинган. Бошқа барча хорижий мамлакатларда у аллакачон амалда. Бу дегани, синфда ва аудиторияда йиғилганилар ёши жиҳатидан, фан турларига қизиқиши ва ишчи тили ҳамда иқтидорларининг бир бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ундан ташқари, тарбияланувчиларнинг жисмоний, руҳий ва ақлий ривожланиши даражаси ҳам бир-бирига яқин бўлиши дарснинг самарадорлигини янада оширади.

Дарснинг иккичи таркибий қисмларидан бири, бу ўқитувчи ва педагог. Бу узлуксиз таълим-тарбия тизимидаги билим берувчилар ва тарбияни амалга оширувчиларнинг умумий номи бўлиб, аслида узлуксиз расмий таълим-тарбия тизимининг турли босқичларида улар турлича номланадилар. Мактабгача таълим муассасаларида мураббий, бошланғич таълимча – устоз, умум ўрга мактабда – ўқитувчи, лицей ва коллежларда – педагог, олий ўкув юргларида – илмий даражасига қараб – ассистент, кағта ўқитувчи, доцент, профессор, олий таълимдан кейинги таълимла – профессор ва малака оширишида маърузачи деб юритилади.

Уларнинг вазифаси давлат томонидан тасдиқланган дастур асосида дарс ўтиш учун дарсни ташкил этиши ва шахсий ишчи режасида кўрсатилган билимларни гаълим оловчиларга лидақтиканинг барча тамойилларига мос равинида, бир қатор педагогик усуслардан ва ўқитишнинг техник воситаларида фойдаланиб етказиб беришdir.

Дарснинг навбатдаги таркибий қисми – дарсда керак бўладиган меъёрий ҳужжатлар. Уларга мутасадди ташкилотларда тасдиқланган намунавий дастур, ишчи дастур, ўкув режаси, тақвимий режа, дарслик, ўкув-методик қўлланмалар, маърузанинг матни ёки дарс

лойиҳаси ва бошқа дидактик материаллар киради. Буларниң ҳаммаси дидактика тамойиллариға асосан тузылған бўлиб, ўзаро бир-бирига мос тушиши шарт. Узоқ хорижий мамлакатларниң ҳаммасида буларни бир сўз билан **куруюклуюм** дейилади.

Ўқитишининг техник воситалари. Буларсиз дарсни амалга ошириш мумкин эмас. Ўқитишининг техник воситалари таркибиға: аудитория ёки синф хонаси, ичидаги жиҳозлар – парта ёки стол-стул, ўқитувчининг курсиси ва ишчи столи, маъруза учун мишибар, доска ва ахборот узатиш техникалари киради. Ахборот узатиш техник воситаларга – кодоскои, эпидоскои, монитор-компьютер, овоз узатиш техникаси ва бошқа техник воситалар киради. Баъзилар ўқитиш жараёнига ахборот технологияларини қўлланиши педагогик технология демокдалар. Бу янглиш албаттга, ахборот технологиялари – педагогик технологиянинг таркибий бир қисми, холос.

Усул ва услублар. Бизга маълумки, инсон муаяйин мақсадга эришини учун бир қатор усуллардан фойдаланаади. **Усул** деб, мақсадга эринишнда қўлланиладиган тадбир ва чораларга айтилади. Инсон бу усулларни маълум бир тартибда қўллайди. Усулларниң қўлланиши тартибини турли номлар билан – методика, услугуб, йул, тариқат каби атамалар билан номлайдилар.

Педагогикада бу тушунчалар ўрин алманиб қолган. Яъни дарс олиб бориш йўлини усул, бу йўлда қўлланиладиган тадбир ва чораларни услугуб дейилиб кетилган. Бу дегани, фалсафа ва бошқа фаолиягларда қабул қилинган усул тушунчасини, педагогикада анъанавий равинида услугуб (приём) маъносида қўлланиб келинмоқда.

Дарснинг бу беши бўлаги ўзаро функционал боғлиқликда бўлиб, бир бутуниликни, яъни даре деган мажмуни ташкил қиласиди. Биригининг мавжудлиги бошқасининг мавжудлигини тақозо этиб, биригининг йўқлиги бошқа барча қисмларниң фаолиятини йўққа чиқаради. Дарҳақиқат, ўқитувчи бўлмаса, дарс бўлмайди. Ҳаммаси бўлса-ю, ўқувчилар бўлмаса ҳам дарс ўтиб бўлмайди.

ди. Ҳамма қисмлари мужассамлайиб, дарс ўтишнинг дастур ва дарслиги бўлмаса, дарс бўлмайди. Бўлган тақдирда ҳам, дарс дейилмайди ва ҳоказо.

Демак, дарс – аниқ мақсадни кузлаб, ажратилган вактда бир хил ёшдаги ўқувчилар билан ўқитувчи раҳбарлигига олиб бориладиган машгулот экан. Дарснинг мақсади, мазмуни ва ҳажми таълим стандартлари асосида белгиланади.

Дарс – таълимпинг асосий шакли экан, у илмий, тизимли, тушинарли, онгли ва фаол булиши, билимлар мустаҳкам ўзлаштирилиши, ўқувчи-талабаларнинг шахсий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ташкил этилиши шарт. Бу – дидактиканинг асосий принципларидир.

Хозирги кунда узлуксиз расмий таълим тизимида таълим-тарбия синф-дарс шаклида олиб борилади. Инсониятнинг тарихий ривожланишига назар ташлайлигига бўлсак, таълимни ташкил этиш шакллари жамиятнинг тараққиёт босқичларига мос равишда амалга онганини кўрамиз.

Дастлабки даврларда таълим бериш одамларнинг меҳнат фаолияти, кундалик турмуши билан узвий боғланган ҳамда билим бериш ва ўргатиш якка тартибда олиб борилган.

Давр ўтиши билан кўнчиликка билим бериш эҳтиёжи пайдо бўла бошлаган. Таълимнинг мазмуни, билимларнинг мураккаблануви, болаларни гуруҳ-туруҳ қилиб ўқитишини тақозо этгани ҳолда, таълим-тарбия билан шуғулланувчи мутахассислар, яъни ўқитувчиларни тайёрлаш зарурияти келиб чиқди.

Ўрта Осиё тарихига назар солар эканмиз, эрамиздан илгариги минггинчى йилларда Зардӯштийлик оташхона ибодатхоналаридан қоҳинлар ёшларни тўплаб, уларга зарурий билим бериш билан шуғулланганилиги «Авесто» ва бошқа тарихий манбалардан бизга маълум бўлади. Тахминан шу вақтнинг ўзида болаларни бир жойга йифиб ўқитиши Мисрда ҳам ташкил қилинганилиги тарих саҳифаларидан бизга стиб келган. Мисрликлардан

Үрганиб, болаларни түплаб үқитиш одати қадимги Юпонистонда ҳам олиб борилғанлиги, уларда Спарта ва Афина мактаблари бұлғанлиги ҳаммага маълум. Аммо қадимда таълим-тарбияни қатый чегараланған вақтда, бир хил ёшдаги болалар биләп олиб бориш, таълим мазмунини босқичма-босқич бериш масаласига аниқлик киритилмаған эди.

Таълимнинг ташкилий масалалари Ал-Форобийнинг «Фаи ва ақд-заковат» асарида үқув фанларини гурухларга бұлиб үқитиш, уларниң тарбиявий мөхиягини очиш масалаларига әထибор берилған. Бу масалалар Улуғбек даврида ҳам күтарилиб, маълум даражада амалга оширилған.

Педагогика тарихида, таълим-тарбияни ташкил этишининг асосий шакли дарс ҳисобланған синф-дарс тизимиши, юқорида айтганимиздек, бириңчи бор чех файласуф олими ва педагоги Ян Амос Коменский (1592–1670) ишлаб чиққан ва амалиётла жорий әттеган.

Бугунға келиб синф-дарс тизими ривожланиб, давр уни яхлит бир бутушилик – мажму сифатида идрок қилишликни тақозо этмоқда.

1.8. Педагогик технологиянинг қисқача тарихи ва замонавий таърифи

Замонавий педагогик технологияларни таълим-тарбия жараённега татбиқ қилиш назариясиининг шаклнанни маълум бир тарихий муддат оралиғида кечди. Ривожланған мамлакатларда таълим технологияси ва униң муаммолари устида талқиқотлар олиб борилди ва уни талқиқ әтүвчи ташқилотлар тузилди, махсус журналлар нашир этилди. Бу жараён босқичма-босқич күйидаги күрининде амалга ошиди.

1-босқич. XX асрнинг 30-жылларыда, таълим-тарбия машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга күмакланып келген усул ва услублар йиғиндиши «педагогик техника», уни амалга оширувчи «педагогик мастер» (педагогик маҳорат маъносида) номини олиб, үша даврда таълимнинг энг самарали тадбири ҳисобланған.

2-босқич. Ўтган асрнинг 50-йилларида таълим жараёнига техник воситаларни қўллаш, уларнинг имкониятларини такомиллаштириш, ахборот сийимини кенгайтириш, ахборотларни узатиш хизматини сифатли ташкил этиш ривожланиб, у ўқитипининг техник воситалари (ЎТВ) ёрдамида амалга ошириш деб номланган, русчада у ТСО деб аталган.

3-босқич. XX асрнинг 60-йиллари дастурий таълим (программое обучение) жорий этилиб, унда таълим мақсадларига аниқлик киритилди, таълим жараёни, умумий бўлса-да, лойиҳалана бошланди. Шунингдек, таълим олувчилар томонидан назарий билимларнинг ўзлаштирилиш эҳтимолини олдиндан ташхислаш, таълим жараёнининг самарадорлигини аниқлаш, таълимнинг мақсадий натижаларини ўрганиш, тэҳдил этиш жараёнлари жорий этилди.

4-босқич. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошланиб, шу кунгача давом этиб келмоқда. Бу даврда ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда, педагогик жараён якунида кафолатланган натижаларга эришиш, педагогик жараён самарадорлигини ошириш мақсадида, уни мантиқий қисмлар (модуллар)га ажратиб ўқитиш, аввалдан бутун дарс жараёни лойиҳасини тузиб олиш, унда ишлатиладиган педагогик усуслар ва ахборот технологияларининг қўлланиш жойларини аввалдан белгилаш, бутун педагогик жараёни доимо назоратда тутиб гуриш, педагогик жараён самарадорлигини баҳолаш ва бошқа бир қатор масалалар ўртага ташланди ва маълум даражада, уларнинг ечими тонилди.

Ривожланган мамлакатларда бу масалаларни ечиш учун маҳсус ташкилоглар барни этилди. Чунончи, АҚШ да Таълим Коммуникацияси Ассоциацияси, Англияда, Педагогик таълим Миллий кенгаси; Японияда 4 номли илмий жамоалар фаолият олиб бормоқдалар.

Ўзбекистонга бу фоялар Россиядан 15–20 йил кечикиб келган. Республикализнинг таълим муассасалари фаолияти жараёнига яйги педагогик технологияларни

олиб киришта қаратылған ҳаракатлар, юртимиз мұстак-қылыштың әрінганидан кейин болынды. Сүнгі беш йил давомыла республикамизниң бир қатар стакчи олий үқув юрглари қошида инновация (педагогик технология) марказлари жорий этилди. Мазкур марказлар томондан ташкил этилған илмий семинар, қисқа ва узок мұддатлы курсларда олий үқув юрглари, академик лицензия ва қасб-хунар коллежлари ҳамда умумий үрга мектбларниң педагогик ходимлари иштирек этиб, педагогик технология ва ундан таълим жараёнда фойдаланыш борасидаги пазарий ва амалий билимларга әга бўлдилар. Олий мактаб муаммолар институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги марказ ва ЎзПФТИда бу борада бир қатар ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Ривожланған мамлакатларда таълим технологияси борасида анча билимлар түшләнған бўлиб, айни вақтда улардан самарали фойдаланиб келинмоқда. Мустақил давлатлар ҳамдүстлиги (МДХ) мамлакатларида, шу жумладан, республикамизда ҳам, бу йўналишида муйян тажриба түшләнған бўлишига қарамай, ҳар бир ҳудудниң педагогик шароитидан ҳалқининг менталитети ҳамда ўқитувчи ва педагогларниң интеллектуал салоҳиятидан келиб чиқиб, ҳар бир мустақил лалатини миллий педагогик технология модели ҳали яратилмади. Шу жумладан, республикамизда ҳам. Бунинг асосий сабабларидан бири, аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, МДХга кирувчи мамлакатларниң педагог олимлари синергетик дунё қараша ва мажмулар назариясдан келиб чиқувчи, мажму ёндашув тамойилини тұла аңграб етмағанлыklаридандыр. Бу ҳолни, педагогик технологияга берилған гаърифлардан аңгласа бўлади.

Педагогик технологияни үқув жараёнига олиб кириш зарурлигини МДХга кирувчи мамлакатлар ичилде биринчилар қаторида ҳар томонлама илмий асослаб берган россиялик олим В.П. Беснальконың фикрича, «ПТ – бу ўқитувчи маҳоратига боелиқ бўлмаган ҳолда

педагогик мұваффақиятниң кафолаттай оладиган ўкувчи шахсииң шакллантириш жараёны лойиҳасидір».⁶

Россия олимларидан В.М. Монахов: «ПТ – аввалдаи режалаштирилған нағижаларга олиб борувчи ва бажарилған шарт бұлған тартибли амаллар тизимиدير», – деган қысқача таърифни бера туриб, унинг асосий хусусиятларына әзтиборни қаратауда.

«ПТ – ўкув жараёниң технологиялаштириб, унинг қайта тиклануучанлыгын ҳамда педагогик жараён турғынлыгын оишприб, бу жараён ижроқисининг субъектив хусусиятларидан уни өзөд қиласы»⁷, – дейди.

М.В.Клариннинг фикрича, ПТ – ўкув жараёниң технологик ёндашып қолда, олдиндан белгилаб олиштан мақсад күрсаткышларидан келиб чиқыб, ўкув жараёниң лойиҳалашдир.⁸

И.Я. Ларнернинг фикриға күра, ПТ – ўкувчилар ҳаралатларыда акс эттеги ўқыттың нағижалары орқали ишончли аяглаб олипадиган мақсаддии ифодалайды.⁹

В.П. Беспальконың ўзбекистонлик шогирларидан Нурали Сайдахмедов ва Абдураҳмон Очиловларнинг фикрича, ПТ – бу ўқытывчи (тарбиячи)нинг ўқытиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўкувчи (талаба)ларга муайян шароитда таъсир күрсатиши ва бу фаолият маҳсулі сифатыда улардан олдиндан белгиланған шахс сипатларини интенсив шакллантириш жараёнидір.¹⁰

Ўзбекистонлик педагог олим Б.Л. Фарберман педагогик технологияга қуйидагича таъриф беради: ПТ – таълим жараёниң яшіча ёндашув бўлиб, педагогикада

⁶ Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.: Педагогика, 1989. С. 192.

⁷ Монахов В.М. Аксиоматический подход к проектированию педагогических технологий. – М.: Педагогика, 1997, №6. С. 26.

⁸ Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: Знание, 1989. С. 75.

⁹ Ларнер И.Я. Внимание о технологии обучения // Сов. Педагогика. 1990, №3. С. 139.

¹⁰ Сайдахмедов Н., Очилов А. Яшги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. – Т.: 1999. 7–8-бетлар.

ижтимоий — муҳаандаслик оғзін ифодасыдир. У педагогик жараённың техника имкониятлари ва инсоннинг техника- вий тафаккури асосида стандарт ҳолга солиб, уннан оғ- тималь лойиҳасини тушиб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий ҳодисадир.¹¹

Бу таърифларни узоқ хорижда берилған таърифлар билан солишириб қуриш учун япон педагог олимий Т.Сакомото берған таърифни көлтирамиз. «ПТ, – деди Сакомото, – бу мажмуули фикр юритиш усулини педагогикага сингдириш, бошқача қилиб айтганды, педагогик жараёнын муайян бир мажмуга келтиришдир».¹²

Бирлашган миллатлар ташкилотининг нуфузли идораларидан ЮНЕСКОнинг таърифи буйича, «ПТ – бу билим бериш ва уни эгаллашда техника ва инсон ресурсларини ўзаро узвий боғлиқ ҳолда кўриб, бутун таълим жараёнини лойиҳалапуда ва амалда кўллапуда мажму ёндашув тамоилидиан фойдаланишидир». ¹³ АҚШ ва Германия олимларининг педагогик технологияга берган таърифи ЮНЕСКО берган таърифга яқин келади.

Келтирилган таърифларни илмий-фалсафий нұқтаи назардан таҳлил қыладиган бұлсак, узоқ хорижда берилған таърифлар билан МДХ мамлакатлари олимларининг берған таърифлари бир-бирига яқин келса-да, фарқи ҳам аңчалигини күрамиз. Жумладан, Сакомото, ЮНЕСКО ва бошқа узоқ хорижий мамлакатларда берилған таърифларда мажму ёндашув тамойилига алохила урғу берилған. МДХ олимларининг ПТГа берған таърифларида мажму ёндашув эслатиб үтилмайды ҳам. Бунга изоҳнинг ҳожати бұлмаса керак. Ҳақиқатда эса, объектив борлыққа мажму ёндашув тамойилини яхши билған кишига, Сакомото айтганидек, «ПТ – үкүв жарайинин муайяни бир мажмуга келтиришдір», леган ту-

¹¹ Фарберман Б.Л. Илгөр педагогик технологиялар. –Т.: 1999. 4- бет.

¹² Юзяичене П.А. Теория и практика модульного обучения. — Каунас, 1989. С. 126.

¹³ Фарберман Б.М. Илгор педагогик технологиялар. 8-9 апрель, плмий-назарий семинар. – Т.: 1993. З-бет.

шунча кифоя қиласы. Бу түшүнчә орқали педагогик технологияның бошқа ҳамма хусусиятларини, яни мақсадта йүналтирилганинини, бир неча үзаро узвий болғылар бүлгән қисмлардан ташкил топтандырылады. Чунки бу хусусиятларның ҳаммаси мажмулар назариясига биноан, мажмудаң ном олган нарса ва ҳодисаларның ажралмас сифатларидир.

Педагогик технологияның юқорида қайд этилган хусусиятлардан мажмулар назариясинаң қонуциятларидан келиб чиқып, унга қуйидаги көнгайтирилган таърифли берамиз.

ПТ – бу жамият әхтиёжидан келиб чиқувчи олдиндан белгилапсан кипи ижгимойи сифатларини самараали шакллантирадыган ва аниқ мақсадта йүналтирилган үкүв жарәнини мажмұ сифатыда күриш, уни ташкил қылувчи қисмлари бүлгән үқитувчи (педагог)ның үқитишесінде воситаларын өрдамида үкүвчи (талаба)ларга маңлым бир шароитта мұайян көтма-көтликда ва маңлым бир педагогик усуллардан фойдаланып, курсаттан таъсирини назаратда тутувчи ва таълим натижасини баһолаб берувчи технологиялашып таълими тадбирдир.

II. Педагогик технология тамойиллари ва уларнинг изоҳлари

Педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнига жорий этиш учун, педагогик фаолиятимизни педагогик технология моҳиятини ифода этувчи тамойиллари асосида амалга оширишимиз лозим.

Эслатиб ўтамизки, ҳар қандай тамойил (принцип) замирида, бизга боғлиқ бўлмаган, қандайлир қонуният, яъни зарурий алоқадорлик ётади. Зарурий ёки функционал алоқадорлик деганда, муйян нарса ёки ҳодисани буғун қилиб турган қисмлари орасидаги, уларни талрижий ривожидан келиб чиқувчи боғлиқликларга айтилади. Бу боғлиқликлар шу нарса тажрижий ривожининг ички заруриятидан пайдо бўлиб, инсон ихтиёридан ташқаридаги нарсадир. Шунинг учун уни тамойил сифатида қабул қилиб, фаолиятимизни шу асосда олиб боришимиш тутри бўлади.

2.1. Мажму ёндашувга доимо амал қилишни тамойили

Педагогик технологиянинг биринчи тамойили, бу «мажму ёндашувга доимо амал қилиш»дир. Бу дегани, дарс лойиҳасини тузишда ва уни амалиётда қўлланада, доимо мажму ёндашув тамойилининг қонун-қоидаларида келиб чиқишиликлир. Мажму ёндашув тамойилининг қонун-қоидалари, китобимизнинг 1.5-қисмида батағсил ёритиб берилган. Бу ерда, уларнинг баъзиларини эслатиб ўтамиз, холос. **Биринчидан**, ўрганилаётган ҳар қандай нарса ва ҳодисага бир бутушилик (мажму) сифатида қарашиб. Бу мажму ёндашув тамойилининг асосиadir. Ҳар қандай бутушилик бир неча қисм (элемент)-лардан ташкил топган бўлиб, улар ўзаро функционал боғлиқликда бўлади. **Иккинчидан**, ҳар қандай бутушилик

(мажму)нинг қисмлари ҳам бугунилик бўлиб, ўз навбатида, бир неча бугунилик (қисм)лардан ташкил топган бўлади. Бу деган сўз, ҳар қандай бугунилик ўзидан бир поғона пастдаги бугуниклардан ташкил топиб, ўзи ўзидан бир поғона юқоридаги бугуниликка элемент бўлиб киради ва ҳоказо. Бу мажму ёндашувийг **поғонадорлик тамойилидир**. Буларни батафсилроқ шу китобнинг 1.5-қисмидан билиб олгансиз.

Таълим-тарбия соҳасини ва унинг асосий қисми ҳисоблаган педагогик жараённи мажму сифатида кўришни китобимизнинг 1.6 ва 1.7-қисмларида етарли-ча ёритганимиз.

2.2. Ўқув фанини табақалашган модулларга ажратиш тамойили

Иккичи тамойил — «ўқув фанини табақалашган модулларга ажратиш». Мажму ёндашув тамойилидан ке-либ чиқиб, дарс жараёнига педагогик технологияни жорий қилмоқчи бўлсақ, биринчи навбатда, буғун ўқув фанини бир буғунилик леб билиб, бу фан ичидаги билимларнинг турига ва ички боғлиқлигига қараб, бир поғона пастда турган, бир нечта буғуникларга ажратиб чиқамиз. Буни шартли равишда катта модуллар леб помладик. Аслида, ҳар қандай ўқув дастур ва дарслік-ларда билимларнинг тури ва ўзаро боғлиқликларига қараб, боб-бобларга ажратилган. Уларни, яна бир ма-ротаба мажмулар назариясининг тамойилларидаи ке-либ чиққан ҳолда таҳлил қилиб, катта модуллар леб номласа бўлади. Модулларга ажратиш жараёнининг иккичи босқичи, катта модуллар ичida ўрта модул-ларни ажратишдир. Бу жараёнда ҳам, катта модул ичидаги билимларнинг ўхшашлиги, мазмунининг нисба-тани туталланганилиги ва бир дарс мобайнида берилали-ган билимларнинг ҳажмилан келиб чиқиб, ўрта модулларга бўлиб чиқамиз. Ҳар бир ўрта модулдаги билимлар ҳажми, вақт жиҳатидан бир дарсда бериб улгuri-лишини кўзда тутиш керак. Яъни бигта ўрга молудаги билимларни, битта дарс жараёнида бериб улгuriши ло-

зим. Одатда, аңынавий дарсلىкларда, битта дарс мобайнида үгиладиган билимларни алоҳида параграфлар қилиб ажратиб берилган. Умуман олганда ҳар бир параграфни бир ўрга модуль деса бўлали. Бироқ, баъзи фаниларда, мазмун жиҳатидан билимларни турӯхлаштириб ажратилган параграфлар катта бўлиб, уларни бир дарс мобайнида үтиб бўлмайди. Шунда бир параграфдаги жамланган билимларни икки ўрга модуль (дарс), гоҳила учта ўрта модуль мобайнида үтилади. Шунинч учун, бир параграф битта ўрга модуль бўлали деб туриб олмай, бир параграфда иккита гоҳила учта ўрта модула бўлишилик, модулларга ажратиш тамойилини бузмайди. Модулларга ажратишни кейинги босқичи, ўрга модуль (битта дарс) ичиде кичик модулларни ажратишдир. Тажриба шуни кўрсагдики, ҳар бир ўрта модулда бенгта еки олтита кичик модулни ажратса булади. Шулардан биринчиси, ўтган дарсни мустаҳкамлаш модули бўлса, иккинчи ё учинчи (билимлар мазмунни ва ҳажмига кўра) янги билимларни беришига ажратилади, тўрт ва бешинчи модуллар ўтган дарсни мустаҳкамлаш ва самарадорлигини текшириш ҳамда уйга вазифа бериши модулларидан ташкил тоғлан бўлади.

2.3. Берилган билимни талабалар англаплари, хотирасида сақчаплари ва амалиётда қўллашларини бир вақтнинг ўзида олиб боришликни таъминлантиштади

Учинчи тамойил. Берилган билимни ўқувчи ва талабалар тўлиқ англаб ўзлантириб олишилари учун, дарсда албатта муаммоли вазият шакллантирилиши шарт. Талабаларда берилиши кўзда тутгилган билимга қизиқини ўйготиб, сўнгра билимни бера бошласангиз, самараси юқори бўлади. Муаммоли вазиятни шакллантириши учун ҳайётдан мисол келтириб туриб, талабаларга савол берилади. Талабалар саволга жавоб беришини бир оз бўлса-да кутгилади. Кўп кутгилса, дарсга бўлган қизиқини сусайиб кетади ҳамда ажратилган вақтдан унумли фойдаланилмай қолинади. Шунинг учун, тўғри ёки потуғри

бұлишидан қатын назар, бир-икки талабанинг жавоби-ни әшиттеганингиздан сүңг, уларниң жавоби давомида түгри жавоб айтилади. Шунда талабалар дарсда берилдиган билимни яхши англаб етадилар. Берилған билимни талабалар ўз тафаккурларида сақлашлари учун, бу билим ҳар түрли қилиб, камида 4–5 маротаба қайтарылади. Шунда дарсда әгаллаштан билим хотира сандығига кириб үлгуради. Бу педагогика ва психология илмларининг бир қатор тадқиқотлар олиб бориб анықлаган қонунияти. Янын миқдор сиғаттаға үгиши учун, уни бир печа бор 4–5, тохыда 6–7 маротаба қайтарынга түгри келади. Англаб етилиб, тафаккурда сақланып қолишина билим асосида, күникма ҳосил қилиш учун, билим албатта амалиётта құллаб құрилиши шарт. Машғулотингиз амалий ишлар билан боғлиқ бўлса, талабаларга билимни улар англайлигана қилиб берганингиздан сүңг, шу билим асосида бажариладиган ишни, талабалардан амалда бажариб беришларини талаб қиласиз. Агар машғулотингиз назарий билимларни әгаллаш билан боғлиқ бўлса, англайлигана қилиб берган барча билимларни, талабалардан қайтариб, айтиб беришларини ва албатта, бу билимларни уйла, бир қатор машқлар орқали мустаҳкамлашни талаб қилинг. Шунда берилдиган билимни талабалар англешлари, тафаккурларида сақлашлари ва амалиётта құллашларини бир вақтиниң үзида олиб борган буласиз. талабалар эса, бу билимни англаб етиб, ўзлантириб олган бўладилар.

2.4. Мақсадларнинг натижалари феъллар шаклида бўлишлиги тамойили

Тұрткычі тамойил. Бу тамойил аввалғи тамойилниң давоми бўлиб, педагоглардан, талабаларга берилған билимни, албатта, уларниң күникмасига айлантириб беришни талаб қиласи. Берилған билимнинг якуний натижаси күникма шаклида бўлишлик деганида, талабарниң әгаллаган билимлари асосида қандайлир амалий фаолиятларни бажара олишлари тушунилади. Бу ҳаракатлар феъл шаклида бўлиб, иш-харакатининг ба-

жарилғанлыгини билдиради. Берилған назарий билим асосида қандайдир иш-харакагни бажарин деганда, талабалар берилған билимни, камила, мустақил равинида айтиб бера олишиликларини ҳам аңгланади. Агар берилған билим қандайдир амалий фаолият билан бөглиқ бўлса, талабалар, албатта, берилған билим асосида муайян бир амалий ишни бажарилари шарт. Бу педагогик технологиянинг асосий талаби ва тамойилларидан биридир. Шунинг учун, дарс якунида эришилини лозим бўлган амалий ҳаракатлар лойиҳасини аввалдан тузишда феъллардан фойдаланилади.

2.5. Таянч тушунчаларини белгилаш тамойили

Бешинчи тамойил. Педагогик технология асосида ларс лойиҳасини тузилида, шу дарс модуллари ичилаги таянч тушунчаларни белгилаб олиш зарур. Таянч тушунчалар деб, ларсда бериладиган ҳар бир билимнинг ички моҳияти алоҳида бир тушунчада ифода этилишига айтилади. Масалан, битта дарслада талабаларга янги ахборот берини учун иккита модуль ажратилған. Ҳар бир модулда, қандайдир иккита ёки учта янги билим берилиши кўзда тутилмоқда. Бу билимларни сиз тушунчалар орқали талабаларга билдирасиз. Бу тушунчаларнинг ичилади битта, иккита ёки учтаси, шу билимнинг моҳиятини очиб беради. Дарс ўтишидан олдин, шу таянч тушунчаларни аниқлаб олишилик лозим ва дарс жараёнида, уларни доимо кўзда тувиш керак.

2.6. Назорат саволларини ва талабаларнинг билим ҳамда кўникмаларини баҳоланинг тур ва мезонини аниқлаш тамойили

Олтинчи тамойил. Назорат саволлари таянч тушунчалар асосида тузилиб, таянч тушунчалар оз бўлса, уларнинг ўзидан текшириши учун саволларни тузса бўлади. Таянч тушунчалар кўп бўлса, ичидан энг муҳимларини ташлаб олиб, савол шаклига келтириб, назорат саволлари тузилади.

Билимларни назорат қилишда құйиладиган балл ва баҳолар үқувчи ҳамда талабаларда қандай таассурот қолдирғапини, уртоқтарининг үкишидаги ютуқ ва камчиликларига қандай мунисабатда бұлишларини доим күзатиб бориш учун керак. Үқувчи ва талабалар билимни назорат қилині ҳамда баҳоланы үқув йиғи давомида ҳар доим ва мунтазам амалға оширилиши учун рейтинг тизими жорий қилишиб, тартибли ва доимий баҳолаш учун имкониятлар очиб берилди.

Педагогика фаны билимларни үз вақыда назорат қилиши ва баҳолашниң учта вазифаси борлигини күрсагади:

1. Үзлаштиришни назорат қилиш ва баҳолаш натижаларига қараб Давлат таълим стандартлари қандай бажарылаётганини назорат қилиш, таҳлил этиш ва вазифаларни белгиләш.
2. Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш натижасыда үқувчи ва талабаларда билимлар янада көнгаяди. Бу билан үқув юртлари олдида турған таълимий мақсад бажарылади.

3. Таълим соҳасидаги яхши натижалар ёнлар тарбиясига ижобий таасир күрсагади. Уларда күгаринки рух, үз күчига бұлған ишоңч ва қызықылар наиле бұлади. Шунинг учун ҳам үзлаштиришни назорат қилиш таълим тизимининг ажралмас қисмидир. Назорат жараёнида ёзма, оғзаки ва амалий усуулардан фойдаланилади.

Бу жараёнда оғзаки сұраш орқали үзлаштиришни назорат қилиш, айниқса, мектбларда көнг тарқалған. Бу, асосан, савол-жавоблар орқали олиб борилали. Бунда якка сұраш, фронтал сұраш каби турлардан фойдаланилади.

Бу турдаги назорат усули жуда күп вақт талаб қылғанлығы сабабли, назорат жараёнини фаоллаштиришша кам вақт ичиде күн сөнли талабаларни назорат қилиш мақсадыда бир қанча рационал услублар, жумладан, техник воситалардан фойдаланып мақсадға мувофиқ. Чет эл тажрибалари ва үзимиздеги күплаб тажрибалар натижасыда рейтинг услуги бүгүнги күннинг назорат мезони деб қабул қилянған.

Рейтинг – баҳолаш, тартибга келгериш, таснифлаш, бирор ҳодисани олдицдан белгиланган шкала бўйича баҳолаш. Рейтинг ёрдамида ўқувчи-талабаларни, улар учун умумий бўлган хусусиятлар даражасига қараб дастлабки таснифлаш амалга оширилади.

Шкалаш – аниқ жараёшдарни рақамлар тизими ёрдамида моделлаштириши. Улар турли – сифат, тавсиф миқдорий услублардан иборат. Рейтинг назоратида тест ҳам самарали қулланилади.

Тест деганда, аниқ вазифанинг такомиллашганилик даражасини аниқлашда сифат ва миқдорий ўлчамларни белгилаш имконини берадиган, фаолликнинг бирон шаклини, бирон аниқ тошириқ шаклидаги синов қуроли тушунилади.

Тестнинг афзаллиги қуйидагилардан иборат:

- назорат учун кам вақт сарфланади;
- назарий ва амалий билимлар даражасини объектив шароитда аниқлаш имконини беради;
- күп сонли талабалар билан бир вақтнинг узида назорат олиб бориш мумкин;
- билим натижалари ўқитувчи томонидан тезкорлик билан текширилади;
- барча талабаларга бир хил қийинликдаги саволлар берилиб, бир хил синов ўтказилади.

Хозирги кунда узлуксиз таълимнинг умумий таълим, ўрга маҳсус, қасб-хунар ва олий таълим босқичларида ўқувчи-талабалар билими рейтинг тизимида баҳоланаади. Баҳолашнинг бундай шакли ўқувчи-талабаларнинг бутун ўқиш давомида ўз билимларини ошириш учун мунитазам ишилаш ҳамда ўз ижодий фаoliyatlарини тақомиллаштиришини рағбатлантириш фоясига асосланади.

Рейтинг назорат тизими асосида ўқув режасига киригилган ҳар бир фан бўйича талаба ўзлаштиришининг сифат кўрсаткичларини баллар билан баҳолаш ётади.

Ҳар бир чорак ва семестрдаги фанлардан тўпланган баллар йигинидиси талабанинг курс рейтингини ташкил этади.

Хар бир фан бўйича ўқувчи ва талабанинг ўзлантиришини баҳолаш чорак ва семестр давомидаги мунтазам равишда олиб борилади ва куйилдаги назорат турлари орқали баҳоланаиди: жорий назорат, оралиқ назорат ва якуний назорат.

Жорий назорат – бу ўрганилаётган мавзуларнинг ўқувчи ва талабалар томонидан қандай ўзлаштирилаётганинги мунтазам равишда дарс жараёнида назорат қилишдан иборат. Бу назорат ўқитувчи томонидан ўтказилиб, талабанинг билим даражасини шу фанинг ҳар бир ўрга модуль бўйича аниқланиб боришини кузда тулади. Бу эса ўқувчининг узлуксиз билим олиши ва натижасини муттасил назорат қилиб боришини назарда тугали.

Оралиқ назорат – бу мазкур фан бўйича ўтилган бир неча мавзуларни ўз ичига олган катта модуль бўйича талабанинг билимини аниқланиб демак. Оралиқ назорат дарсдан ташкари вақтда ўтказилади ва талабаларга ўзлантириши кўрсаткичларини ошириш имконини беради.

Якуний назорат – бу назорат семестр учун белгиланган мавзулар тўлиқ ўқитилиб бўлингач, ўтилган мавзулар бўйича олиниади. Семестрдаги рейтинги баҳоси жорий, оралиқ ва якуний назоратларда тўнланган баллар бўйича аниқланади.

2.7. Ўрга модуллардаги дарсларнинг тури ва типини аниқлаш тамойили

Еттиинчи тамойил. «Амалга оширмоқчи бўлаётган педагогик жараёнимиз қандай дарс тури ва типига тааллуқли?» деган саволга жавоб берини учун дарснинг турлари ва типлари туғрисидаги маълумотга эга бўлишимиз шарт.

Дарснинг мантиқий тузилиши ва билиши жараёнининг характеристига қараб, дарслар – кириш дарси; эгалланадиган билимлар билан бирламчи танинини дарси; янги билимларни эгаллаш дарси; эгалланган билимларни амалиётда кўлланаш дарси; кўникмалар ҳосил қилиш дарси; умумлаштириш, қайтариш ва мустаҳкамлаш дарси; текширув дарслари; аралаш дарс, деган турларга ажralадилар.¹⁴

¹⁴ Иванов С.В. Типы и структуры урока. – М.: 1952.

Назариеңчи ва амалиеңчи педагоглар орасидаги кеңгүлләнилаётгап дарс таснифларидан бири М.А. Данилов билан Б.П. Еспов ишлаб чиққап тасниф ҳисоблашиди.¹⁵ Улар ўз таснифларига икки дидактик мақсадлар ва дарснинг узлуксиз тизимдаги ўрнини асос қилиб олғанлар. Булар қуидагилардир: 1) аралаш дарслар; 2) янги материал билан тапишиш; 3) олинган билимни мустаҳкамлаш; 4) ўрганилган нарасани тартибга келтириш ва умумлаштириш; 5) билим ва күникмаларни ҳосил қилиш; 6) билимларни текшириш.

Дарслар яна уларни ўтиш асосига қараб, қуидаги турларга ажralади:

1. а) дарс-лекция; б) дарс-суҳбат; в) кино дарси; г) назарий ёки мустақил ишлар дарси; д) аралаш дарс.

2. а) мустақил ишлар дарси; б) дарс-лаборатория; в) амалий ишлар дарси; г) дарс-экскурсия.

3. а) оғзаки сўраш; б) ёзма синон; в) синов; г) синов амалий назорат; д) назорат иши с) аралаш дарс.

Дарслар ички тузилишинига қараб ҳам тиiplарга бўлиниди. Коменский ва Гербартлардан бошлаб, шу кунгача дарснинг тўрт булақдан иборат бўлғап типи ҳукм сурниб келмоқда. Буларга: янги билимларни эгаллаш учун тайёрланиш; янги билимларни эгалланиш; янги билимларни мустаҳкамлаш ва тизимга келтириш; эгаллаган билимларни амалиётда қўллаш. Биз буларни кичик модуллар демоқдамиз. Бу тиипдаги дарс аралаш дейилади.

Унинг шу кунгача сақланиб келишининг сабабларидан бири, аралаш дарслаги тўрт унсур истаган кетма-кетликда қўлланини мумкин. Шу билан бир қаторда бу тиипдаги дарс жараённила дидактикасини деярли барча талабларига эришин осон. Шунинг учун ҳам, тадқиқотчиларниң айтишларича, 80% дарслар шу тиипда олиб борилар экан.

Бу турдаги дарсларниң афзаллиги яна шундаки, у дарс жараённила ҳукм сурувчи қонуниятларга мос келади. Бу дарсларда ўқитувчи ва педагоглар, ўз шароитла-

¹⁵ Данилов М.А., Еспов Б.П. Дидактика. – М.: 1957.

ридан келиб чиқиб, таълим олувчиларниң қабул қилиш имкони, тайёргарлик даражаси ва бошқа бир қатор омилларни ҳисобга олган ҳолда, дарсга ажратылған вақтни дарс ичидағи тұрт унсурға ихтиёрий равишда тақсимлай оладылар.

Аралаш дареларниң юқорида айтылған жүтуқлари билан бир қаторда, камчиликлари ҳам оз әмас. Чунончи, аралаш дарсларда, ундаги тұрт унсурининг ҳаммасига вакт етишмайды. Дарс олиб борувчиларниң ихтиёридан ташқари, аввалғи дарсни яхни қайтариб чиқамаң дегап мұаллимға албатта янги билим беріш учун кам вакт қолади. Янги берилған билимни ва үйга вазифа берішни қоидали қилиб амалға оширишни айтмай қояқолайлық. Шунинг учун кейинги вактда, педагогик амалиётда бир турдаги фаолият билан шуғулланувчи дарслар пайдо бұла бошлади. Булярға: янги билимларни эгаллаш дарслари; янги құникмаларни ҳосил қилиш дарслари; билимларни умумлаштириш ва тизимга келтириш дарслари; билим ва құникмаларни текшириш ҳамда хатоларни тузатын дарслари; билим ва құникмаларни амалиётда синаб қуриш дарслари. Бу дарс типлари шүпдей помлашғани биләп, дарс ичидағи аралаш дарсларниң тұрт унсуринин бири узайтирилиб, қолғандар қискартирилған бўлалди. Масалан, дарсларга ажратылған 45 дақиқаны – янги билимларни эгаллашни дарс типида үтказыб, дарсни ташкил қилиш ва үтгән дарсни қайтарыш қисміга 2–3 дақиқа берилади. Бу вактда ўқытувчи үтгән дарсни қайтармай, қисқача эслатып үгади, холос ва ҳоказо. Куйида бу типдаги дарсларниң ички түзилишини күриб чиқамиз.

Янги билимларни эгаллаш дарси ёки уни тушиунтириш дарси ҳам деб юритилади. Бу типдаги дарс қисмларининг тахминий жойлашуви куйилдагича.

1. Илгари үтилған билимларни эслаш.
2. Янги билимлар беріш.
3. Янги билимнің үзлаштирилғанлығини текшириш.
4. Назарияни құлаш намунасиин күрсатын.
5. Үйга вазифа беріб, дарсни якуплаш.

Эгаллаган билим ва қўникмаларни мустаҳкамлаш дарси
куйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. Назарий билимларни эслаш.
2. Эгаллаган билимлар бўйича машқлар қилиб, қўникма ҳосил қилиш.
3. Дарсни якуплаш.
4. Уйга вазифа берин.

Такрорлаш дарси. Эгаллаган билимларни мустаҳкамлаш билан такрорлаш дарслари орасида анча умумийлик мавжуд. Бу умумийлик, энг аввало, мазкур дарсларниң вазифалари ва дарсниң ички тузилишига таалуқлинир. Шу билан бирга, бу дарсларниң орасида такрорланаштаган аввалги дарсларда материал тўлиқ берилмаган, баъзи жойлари такрорланади. Билган нарса-сини ҳадеб такрорлайвермайди. Такрорлаш дарсларида авваллари билмай қолдан жойлари такрорланади.

Эгаллаган билимларни умумлантириш ва билим ҳамда қўникмаларини такомиллантириш дарси.

Бу дарсниң элементлари қуйидагича:

1. Умумлаштирувчи билимга доир билимларни эслаш.
2. Билимларни умумлантириш ва улар орасидаги функционал алоқадорликни курсатиш.
3. Назарий билимларниң ўзлаштирилганигини текшириш.
4. Билимларни умумлантирган қоила билан танинтириш.
5. Мавзу бўйича эгаллаган билимларга ҳосил қилинган қўникмаларни такомиллантириб, малака даражасига етказини.
6. Дарсниң натижаларини якуплаш.
7. Уйга вазифа берин.

Эгаллаган билим ва қўникмаларни текшириш (контроль) дарси. Назорат иши ўтказиладиган дарсниң тузилиши мураккаб эмас. Ўқитувчи тошириқларни эълон қиласи, ўқувчи ва талабалар уларни бажарадилар ва дарс охирида ишлар йигиб олиниали. Назорат ишининг саволлари ва тошириқлари шундай ифодаланини керакки, ўқувчиларниң жавобларида улар билимларни

шунчаки эслаб қолгани эмас, балки ишнинг моҳиятини тушунгани ҳам кўриниб турини лозим.

2.8. Ўрта модуллардаги педагогик жараёниларни амалга ошириш усул ва услубларини белгилаб олиш тамоийли

Саккизинчи тамоийл. Педагогикада ўқитиш усули деб, таълимий мақсадларга эришишида қўлланиладиган педагогик чора-тадбирлар, яъни услублар йигинидисига айтилади. Ваҳоланки, юқорила айтганимиздек, боиқа фаолият соҳаларида буни услуб – методика деб номлайдилар.

Педагогикада ҳам методика деган тушунча мавжуд. Бу тушунча, таълимий мақсадга эришишида қўлланиладиган педагогик усул ёки чора-тадбирларни қўллаш йўриқномаси сифатида тушунилади.

Педагогикада усул атамаси устида боиқа гушунчалар ҳам мавжуд. Чунончи, усулларни педагог қўллайдиган бўлса – ўқитиш усули, талаба қўллайлигига бўлса – ўрганини усули дейилади. Ўқитувчи ва талабаларниң билим эталлаш мақсадида бирғаликда қўллайдиган усулларни маърифий ёки педагогик усуллар дейилади. Усул ва услублар юзасидан боиқача фикрлар ҳам мавжуд.

Ҳар бир таълимий усулни бир бутуслик (мажму) деб билиб, уни ташкил қилувчи унсурларни таҳлил қилиб чиққанида, уларниң ҳар бири услуб (приём) булиб чиқмоқда. Эътибор беринг, услубниң фалсафий талқинида, мақсадга етишишида қўлланиладиган усуллар тизими услуб деб айтилган. Педагогикада униш акси булиб чиқмоқда. Яъни педагогик мақсадга эришишида қўлланиладиган усулниң бир унсuri педагогик услуб бўлмоқда. Бу гушунчалар педагогика илм-фашида анъанаий қўлланиб келинганилиги учун, биз ҳам шунга бўйсуниб, педагогикада қабул қилингани тушунчалардан фойдаланамиз.

Таълимий усул – мураккаб, кўп погонали, кўп қиррали диссентив, очиқ, қайтарилиувчан марказлашган ижтимоий мажму булиб, дарс жараёнини амалга оширишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Педагогик усулларда, таълим жараёнида объектив мавжуд бўлган қону-

ниятлар, таълим мақсади, мазмуни, тамойиллари ва таълим бериншинг шакллари ўз ифодасини тоғтаң бўлали. Таълим-тарбия усулларида дидактикасинг барча тамойиллари (ириициллари) ўз ифодасини тоғтаң экан, улар ўзаро функционал боғлиқ бўлиб, таълим усуллари ўзгарини билан дидактика ириициллари ҳам такомиллана боради ва бутун узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг такомилига ўз таъсирини ўтказади.

Педагогик усуллар таркибида **объектив** ва **субъектив** услублар деган қисмлар мавжуд. Педагогик усулларни таркибидаги объектив услубларга, ҳамма усулларда истиносиз ва доимий равишда ҳукм сурадиган қонуниятлар қонун ва қоидалардан ҳамда таълимий мақсад, мазмун ва шаклидан келиб чиқувчи услублар киради. Субъективларига ўқитувчи ва педагогик шахсий сифатлардан, ўқувчи ва талабаларпинг ҳамла уқув жараёнининг ўзига хос хусусияти ва шароитидан келиб чиқувчи услублар киради.

Ҳар қандай педагогик усулни шакллантиришида, албатта, объектив услубларга суннилади. Ҳеч қачон субъектив услубларга кенг ўрин берилмаслиги керак. Объектив услублар билан субъективларининг орасидаги мунисабатларни оптималлантириши устида доимий тортигувлар бўлган ва бўлиб келмоқда. Педагогик усулларни ривожлантириш учун, албатта, субъектив услублар билан улар бойитиб борилиши керак, аммо бу ҳаракат месъёридан ошиб кетмаслиги лозим. Айнан, субъектив услубларни яратиш ва улардан педагогик амалиётда фойдаланиши педагогикни ўз касбининг моҳир устаси бўлиб етишганини белгиси ҳисобланади.

Объектив услублар билан субъективлари орасидаги мунисабатни мувозанатда унлани жуда қийин. Чунки педагогик усул ўқитувчи ва педагогларининг дарс беринидаги асосий қуороли бўлиб, ўқитувчи режалаштирган мақсадни, мақсаддага эришини чора-тадбирларини, қўйилган мақсаддан келиб чиқувчи ва ечилини шарт бўлган масалалар тизимини, таълим-тарбия жараёнининг мантигини, ахборот манбаларини, ўқитувчининг маҳора-

тини ва бошқа күшлаб шарсаларни үзида ифодалаши керак.

Күриб турганимиздек, педагогик усул күп қирралы ижтимоий борлиқ бўлиб, унга таъриф берганда, унинг ҳамма томонларини ифодалаш қийин. Шунинг учун унга куйидагича қисқача таъриф бериш мумкин.

Педагогик усул – бу таълимий мақсадга эришиш йўлидаги ўқитувчи ва талабаларниң биргаликда, муайян режа асосида қиладиган ҳаракатларининг тартиби.

Педагогик усул күп томонли бўлгани учун ҳам, уни гуруҳлаштирганда истаган жабҳасини асос қилиб олса бўлади. Шунинг учун ҳам педагогик усулларниң таснифи жуда күп. Педагог ва ўқитувчилар учун усулларни турларга ажратганда, албатта, педагогик амалиёт талабларидан келиб чиқишилик тўғри бўлади.

Кўйида педагогик усуллар таснифларининг бაъзи бирларига эътиборигизни қаратамиз.

1. Англанавий тасниф үзининг илдизи билан қадимий фалсафий ва таълимий тизимларга бориб тақалади. Шу кунида бу таснифнинг замон талабидан келиб чиқиб, такомиллашган варианги мавжуд. Бу типдаги тасниф билим маибаларини үзига асос қилиб олган. Билим маибаларига куйидагилар киритилган: амалиёт ва кўргазмалар (эмперик билимлар манбаи); оғзаки сўз ва китоб (назарий билимлар манбаи), ахборот технологиялари – видео, телевизор, компьютер ва интернет тармоқлари (ҳам кўргазмали, ҳам назарий, ҳам эмперик билимлар манбаи). Бу тасниф орқали усуллар беш тоифага ажратилган: амалий, кўргазмали, оғзаки, китоб билан ишлаш ва виртуал (видео, компьютер, интернет).

Бу усулларниң ҳар бирининг үзини намоён этиш услублари бор (куйидаги жадвалга қаранг).

2. Белгиланган мақсадга қараб таснифлаш. Бунда, дарс босқичларининг кетма-кетлиги умумий асос қилиб олинган. Уларда қуйидаги усуллар ажратилган: билим эгаллаш; кўникма ва малакалар ҳосил қилиши; билимни амалиётда қўллаш; ижодий фаолият; мустаҳкамлаш; билим, кўникма ва малакаларни текшириш.

Амалий	Күргазмали	Оғзаки	Китоб билан ишлаш	Виртуал
Тажриба, амалий машқ, үкүв-ишлаб чиқариш мөхнати	Иллюстрация, намойиш, кузатиш	Айтиб бериш, тушунтириш, ҳикоя, сұхбат, күрсатма бериш, маъруза, баҳс, мунозара	үқиши, үрганиш, реферат ёзашын күриб чиқыш, баён қылпап, режа тузиши, конспект тузиши	Күриш, тәтылым олиш, машқ қилиш, назорат

3. Билиш фаолияттарының типига қараб усуулар қуидагиларга ажralади: ахборотли-рецептив ёки иллюстратив-түшүнтириши; реиродуктив; муаммоли баёни; эврестик ёки ярим тадқиқот ва тадқиқот. Бу типдаги усуулар билиш фаолияттарының күчләпшишига қараб түрүнде ажраптандырылган. Бу усул, үкүвчи үқитувчи ҳамкорлыгыда билим олиш жараёнидаги фаолиятида тафаккуриниң қанчалик ишлатини билан изоҳланади.

Агар үқитувчи томонидан таңкыл қилингандай билиш фаолиятты, унинг бергандай билимларини эслаб қолин ва уларни қайта айтиб бериши билан бөлгілік бўлса, унда үқувчилар ақлини фаол ишлатмайдай, хотирасини ишга солиб ёд олиш билан чекланадилар. Бундай усул реиродуктив усул дейилади. Агар үқитувчи талабалар тафаккурини юқори куч билан ишлашга мажбур қиласидай усууларни қўлласа, улар ярим тадқиқот ва тадқиқот усуулари дейилади.

Ахборотли-рецептив усуулар қуидаги белгилар билан изоҳланади:

1) үқувчи ва талабаларга билимлар тайёр ҳолда берилади;

2) үқитувчи турли услублар билан билимларни талабалар қабул қилиб олишларни таъминладайди;

3) талабалар билимларни ўзлаштириб (рецепция), уларни тафаккуридан ўтказиб, хотирасида сақладайди.

Бундай усууларни қўллагандай барча ахборот манибада

ларидан фойдаланилади (сұз, күргазмалийк ва ҳоказо). Баён қилиш жараёнида мантиқпен индуктив йүли билан бир қаторда дедуктив йүлидан ҳам фойдаланилади.

Репродуктив усулнинг қуйидаги белгилари мавжуд:

1) үқувчи ва талабаларга билим тайёр ҳолда берилади;

2) үқитувчи билимни берибгина қолмай, тушунтириб беради;

3) үқувчи ва талабалар тушунган ҳолда билимларни үзлаштирадилар ва ҳотираларида сақтайдилар. Уларнинг үзлаштирганлик даражаси, берилған маълумотларни тұғри айтиб бериси репродуктив билан изохланади;

4) шұхта үзлаштиришига қўп маротаба қайтариш йўли билан эришилади.

Бу ва бундан олдинги айтилған ахборотли-рецептив усулларнинг афзаллиги ва кеңг құлланишининг сабаби, уларнинг тежамкорлиги билан изохланади. Бу усуллар орқали кам вақт ичидә кам күч сарфлаб, қўп билим берса бўлади.

Инсон фаолияти ё репродуктив (биган йўлдан оғишмай, уни айнаң қайтариш), ёки ижодий (мақсадга етиш йўлини ўзи излаб топади) бўлиши мумкин. Бу ерда шунин айтиб үтиш жоизки, ҳар қандай ижодий ҳаракатдан олдин репродуктив ҳаракатлар бўлади. Шунинг учун бу усулни менсимаслик жоиз эмас. Аммо, уни кўллашга ҳам қаттиқ берилиб кетмаслик дозим. Энг яхниси, репродуктив усул билан бир қаторда бошқа усуллардан ҳам бирдей фойдаланиш яхши самара беради.

Муаммоли баён усули оралиқ усул ҳисобланиб, кўрқорилардек ёд олиш ва уни айтиб берисдан, мустақил фикр юритишга үтиш учун хизмат қиласи. Болалар, ривожланишининг маълум бир босқичида, мустақил фикр юрита олмайдилар. Үқитувчи ва педагог талаба ёшлар олдига муаммони қўйиб, уни ечиши йўлларини ўзи баён қилиб беради. Шунда талабалар муаммони

ечинда иштирок этмасалар ҳам, ўқитувчининг синф олдига қўйилган муаммони моҳирона счишини кузатиб, илҳомланадилар ва муаммони узлари счишини истаб қоладилар.

Эврестик ёки ярим тадқиқот усул қўйидаги белгилари билан характерланади:

1) ўқувчиларга билим тайёр холда берилмай, у мустақил равишда билим олишини ташкил қиласди;

2) ўқитувчи турли воситалар ёрдамида, мустақил равишда билим олишини ташкил қиласди;

3) ўқувчи ва талабалар ўқитувчи ёки педагог ёрдамида мустақил Фикр юритишга ва шу орқали янги билимларни топишга ўрганидилар. Улар мустақил равишда муаммоларни ечин йўлларини излайдилар. Топилган иатижаларни таҳлил қиласдилар, таққослайдилар, умумлаштирадилар ва якую ясайдилар.

Бу усулнинг ярим тадқиқот деб ном олғанлигинини сабаби, ўқувчи ва талабалар аввал ҳеч қачон мустақил равишда билим олишмаган бўлишса, бу вазифани бажаришга қийналадилар. Шунинг учун ўқитувчи ва педагоглар уларга ёрдам берадилар. Бу усул қўлланашдан ўқитувчи – ўқувчи – ўқитувчи схемаси бўйича амалга оширилади. Шунда билимнинг бир қисмини педагог айтиб, қолганини топишни талабаларга қўйиб берилади.

Тадқиқот усулиниңг моҳияти эса қўйидагича:

1) педагог талабалар билан бирга муаммони шакллантирали ва уни ҳал қилиш учун талабаларга муддат берилади;

2) ўқувчи ва талабаларга билим айтилмайди. уни талабаларниң ўзлари мустақил равишда излаб гонадилар. Шунда, бу билимнинг гонини чора-тадбирларини ҳам ўқувчиларниң ўзлари белгилайдилар.

3) ўқитувчи ва педагогнинг фаолияти, талабалар изланишини бошқаришдан иборат булади;

4) бу усулда ўкув жараёни ўта жадал ва юқори қизиқини орқали кечини билан, топилган билимлар чукур,

таъсирчал ва ишчупин болалар хотирасыда узок сақла-ниши билан бошқа усуулардан ажралиб туради. Бу усул-нинг камчилиги, унга күп вақт ҳамда үқувчи ва үқитув-чилардан аңчагина куч сарфлапишини талаб қилади.

4. Дидактик мақсадларга кўра усуулар икки гуруҳга ажралади: биринчиси – билимларини бирламчи ўзлаштирилишига хизмат қилувчи усуулар; иккинчиси – эгаллангани билимларни мустаҳкамлаштиришга йўналтирилган усуулар.

Биринчи гуруҳга: ахборот – ривожлантирувчи усуулар (оғзаки баён, сұхбат, китоб билан ишлари), эврестик (изланувчан) усуулар (эврестик сұхбат, мунозара, лаборатория ишлари); тадқиқот усуулари киради.

Иккинчи гуруҳга: машқ (пүсхага қараб кўпириси, шархланган машқлар, вариантили машқлар ва ҳоказо) ва амалий машғулотлар киради.

5. Бир исчада бор, бинар ва ярим бинар усууларни яратишга уриниб қўрилган. Бунда усуулар икки ва ундан ортиқ белгиларига қараб гуруҳлантирилади. Масалан, билим берини усуулари билан билим олиши усууларини бириктириш ва ҳоказо.

Усуулар пазарияси тинимсиз тараққий этиб, барча үқитувчи ва педагоглар талабига бирдай жавоб берувчи усуулар изланмоқда. Шу изланишлар натижаси сифатида үқув жараёнининг технологиялашган усули вужудга келади.

2.9. Ўрта модуллардаги педагогик жараёсларни ахборот технологиялари ва дидактик материаллариниң қўлланиш ўринини белгилаш тамойили

Тўққизинчи тамойил. Буниш учун үқув муассасасида бор бўлган ахборот узатиш техникалари ва қургазма куроллар ҳамда бошқа дидактик материаллар ичидан мавзуга мосларини тониб, ўринни белгилаб чиқини зарур бўлади

III. Замонавий педагогик технология асосида «Педагогика» фанини ўқитишнинг ўзбек миллий модели

3.1. Педагогик жараёни лойиҳалаш алгоритми

T/р	Лойиҳа тузиш босқичлари ва бажариладиган амаллар
1.	Ўқув фанини бир бутунилик деб билиб, мазмун ва ҳажми жиҳатидан катта ва ўрта модулларга ажратиш ҳамда катта модуллар мақсадларини белгилаш.
2.	Муайян катта модуль таркибидаги ўрта модулларнинг номлари ва мақсадларини белгилаш.
3.	Ҳамма мақсадлар якунида пайдо бўладиган кўник-маларнинг феъллар шаклидаги тизимини тузиб чиқиш.
4.	Муайян ўрта модуль таркибидаги кичик модулларнинг мақсадларини аниқлаш ва уларга ажратилган вақтни белгилаш.
5.	Тағиҳ тушунчалар ва назорат саволларини аниқлаш.
6.	Баҳолаш мезониларини яратиш.
7.	Муайян ўрта модулда қўлланиладиган дарс тури, типи ҳамда қўлланиладиган педагогик усул ва услубларни аниқлаб, ишлатиладиган жойларини белгилаш.
8.	Педагогик жараёнда фойдаланиладиган ахборот технологиялари, кўргазмали куроллар ва бошқа дидактик материаллар захираси ичидан, муайян модулда фойдаланиладиганларини топиб, қўлланиши жойларини аниқлаш.
9.	Муайян ўрта модуль мазмуни ва педагогик жараёнининг кечишини ифода этувчи модуль матнини ёзиш.

**3.2. Педагогика ўқув фанининг катта модуллари,
улардан кўзланган мақсадлар ва таркибидағи
ўрта модуллар сони**

T/р	Катта модуль номи	Модуллардан кўзланган мақсадлар	Урта модуллар сони
1.	Педагогиканинг умумий асослари	Педагогик касбнинг пайдо бўлиш тарихи, унинг жамият ҳётида тутган ўрни, педагогика амалиёти, фани ва илмий фаолиятларининг йўналтирилган обьекти, предмети, мақсадлари ва усуллари ҳамда ўқитувчининг касбий ва ахлоқий сифатлари, уларни эгаллаш йўллари, шунингдек, Узбекистоннинг таълим тизими ҳамда баркамол шахс ва уни тарбиялаш йўллари тўғрисида талабаларни хабардор қилиб, бу билимларга кўникма ҳосил қилдириш.	20
2.	Дидактика. Таълим назарияси	Таълим назарияси ва унинг шаклланиш тарихи мазмун ва моҳияти, принциплари, таълим жараёнининг методологик асослари, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятлари, уларни ташкил қилишдаги тамойиллар, усул ва услублар ҳамда таълим жараёнининг мазмуни, ўқувчилар билим ва кўникмаларини баҳолаш тизими ва мезонлари тўғрисидаги билимларни талабаларга бериб, уларда бу билимларга кўникма ҳосил қилдириш.	32
3.	Тарбия назарияси	Тарбиянинг мақсади, мазмуни ва воситалари, баркамол шахс фазилатлари, тарбиянинг усул ва услублари, уларнинг туркумлари, ўқувчилар жамоаси, унинг тузилиши ва шаклланиши, бу жамоаларни ташкил этиш йўллари ҳамда ўқувчиларда илмий дунёқарашни, шунингдек, ижтимоий-сиёсий фаолигини шакллантириш ҳамда маънавий ва эстетик тарбиялаш йўлларини талабаларга ўргатиш ва шулар асосида уларда амалий ҳаракатлар ҳосил қилдириш.	38

4.	Таълим тизимини бошқариш	Талабаларга бошқариш түғрисида умумий маълумот бериб, Ўзбекистонда таълим соҳасини бошқариш тизими, унинг тамойил ва қоидалари, мактаб маъмуриятининг вазифалари, мактаб педагогик кенгаш мазмуни, ўқитувчиларнинг методик бирлашмаларининг фаолияти ва фанлар бўйича амалий, семинар, лаборатория машгулотлари ва мустақил ишларни ташкил этишга тааллуқли билимларни бериб, уларда бу билимлар асосида ҳаракат қилиш кўникмасини пайдо қилиш.	8
----	--------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---

2-жадвал

Ўрга модулларнинг умумий сони – 98 дарс.
 Ўқув соатларининг умумий сони – 196 соат.
 Мустақил иш соатларининг сони – 83 соат.
 Жами ўқув соатлари 279 соат.

3.3. Биринчи катта модуль таркибидағи ўрга модуллар номлари ва мақсадлари

т/р	Ўрта модуллар номи	Модулларда кўзланган мақсадлар
1	2	3
1.	Педагогик касбнинг шаклланиш тарихи ва унинг жамият ҳётида туттан ўрни	Педагогик касб шаклланишининг тарихий босқичларини, инсоннинг замонавий илмий атамаси «биоижтимоий мавжудот» эканини ва унинг ижтимоий моҳиятини билим ташкил қилиб, бу билимларни мақсадга йўналтирилган режа ва илмий асосланган дастур асосида ёш авлодга етказувчи инсон фаолият соҳасини педагогика дейилишини талабаларга тушунириб, улар уни чизмада кўрсатиб, улар бу билимлар моҳиятини айтиб, доскада чизиб кўрсатиб бериш даражасига эришиш.

1	2	3
2.	Инсон ижти- моий моҳиятини шакллантирувчи манбалар ва улар ичида педагоги- канинг ўрни.	Киши ижтимоий моҳиятини шакл- лантиришга таъсир этувчи манбалар- ни бирма-бир тавсифлаб, уларнинг ичида узлуксиз расмий таълим-тар- бия етакчилик қилишини исботлаш мақсадида, у ўз фаолиятини илмий асосланган дастур ва мақсадга йунал- тирилган режа асосида олиб бориш- лигини талабаларга тушунтириб, уларни чизмада кўрсатиб, бу фикр- ларга, уларда ишонч ҳосил қилиб, уларда бу билимларни қайта айтиб, доскада чизиб курсатиб бериш кў- никмасини ҳосил қилдириш.
3.	Инсон ижти- моий моҳияти- нинг шаклланиш босқичлари ва маънавиятининг киши ҳаётидаги ўрни	Талабаларга, педагогик фаолият, ин- сон ижтимоий моҳиятини шакллан- тириш учун, илмий асосланган би- лиmlарни замонавий педагогик усу- лар ёрдамида бериб, бу билимларни ўкувчилар эгаллаб, маънавиятига айлантириш жараёни – англаб этиш, кўникма, малака ва ҳаёт тарзига айланниш босқичлардан ўтишини ту- шунтириб, бу жараённи чизмада кўр- сатиб, улар бу билимларни қайта ай- тиб чизиб кўрсатиб беришига эриши.
4.	Марказий Осиё- да ўтган аллома- лар таълим-тар- бия ва ўқитувчи- ларнинг меҳнати ҳақида	Зарадуштра, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Кошнгари, Юсуф Ҳожиб, Кайковус, Замахшарий, Умар Хайём ва бошқа алломаларнинг таълим- тарбияяга кўшган ҳиссалари ва ӯқитувчи сифатлари тўғрисида айтган сўзларидан талабаларни хабардор қи- либ, уларда бу билимларга кўникма ҳосил қилдириш.
5.	Тажрибали ӯқитувчилар билин учрашув	Республикада обўга эга, тажрибали ӯқитувчи билан учрашув ўтказиб, «Касбим – фахрим» мавзуида сұхбат ӯтказиб, талабаларда педагогик касб- га меҳр уйғотиб, уларда бу касбни яхшилаб эгаллашга талаб ҳосил қил- дириш.

1	2	3
6.	Педагогик фаолият тоифалари, уларнинг объекти, предмети ва мақсадлари	Талабаларга, педагогик фаолиятларининг олдига қўйган мақсадлари ва унга эришишда қўлланиладиган усуллар характеристига қараб педагогик амалиёт, маърифат ва илмий тадқиқот деган тоифаларга ажралишини ва уларнинг фаолият обьекти, предмети ва мақсадини тушунтириб, уларнинг бу билимларни бемалол айтиб беришларига эришиш.
7.	Педагогик фаолиятларда қўлланиладиган усул ва услублар	Педагогик амалиёт, маърифий ва илмий фаолиятларда қўлланиладиган усуллар бир-биридан фарқ қилишини ва уларни ҳар бирига алоҳида таскивлар бериб, бу усулларни талабалар амалда қўлтай олишларига эришиш.
8.	Педагогика илм-фан сифатида шаклланиши ва унда Коменскийнинг ўрни	Педагогик амалиёт инсон пайдо бўлганидан бошлиб мавжуд эканини, унинг айрим назарий асосларини «Авесто»да, Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларида, Юнонистон файласуфларининг ҳамда Шарқ мутафаккирларининг асарларида учратиш мумкин бўлғанлиги билан, бу фаолият соҳасининг назарий асосларини тартибга солиб, уларни амалиётда синааб кўриб, яхлит бир фан сифатида инсониятга тақдим этган чех файласуф олимни ва педагоги Ян Амос Коменский бўлғанлигини талабаларга айтиб, бу билимларга уларда кўнижма ҳосил қўлдириш.
9.	Педагогиканинг асосий категориялари	Талабаларга педагогиканинг маҳсус тушунчалари бўлган таълим-тарбия, таълимот, ўз-ўзини тарбиялаш каби категорияларининг мазмун моҳиятини тушунтириб, улардан педагогик амалиётда эркин фойдалана олиш кўнижмасини ҳосил қўлдириш.

1	2	3
10.	Педагогик фанлар мажмую ва уларни бошқа фанлар билан алоқаси	Талабаларга, педагогика кўп тармоқли фан мажмую эканини чизмада курсатиб, уларнинг ҳар бирига қисқача таърифлар берив, уларнинг бошқа фанлар билан алоқаларини чизма орқали курсатиш ва бу алоқадорликлар қонуний равишида мавжуд эканлигини тушунтириш ҳамда бу билимларни талабалар қайтариб равон айтиб бера олишларига эришиш.
11.	Тарбиянинг тарихий, миллий ва умуминсоний хусусиятлари	Тарбия ижтимоий воқелик бўлиб, у тарихий илдизларига эга, унинг миллий ва умуминсоний хусусиятларини талабаларга тушунтириб, улар бу билимларни кўникмаларига айлантириб олишликларига эришиш.
12.	Таълим тизими хақида тушунча	Талабаларга тизим, мажмува ва мажму атамаларининг мазмунини тушунтириб, таълим тизими бўйича умумий маълумот бериш ва бу билимларни талабалар кўникмасига айлантириш.
13.	Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига кўра, узлуксиз таълим тизими тузилишини асосий тамоиллари	Ўзбекистонда «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинишининг аҳамияти, унинг тизими тузилишини шакллантиришда амал қилинган тамоиллар билан талабаларни таништириб, уларда бу билимларни равон ва эркин равишида талқин қила олишликларига эришиш.
14.	Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизими	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида Ўзбекистонда олти бўғиндан иборат – мактабгача таълим, умум ўрга таълим, маҳсус таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим ва малака ошириш деган унсурлардан иборат бўлган таълим тизимининг қабул қилинганлигини ва уларнинг ҳар бир босқичидаги тармоқларини, уларда иштирок этадиган субъектларни талабаларга бирмабир тушунтириб, уларда бу билимларга турғун ку尼克ма ҳосил қилдириш.

1	2	3
15.	Узбекистон Республикасининг «Таълим тўгрисида»ги Қонуннинг моҳияти	Талабаларга Узбекистон миллий мустақилликда эришанидан кейин, «Таълим тўгрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан республикамизда замонавий таълим тизимининг қарор топғанинги айтиб, унинг тарихий аҳамиятини тушунтириш ва уларда, бу билимларга кўникма ҳосил қилдириш.
16.	Шахс ва унинг шаклланишига таъсир курсатувчи омиллар	Талабаларга шахс тушунчаси тўгрисида маълумот бериб, унинг шаклланишига ташки атроф-муҳит, оила муҳити, оммавий ахборот воситалари ҳамда узлуксиз расмий таълим тизими ва мустақил билим эгаллаш деган омиллар таъсир кўрсатишини, улар ичida расмий таълим-тарбия етакчилик қилишлигини тушунтириб, чизма орқали кўрсатиб, уларда бу билимларга турғун кўникма ҳосил қилдириш.
17.	Ўқувчи шахсига педагогик-психологик тавсифнома тузиш ва унитаҳлил қилиши	Талабаларга, ҳар бир ўқувчига педагогик-психологик тавсифнома тузишни ўргатиб, бу тавсифномаларни таҳлил қилиш кўникмасини ҳосил қилдириш
18.	Буюк алломалар баркамол шахс сифатлари тўгрисида	Тарихда ўтган буюк мутафаккирларнинг шахс камоли ҳақида ва баркамол инсон сифатлари тўгрисида айтган сўзларини талабаларга етказиб, уларда бу билимларга кўникма ҳосил қилдириш.
19.	Замонавий баркамол шахс сиймоси	Файласуф-педагогларнинг кўп йиллик тадқиқодлари, шу жумладан социологик сўровномалар ҳамда маънавий меросимизни ўрганиш асосида яратишган, шу замоннинг комил инсон сиймосини талабаларга бирмабир тушунтириб, уларда бу билимларга кўникма ҳосил қилиш.
20.	Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарининг таҳлили	Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарини талабалар мустақил равишда ўқиб, 20 ўрта модулнинг амалий педагогик жараённада уни сўзлаб бериб, аудиторияда таҳлил қилиш ва Авлоний асаридаги билимларга уларда кўникма ҳосил бўлишига эришиш.

3.4. Мақсадлар якуннан ишлатыладыган феъллар тизими

т/р	Феъллар	т/р	Феъллар	т/р	Феъллар
1.	Исботламоқ	6.	Айтиб бермоқ	11.	Гурухлаشتирмоқ
2.	Аниқламоқ	7.	Күрсатиб бермоқ	12.	Тавсифламоқ
3.	Асосламоқ	8.	Намойиш қылмоқ	13.	Тизимлаشتирмоқ
4.	Тартибга келтирмоқ	9.	Үзгартирмоқ	14.	Таққосламоқ
5.	Әгалламоқ	10.	Таснифлаб чиқмоқ	15.	Мавжуд бұлмоқ

3.5. Бириңчи катта модуль таркибида бўлган бириңчи ўрга модуль ичидаги кичик модулларнинг мақсадлари ва уларга ажратилиган вақт

т/р	Кичик модуллар олдига қўйилған мақсад	Ажратилиган вақт
1	2	3
1.	Талабалар билан танишиб, «педагогика» тушунчаси ва бу фанни ўрганиш жараёнинда амал қилиниши лозим бўлган қоидаларни талабаларга ёздириб, уларни янги фан билимларини эгаллашга тайёрлаш.	10 дақиқа
2.	Талабаларга, педагогик касбнинг шаклларини тарихини умумий тарзда айтиб, унинг тараққиёт босқичларини ва ишлаб чиқариш кучлари билан боғлиқлигини айтиб, чизмада курсатиш.	15 дақиқа

1	2	3
3.	Талабаларга инсон құш мөхиятта – биологик мөхият баробарида ижтимоий мөхиятта ҳам зәға эканлыгини, унинг замонавий илмий атамаси «биоижти-моий мавжудот» эканини билдириш ҳамда ижтимоий мөхияттің билім ташкил қилишлігіні, бу билимларни улар атроф-мухитдан, ота-оналари, оммавий ахборот воситалари ва узлуксиз таълим тизими орқали әгаллашлары лозимлігіні түшунтириш, шунингдек, булар ичіда таълим тизими етакчылық қилишлігіні, бу иш билан эса, үкітуvчилар шүгүлләнишларини айтиб, уларда педагогик касбга меҳр үйғотиши.	30 дақиқа
4.	Биринчи дарс, талабаларда чуқур из қолдириши муносабати билан, юқорида берилген билимларни талабалар бир неча бор қайтариб айтиб, чизмада күрсатыб, күнікма даражасыга айлантириб олишларига эришиш.	15 дақиқа
5.	Талабалар билимини аниқлаш учун тест синөвінің үтказиши да дарс юзасидан уйта вазифа беріб, уни бажариш йұллары билан уларни таништыриши.	10 дақиқа



5.-жадвал

Үрге модуль олдига құйилғап умумий мақсад

Педагогик касб шақылланышинин тарихий босқычларини, инсоннинг илмий атамаси «биоижти-моий мавжудот» эканини және ижтимоий мөхияттің билім ташкил қылышы, бу билимларни мақсатда үйнәлтирилген режа да илмий ассо-ланғап әдестерде ассоциациядағы автодога беруви инсон фәолият соңасы педагогика деб аталишини талабаларға түшунтириб, уларға буниң қызындарда күрсатыб, бу билимлар мөхияттің

айтиб, чизиб курсатып берилүү күнүкмасини шакллантыриши.

**3.6. Биринчи катта модуль таркибида бўлган
биринчи ўрга модулдинг кичик модуллари
ичидағи таянч тушунчалар ва улар асосида
тузилган назорат саволлари**

T/p	Таянч тушунчалар	Назорат саволлари
1.	Педагогика; «қайтариш билим әгалашнинг онаси-дир»; «дикқат билимга кириш эшигидир»; «тартиб ҳар бир иш муваффақияти-нинг гарови».	1) «Педагогика» атамаси нимани англатади? 2) Эталлаган билимин-гизни қай гараверсангиз нима булади? 3) Дикқат нима? 4) Тартиб деганда нимани тушунамиз?
2	Ибтидоий даврдаги таълим-тарбия; қулдорлик даврида-ги таълим; феодализм дав-рининг таълими; индустриаллашган жамият таълим ва тарбия тизими.	1) Ибтидоий даврда таълим-тарбия қандай бўлган? 2) Болаларни гурӯх-гурӯх қилиб ўқитишга нима сабаб бўлган? 3) Феодализмда болаларга нима ўқитилган? 4) Ривожланган давлатларда таълим тизимида нималар ўқитилади?
3	«Homasapiens»; «Биоижти-моий»; ижтимоий моҳият; билим; ижтимоий мұхит; узлуксиз расмий таълим; оммавиій ахборот восита-лари; ўқитувчи; педагог.	1) Биоижтимоий тушун-часи нимани англатади? 2) «Homasapiens» билан биоижтимоий тушунчалар орасидаги фарқ нимада? 3) Ижтимоий моҳият асо-сини нима ташкил қиласи? 4) Билим деган тушунча нимани билдиради? 5) Ижтимоий мұхит нима? 6) Узлуксиз расмий таълим-тарбия тизими қандай? 7) Киши ижтимоий мо-ҳиятининг шаклланишига нималар таъсир кўрсатади?

3.7. Бирипчи катта модуль таркибидаги бирипчи ўрта модулининг назорат саволлари асосида тузилган тест

T/р	Саволлар	Мумкин бўлган жавоблар		Тўғри жавоб	Рейтинг балл
1	2	3		4	5
1.	Педагогика атамаси нимани англатади?	A.	Таълим беришни		
		B.	Тарбия беришни		
		B.	Бола етаклашни		
2.	Эгаллаган билимларни қайтара-верса нима бўлади?	A.	Эсдан чиқиб кетади		
		B.	Яхшироқ билб олинади		
		B.	Кўникмага айланади		
3.	«Диккат қилиш» деганда нима тушиналади?	A.	Тинч ўтириш		
		B.	Фикрни жамлаш		
		B.	Қулоқ солиш		
4.	Ибтидоий даврда таълим қандай бўлган?	A.	Индивидуал бўлган		
		B.	Яхши бўлган		
		B.	Ёмон бўлган		
5.	Болаларни тўплаб ўқитишига нима сабаб бўлган?	A.	Меҳнатни тақсимлаш		
		B.	Ўқитувчи етишмаган		
		B.	Индивидуал ўқитишига одамларнинг пули бўлмаган		
6.	Биоижтимоий тушунчаси нимани англатади?	A.	Маданийлашган ҳайвонни		
		B.	Инсонни		
		B.	Маймунни		

1	2	3	4	5
7	Ижтимоий мохият асосини нима ташкил килади?	A. Маданият Б. Маърифат В. Билим		
8	Ижтимоий мухит нима?	A. Табиий мухит-нинг зидди Б. Одамлар муносабатлари-нинг ҳосиласи В. Сунъий нарсалар мажмуи		
9	Расмий таълим қандай таълим?	A. Зўрлашга асосланган таълим Б. Давлат томонидан ташкил этилган таълим В. Яхши таълим		
10	Билим нима?	A. Ахборот Б. Конуният В. Маълумот		
11	Киши ижтимоий мохиятининг шаклланишига нима таъсир кўрсатади?	A. Расмий таълим ва оммавий ахборот воситалари Б. Ижтимоий ва табиий мухит В. Оила ва юқори-дагилар		

7-жадвал

3.8. Бириңчи катта модуль таркибидаты бириңчи ўрта модулиниң дарс түри ва типи ҳамда уида құллапиладыған иедағогик усул ва услублар

Т/р	Дарс түри ва типи	Құлланиладыған усул ва услублар
1.	Аралаш дарс; янги билимларни әгаллаш	Түшунтириш
2.	Аралаш дарс; янги билимларни әгаллаш	Айтиб беріш; иллюстрация
3.	Аралаш дарс; янги билимларни әгаллаш	Муаммоли баён; иллюстрация
4.	Аралаш дарс; әгалланған билимни күнікмага айлантириш	Репродуктив

8-жадвал

3.9. Бириңчи катта модуль таркибидаты бириңчи ўрта модулиниң иедағогик жараёнида фойдаланыладыған ахборот технологиялар ва дидақтикалық материаллардың қулланиши жойлари

Т/р	Ахборот технологиялар	Дидақтикалық материаллар
1	Үкітүвчи касби тұғрисида кинолавча	
2	Эски ва ҳозирги замон мектебини ифода этувчи кинолавча	Ишлаб чыкарыш күчтари ва таълим-тарбияни ифода этувчи чизма (2-расм)
3	Кодоскоп аппарати ёки компьютер	Күш мөхиятты инсонни ифода этувчи чизма (3-расм). Битим әгаллаш манбаларини ифода этувчи чизма (4-расм).
4	Кодоскоп ёки компьютер	1, 2, 3-расмдар

3.10. Биринчи катта модуль таркибидаги биринчи ўрта модулниң мазмуні ва педагогик жараёниниң амалға оширилген ифода этувчи матн

Биринчи кичик модуль

Ассалому алайкум, азиз талабалар! Үтириңгелар. Мениң исми шариғим Зиёмуҳаммадов Бүри Гуломназир үғли, фалсафа фанлар доктори, профессорман. Үзингизга болаларни үқитиши касбини таңлаган экансизлар, бугундан бошлаб, дарс бериш сирлари билан сизни хабардор этувчи «педагогика» фанини үқита бошлаймыз. Бу фаниң сизларга үқиши менге юқлатылған. Мениң маърузаларимни диққат билан тинглаб, дарсларда фаол қатнашсанғиз ва уйға берилған тоғшириқтарни құнт билап бажарып борсанғиз, албатта, яхши педагог бўлиб етишасизлар.

Айтган гапларимга эътиrozлар борми? Эътиrozингиз бўлса айтинг, биз эркис жамият, ҳуқуқий ва демократик давлатда яшамоқдамиз. Менің қандайдир саволларингиз ёки эътиrozларингиз бўлса айтинг. Саволлар, эътиrozлар йўқми? Бўлмаса, дарсимиzinинг асосий қисмини ўғишини бошлашдан оллин, шу фаниң үрганиш жараёнида, талабалар томонидан амал қилиниши шарт бўлган бир нечта қоидалар билан сизларни таништириб ўтаман.

Конспект дафтариңизнинг биринчи бетига чиройли қилиб ёзиб қуйинг.

Биринчи павбатда, дарсга келганды, билим олиш иштиёқи билап келишиңгиз керак. Дангасалик қилиб, дарсга қатиашиб, вақтим үтса бўлли, охир-оқибатда лицензияни қўлга киритарман, рейтинг баҳоларимни эса, амаллаб қўйлириб оларман деган, фикрин миянгиздан чиқарып ташланг. Бу фикр ўта заарли бўлиб, сизнинг шахс сифатида шаклланишиңгизга катта түсиқ бўлади.

Иккинчи павбатда, билим олиш мақсадида келган экансиз, фикрингизни фан билимларини үрганиш учун

бир жойга жамланинг ўрганинг, бугун вужулипгизини билим олинига тайёрланг. Бу – билим эгаллашнинг умумий қоидаси ҳисобланади.

Учинчи павбатда, мени диққат билан эшитиб, сўзларимнинг муҳим жойларини мэъузалар дафтаригизга қайл қилиб боринг. Дарс жараёнида саволлар пайдо булиб қолса, уларни дафтаригизнинг бир четига ёзиб қўйинг ва қулай шароит тониб, ўқитувчингиздан саволларигизга жавоб олинг.

Тўртинчи павбатда, дарснинг иккинчи мустаҳкамловчи қисмида фаол қатианиб, дарс жараёнида олган билимларингизни кўникмангизга айлантиринг. Эслатиб утаман, билимнинг кўникмага айланиши учун уни ўзингиз мустақил равишда ё айтиб беринингиз, ёки шу ишни бажариб куришингиз шарт.

Ва ниҳоят, бешинчи павбатда, уйга берилган вазифани шу кунинг ўзидаёқ бажаринг. Эртага бажаармаси демаинг, эртасига бугун олган билимларингиз эсдан чиқиб кетади. Бу қонуният, унга бўйсунмай иложимиз йўқ.

Иккинчи кичик модуль

Дарснинг асосий қисмини ўтишга киришамиз.

Аслида, инсоният пайдо булини билан, таълим-тарбия ҳам шаклана бошлаган. Чунки, катта ёндалигилар ҳаётгий тажрибалари орқали орттирган билим ва кўникмаларини, ўсиб келаётган авлодга ўргатгандар. Натижада, тарбия бериш ҳақида билимлар тўплана бошлана. Яъни, кимларга ўргатиш? нималарга ўргатиш? ва қандай ўргатиш? деган саволларга жавоб топа бошлангар. Бундай тарбия бериш сир-асрорларини қадимги Хитойнинг Конфуцийси; Ўрта Осиёнинг Авесто, Форобий, Иби Сино ва Берунийси; Ҳиндистоннинг Будда ва Даоси ҳамда Миср ва Юнопистон файласуфларининг асарларида учратиш мумкин. Аммо, таълим ва тарбияга оид билимларни илмий асосланган маълум бир тизимга солиб, уларни бир неча бор синовдан ўтка-

зид, равон бир педагогик назария қўринишида, биринчи бор инсониятга тақдим этган олим, бу чех файласуфи ва педагоги Ян Амос Коменский (1592–1670) бўлган. У үзининг «Буюк дидактика» асарила: «Болаларни неча ёшдан ўқита бошлан лозим?», «Гуруҳ-түруҳ қилиб ўқитгандаги гуруҳдаги болалар сони қанча бўлини керак?», «Ўсиб келаётган авлодга нималарни ўргагин керак?», «Билим бериниша қандай тамойиллардан (принциплар) келиб чиқилиши шарт?», «Билим беринида қандай усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?», «Ўқитувчиларниң моддий таъминоти қандай бўлиши керак?» ва бошқа бир қатор саволларга илмий асосланган ҳамда тажрибадан утган жавобларни берган. Чунончи, синфдаги болалар сони 12 нафардан ошмаслиги керак, агар ошиб кетса, дарс ўтиб бўлмайди деган эди Ян Амос Коменский. Ёки ўқитувчиларниң ойлик иш ҳақи, мамлакатниң биринчи шахсининг ойлигидан кўп ёки унинг иш ҳақи билан баробар бўлиши шарт. Акс ҳолда ўқитувчининг обрўси бўлмайди, деб таъкидлаган Коменский. Аллома бошқа масалаларга ҳам амалда исботланган ва илмий асосланган жавобларни берган эли. Ундан кейин англиялик файласуф Джон Лок (1632–1704) ҳам ўз талқиқотларини педагогика назариясига қаратган. Француз олимлари Д. Дидро (1713–1784), К. Гельвеций (1715–1771), П. Гольбах (1723–1789), Ж.Ж. Руссо (1712–1778)лар ҳам педагогика назариясига ўз ҳиссаларини қушганилар. Педагог олим, инвейциарийлик И.Г. Песталоцци (1746–1827) ўзидан аввал ўтган педагог ва файласуф олимлар фикрини таҳдил қилиб, ўз фикрини билдирган. Педагогика назариясига чуқурроқ кириб борган педагог олимлардан И.Ф. Гербарт (1776–1841) ва Ф.А. Дистервег (1790–1886)лар ҳам шулар жумласидандир. Россия олимларида В.Г. Белинский (1811–1848), А.И. Герцен (1812–1861), Л.Н. Толстой (1828–1910) ва К.Д. Ушинскийлар ҳам педагогика назариясига ўз ҳиссаларини қушганилар. Ўрта Осиёда назариётчи педагоглар қаторида Абай Қўнонбоев (1845–1904), Маҳмудўжа Бесхбудий (1875–1919), Фитрат (1886–1938),

Абдулла Авлоний (1878–1934), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889–1929) ва бониқа күпгина алломаларни санаб ўғиши мумкин. Улар билан «Педагогика тарихи» деган фанини ўтгацда батафсил тапишасизлар.

XVII аср ўрталаридан бонилаб, педагогика пазарияси, иичунин, уни урганувчи фан «Дидактика» шакллашып боплатып экан, ўтган давр мобайнида күпгина педагог олимлар томонидан талайгина дидактик тизимлар таклиф этилиб, амалиётта сингдирилди. Аммо, уларнинг ҳаммаси ҳам тарих синовидан ўтиб, кеп тарқалмади. Жаҳондаги күпгина мамлакатларнинг педагогик амалиётига сингдирилиб, шу кунгача нуфузини сақлаб турғанлари – учта. Бу ҳам бұлса, чехиялық файласуф ва педагог Я.А. Коменскийнинг дидактикаси, немис педагоги ва психолог И.Ф. Гербарт ва америкалық файласуф, психолог ва педагоги Д.Дьюонинг дидактик тизимларынир. Бу гизимларнинг ижобий томонларини бирлантиручи ҳамда анча тақомиллантайтын ҳозирги замонда яныгы **дидактик тизим мавжуд**.

Улар орасыда күпгина умумийлик бұлғаны билан, үзаро фарқдары ҳам аичагина. Чунончи, Я.А.Коменскийнинг дидактик тизими ўта гуманистик булиб, билим берішін ва билим олиш жарайшини бोшқариш үқитувчилар томонидан амалға ошириләди дейилгани билан, билим олишлик тұла талабалар ихтиёрида булиши керак, деб ҳисоблаган. Янын, талабалар билим оғылары келсегина уларға билим беріш лозим. Аммо билимға қызықтириш үқитувчига боянған деңгелік дейилгай. Шу боис дарс беріш усул ва услублари ўта юмшоқ, янын болаларга тазийк үтказмасдан, уларнинг хоҳиши истакларига қараб дарс ўтилишини тақозо этганды. Тахминан шундай фикрини Абу Наср Форобий асарларыда ҳам күриш мумкин. Я.А.Коменский: «Қандай ва қанча билим берилішини керак?» деган саволға «Билим тури ва ҳажми қынчалик күй бұлса, шунчалик яхши», деган фикрини илгари суради. Шунинг учун Коменский дидактикасында үқитувчи билимни беріб, үкувчи уни эслаб қоли-

шининг ўзи кифоя дейилган. Социалистик инқилоб галаба қозонған шүролар ҳокимиятида айнаи Я.А. Коменскийнинг дидактик тизими қабул қилинган эди. Бонің деярли барча хорижий мамлакатларда, шу жумладаи, Европа мамлакатлари ва Америкада, нисбатан қаттықұлдукка ва зурлаша асосланған И.Ф. Гербарт дидактик тизими кең құлданилди. Гербартнинг фикри бүйіча, мактабнинг асосий вазифаси үқувчиларни ақпай ривожлантириш, янын үларга билим берінідан иборат бўлмоги лозим. Ахлоқий тарбиянинг барча масалаларини оила ҳал қилиши керак, деб ҳисоблаган Гербарт. Шу боис, таълим берінінг асосий мәқсади тайёр билимларни берин, үқувчилар эса бу билимларни ёдлаб олишлари билан белгиланган. Гербарт ҳам, «қапча күп билим берилса, шунчалик яхши», леган ақылдадани түри деб билган. Дарс жараёнида фаоллик фақат үқитувчига рухсат берилган, үқувчилар эса үқитувчи айтапларини мулоҳазасиз қабул қилиб, эслаб қолишлиари галаб қилинган. Гербарт үқувчиларга жисмоний жазо құлапшыл мүмкін деб билган. Коменский эса, бу ҳолга жуда ҳам қарши бўлган. Бу масалада Форобий, «баъзи үқувчиларга юмшоқ усул орқали билим берилса, баъзиларига қаттиқ усул кўл келади» деб туриб, кетидаи, «аммо юмшоқ усул қаттиқ усулдан афзал» деган эди.

ХХ аср бонларила америкалик файласуф, психолог ва педагоги Джон Дью, Гербарт дидактик гизимигэ қара ма-қарши бўлган ўзинин дидактик тизимини таклиф қилии ва уни Чикаго мактабларидан бирида мұваффакиятли синааб қўрди. Дью дарсда үқитувчи эмас, үқувчи фаол бўлмоги лозим деб чиқди. Дарсда бериладиган билимлар талабалар эҳтиёжига мөс ва үларнинг хошишидан келиб чиққан булиши керак деб ҳисоблаган. У китобдаги билимларни қуруқ ёд олиш ҳеч нарсага олиб бормайди, аксинча, үқувчиларни ўқындан совутиб, тафаккурини заңглатади деб таъкиллаган. Дьюнинг таълим-тарбияга қўнған асосий хиссаси бу «ақл юритиш-


ништ тұлиқ жараёни»дир. «Ақл юритиши тұлиқ жараёни-нинг етакчи ҳалқаси муаммонинг пайдо булиши», дей-ли Дью. Муаммо пайдо бұлғаныдан кейин, үкувчи қийин ҳолатта тушиб, унинг ечимини излайди ва фаол фикр юритиб, бир қатор мұлохазалардан кейин бу муаммо-нинг ечимини топади ва сипаб құради, нотүрги бұлған тақдирда, яна ақл юритади ва бу жараён бир неча ма-ротаба қайтарилганидан кейин, охир-оқибатда унинг тұғри ечимини топади. Натижада фикр юритишинг тұлиқ жараёни амалға ошади. Кейинчалик бундай ди-дактика тизим «муаммоли дарс үтиш», деб номланы.

Бу учта дидактик тизимнинг анчагина ижобий то-монлари билан бирга салбий томонлари ҳам мавжуд. Шунинг учун, америкалик бир қатор педагог олимлар томонидан, аввалги дидактик тизимларнинг ижобий томонларини бирлантирувчи дидактикалық тизим яратылды ва у яңғы дидактик тизим деб номланади.

Педагогика касби ва бу фаннинг шақлаланыпшының қисқача тарихини якуплар экансиз, бу жараёнда мав-жуд битта қонуниятни айтиб үтишимиз жоиз. У ҳам бұлса, педагогика касбиның жамиятдаги ишлаб чиқа-риш күчләри билан чамбарчас бөлек болғылғылар. Бу бөлек 1-расмда яққол күриниб турибти. *Расмни күчи-риб олин.*

Учинчи кичик модуль

Педагогларнинг амалий фаолияти йұналтирилған обьект Ҳазрати инсон экан, қадимдан инсоннинг ло-тиңча атамаси «Хомасапиенс», яни «Ақлли жонзот» деб юритилиб келинген. Ҳозир ҳам бәзі адабиётларда бу атамани учрагаш мүмкін. Бир қараганда бу түшүн-ча тұғрига үхшайды, у маълум даражада тұғри ҳам. Аммо چукурроқ фикр юритиб құрадиган бұлсак, ҳамма одам-ларда ақл бор, бири уни күп ишлатса, бири жуда кам ишлагади. Юқоридаги таърифга қараганда, буларнинг бараси ақлли жонзот булиб чиқмоқда. Бу адолатдан әмас, албатта. Үндан ташқари, таърифлар назарияси-



1-расм.

дан келиб чиқалитган бўлсак, ҳар қандай таъриф, таърифланувчи нарса ва кимсанинг энг умумий хусусиятларини ифода этгани ҳолда, уни муайян бир ўлчамга сола олиши керак, яъни унинг баҳоданишига шароит яратиб бериши лозим. «Хомасаниеис» тушунчаси одамнинг энг асосий хусусиятини ифода этган, ҳақиқатан ҳам, одам ақлли жонзот, аммо кишишининг ақллилик дарражасини бу таъриф билан аниқлаб бўлмайди. Яъни бу


таъриф бўйича таърифлапувчи киши қанчалик ақлини ишлатишни ўлчаб бўлмайди.

Фикр юритиб кўрайлик-чи, одам ақлини юритиши натижасида унда нима содир булади? Киши ақлини ишлатишни натижасида билмаган нарсасини англаб, уни билиб олади, яъни унда билим пайдо бўлади. Киши ақлини қанчалик кўп ишлатса, билими шунчалик кўлашиб бораверади. Шунга кура, инсон ақлини қанчалик юритганини, яъни қанчалик ақлли эканини, унинг туплаган билимлар ҳажми билан ўлчаса бўлади.

Билимларнинг тури жуда кўп – диний, табиий, ахлоқий, техникавий, фалсафий, касбий, сиёсий, иқтисадий ва ҳоказо. Бу билимларнинг ҳар бир фан соҳасидаги ҳажми ундан ҳам кўп. Одам хоҳдаган билим турларининг ичидан кераклигини ва керакличасини олини мумкин. Бу иш киптишинг фаоллигига боғлиқ. Натижада саъй-ҳаракат қилган кишида турли-туман билимларнинг анчагина ҳажми йиғилиши ва уларни ҳаётида қўллайвериши натижасида бу билимлар унинг кўникона, малака ва маънавиятига айланаб кетган бўлиши мумкин. Дангасалик қилиб юрган бошқа бирорда эса билимлар тури ҳам, ҳажми ҳам оз бўлиши? инчунин, маънавияти ҳам наст бўлиши табиий. Кишидан йиғилган билимларнинг ҳажми ва туридан қатъни назар, бу йиғиндини бир сўз билан нима деса бўлади? деган саволга, бу – кинининг ижтимоий моҳияти дейилади, деб жавоб берамиз.

Муайян бир одамнинг ижтимоий моҳияти дегандан, аждодлардан унга мерос бўлиб ўтган ирсий бирлиги (ген)даги ахборотлар билан унинг шахсий ҳаёти давомида ортирган билими, кўникона, малака ва маънавиятининг мураккаб мажмуи тушунилади.

Биологиядан бизга маълумки, инсоннинг биологик моҳияти мавжуд. Унга инсон танасининг ўлчамлари, қади-қоматининг шакл-шамойиллари, терисининг ранги, юз-кўз тузилиши, қонининг иссиқлик даражаси, кимёвий таркиби ва бошқа кўилаб биологияга оид курсаткичлар киради.



2-расм.

Энди билдикки, инсоннинг биологик кўрсаткичлари билан бир қаторда, унинг ижтимоий кўрсаткичлари, яъни унинг тўплаган билимлар тури ва ҳажми ҳамда бу билимларни кўникма, малақа ва маънавият деган қалб гакомилишинг босқичлари-даги ҳолати ҳам бор экан. Одамни шартли думалоқ бир бугунилик қилиб олсанк, умум-

биологик моҳиятини ифодаловчи доирани ётиқ чизиқлар билан штрихлаймиз («А» доира), ижтимоий моҳиятини кўрсатувчи доира ичини эса тик чизиқлар билан тўлдирамиз («В» доира), иккаласини бирлаштиrsак, тўрсимон думалоқ шакл пайдо бўлади («Д» доира). Бу шартли инсоннинг интеграллашган моҳиятидир (3-расм).

Ер юзида бирон-бир шу куринишга эга маҳлукот мавжуд эмас. Барча жопзотлар фақат ётиқ чизиқли («А» доира) куринишга, яъни фақат биологик моҳиятга эгадирлар, холос. Инсоннинг интеграллашган ҳолатдаги куринишини нима деб атасак бўлади? Бундай қўшима моҳиятга эга бўлган жопзотни «**Биоижтимоий мавжудот (биосопиум)**» дейилмоқда.

Инсон ижтимоий моҳиятининг таркиби. Фикримизни давом эттирадиган бўлсанк, инсон биоижтимоий мавжудот экан, унинг ижтимоий моҳиятини нима ташкил қиласди? деган савол берилиши табиий. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, бу саволга, ҳар бир инсоннинг ижтимоий моҳиятини, албатта, билим ташкил қиласди, деб жавоб берилса, тўғри бўлади. «Бу билимларни инсон қандай қилиб ва қаёқдан олади?» деган саволга, «ақлини ишлатиб, объектив борлиқдан ёки «билимлар сандиги» деб аталувчи турли файлардан, китоб ва журналлардан ҳамда устоз мураббийлардан олади», десак хато қилмаган бўламиз.

Педагогик фаолият айнаи инсонга билим берисб, унинг



3-расм.

ижтимоий мөхиятини оширипінгә қаратылған. Жамият учун кишининг биологик мөхиятидан ижтимоий мөхияти кераклироқ ва мұхимроқ ҳисобланади.

Инсон биоижтимоий мавжудот бўлиб, унинг ижтимоий мөхият асосини билим ташкил қиласр экан, у бу билимларни қаёқдан олади? деган савол туғилини табиий. Қани жавоб беринглар-чи! Китоблардан, ота-онасида, ўқитувчисида деган жавобларни эшитаяпман. Жавобингиз тўғри. Берган жавобларингизни мажмуга келтирадиган бўлсак, у куйидагича кўринишга эга (3- расмга қаранг). *Расмдаги мазмунини кўчириб ёзib олинг.*

Тўргинчи кичик модуль

Азиз талабалар, мазкур дарс жараёнида, биз педагогика қасбининг қисқача тарихи, унинг тараққиёт босқичларининг жамият ишилаб чиқарииш күчлари билан боғлиқ эканлигини, фаолиятимиз обьекти инсон ва унинг мөхияти нималардан иборат эканлигини, одамлар ўзларининг ижтимоий мөхиятларини қандай ман-

балардан олишилкелерини, бу манбалар ичидә таълим тизими етакчилик килишилигиши ва бошқа бир қатор ёрдамчи тушунчалар тұғрисида маълумотта эга бўлдик. Шу ўтилган материаллар юзасидан менга саволлар борми?.. Бўлмаса эгаллаб олган билимларимизни, кўникмамизга айлантириш учун бу бижумярни амалда си-нааб кўрамиз. Эгаллаган билимларимиз асосан назарий бўлганилиги учун, уларни си-нааб қуриш мақсадида, уларни мустақил равишда қайта айтиб беришимиз лозим. Мен савол бераман, сизлар эса жавоб берасизлар, келиндикими, баракалла.

Савол:

1. Ибтидоий даврда таълим бўлганми, бўлса қандай бўлган?
2. Қулдорлик даврида таълим-тарбия қандай бўлган?
3. Индустряллашган жамиятда таълим қандай ташкил этилган?
4. Инсон қандай мавжудот?
5. Ижтимоий моҳияти деганда нимани тушунамиз?
6. Киши ижтимоий моҳият асосини нима ташкил қиласди?
7. Инсон билимларни қаёқдан олади?

Жавоблар умуман тұғри. Бу жавобларни яна ҳам чукурроқ уйлаб, тестда кўрсатасизлар.

Бешинчи модуль

Ўтилган дарсдаги билимларни қанчалик эгаллаб олганлигишизни аниқлаш ва рейтинг балларингизни синф журналига тушириш мақсадида, мазкур сўров варақасини тайёрлаб қўйганимиз. Мен уларни тарқатиб чиққанимдан кейин З дақиқа ўтгач қайтарасизлар. Мен улардаги жавобларни тезлик билан санаб, синф журналига рейтинг баҳоларингизни қўйиб чиқаман.

Катта илтимос, бир-бириигиздан кўчирманг ва маслаҳатлашманг. Бирорининг жавобини кўчириб олиш ўтирилик билан тенг гуноҳ ҳисобланади. Бирорининг жавобини ўзиники сифатиши кўрсатиш эса ёлғондир. Сўров

варапасини ҳамма үзи тұлғазсии!!! Вақт тугали, варапарни қайтариб беринг.

Тест саволларига берилған жағоблардан күрдикки, баъзи талабалар дарсда дикқат құлмасдаң үтирганылар. Натижада баъзи саволларға иогұтри жағоб берилған. Мұхтарам талабалар, мазкур дарсда мен сизларға фақат билим бердім, холос. Дикқат қилиб үтирганылар уни тұлиқ әгаллашды. Баъзилари кам әгаллаб қолишибыз.

Дарсда дикқатсизлик билан үтирганылар ололмай қолған билимларини олинни учун ҳамда билимларни тұлиқ әгаллаган талабалар уларни құнныкмага айлантириши учун, берилған адабиётларни сипчиқлаб үқиб, уларни дарсда ёзіб олған мати билан солиштириб, үз фикрларини конспект дафтарларига чиройли қилиб ёзіб күйсінілар. Конспект дарс болында ёзіб олинған барча саволларға жағоб тариха сида ёзилиши керак.

Менға саволлар борми? Конспектларни қачоң күрасиз, дейсизми? Кейинги дарсда конспектларни күрамаң. Яна саволлар борми? Саволлар бұлмаса, әထиборнанғыз учун раҳмат! Омои бўлинг! Кейинги дарсда кўринигунча хайр!

3.11. Үқув фанишинг ҳар бир дарсидаги педагогик жараёшни замонавий таълим технологияси асосыда амалга оширишнинг Ўзбек миллий модели

Миллий педагогик технология моделіміздің мажмудеб қабул қылғанда, уни чизиқты мажму сифатида, яни 1-варақ, 2-варақ, 3-варақ ва ҳоказо варақтардан иборат, узуп бир буғулик сифалила тасаввур қылсақ ҳам бұлади. Аммо, ундан дарс жараёшина фойдаланып бир оз қийин бўлгани туфайли, миллий педагогик технология моделіміздің кўп томонли мажму сифатида тасаввур қылғанымиз маъқул. Буни 4-расмдан кўрса бўлали. Бу бени қисмдан иборат мажму бўлакларини, үзаро бирлаштирилған бешта картон қоғозга ёпиширилган шаффоғ халтачаларға солиб қўйилған тақдирда, дарс жараёшина варақтарни варақлаб үтирмай, уларниң мазмунидан фойдаланиши мумкин.

Таянч түшун-
чалар ва назорат
саволлари
(6-жадвал)

Дарс тури, типи
хамда усул
ва услублари
(8-жадвал)

Кичик
модуллардаги
мақсадлар ва
уларга эришиш
учун ажратылған
вақт
(5-жадвал)

Ахборот
технологиялари
ва дидактик
материаллар
(9-жадвал)

Дарс мазмуни
ва педагогик
жараённинг
кечишини
иғодаловчи
матн

4-расм.

Хуроса

Уқув қўллашмамизни хуросалар эканмиз, шуни айтиб уғин жоизки, XX аср охирида, Ўзбекистон ҳаётида муҳим воқеа рўй берли. 1991 йилнинг 1 сентябрида Ватанимиз мустақил давлат бўлди, ҳалқимизнинг асрий орзуси рўёбга чиқди. Уз тақдиримизни ўзимиз белгиланц, бой маънавий меросимиздан бемалол фойдаланиши, тинч ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига имкон тутилди. Давлатимиз тобора тараққий этиб бормоқда. Эришган ютуқларимиз тўғрисида жаҳоннинг кўзга кўринган иқтисодчи ва сиёсатчилари кўпдан-кўп ижобий фикрлар айтмоқдалар, ютуқларимизни бир неча ўн йилликларга, ҳатто асрга қиёсламоқдалар. Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин ўтган вакт ичида Ватан равнақи йулила анча ишлар қилинди, лекин олдинда жуда кўп муаммолар бор эканлиги ҳам аён бўлди.

Республикамизда амалга оширилаётган улкан бунёлкорлик ишлари, ислоҳотлар, мамлакатимиз иқтисодий қулратининг ошиб бориши жамият ижтимоий соҳасининг марказий ҳалқаси бўлган таълим-тарбия тизимида ҳам туб ислоҳотларга олиб келди. У янгилашмоқда. Ёшлар таълим-тарбиясини такомиллантириш, уларга берилаётган билим мазмунини бойитиш ва узлуксизлигини таъминлаш берини учун янги хужжатлар қабул қилишмоқда, дарс берининг илтор педагогик усувлари ярагилмоқда.

Республика ҳукуматининг таълимни ривожлантириш, ён автолга жаҳон андозаларига мос билимлар бериш, уларни она-Ватанга, миллий истиқбол тоясига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатлари туфайли таълим-тарбия ишининг буғунги қиёфаси тубдан ўзгармоқда. У мустақилликка эришиб, тараққиёт йулидан далил бораётган ҳалқимиз руҳини, гоя ва интилиниларини ўзида акс эттирган таълим гизимига айланмоқда. Мамлакатимизда таълимниң ҳали жаҳон амалиётида кам учрайдиган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди.

Мамлакат таълим муассасаларининг бош мақсади — XXI аср миљий мактабини ва унда фаолият кўрсатувчи миљий педагогикасини шакллантиришидир.

Шу боис, янги асрга XX аср педагогик назария ва амалиётимиздаги қайси ибратли томонларни олиб ўтлик-у. фаолиятимизга заарар келтираётган қайси салбий жойларини ўтган асрда қолдирилик. Ечими зарур бўлган муаммоларни ҳал этишга қай усувлар ва услублар орқали эришдик ва буниинг учун қандай самарали тадбирларни амалга оширдик? Шуларни сарҳисоб қилиб кўйишимиш жоиз.

Яқин ўтминимиздаги таълим-тарбия тизимишинг мақсад ва усувлари барча одамлар бир хил қобилиятта эга, деган угоник ғояга асосланган эди. Шу билан бирга, «коммунизм кишиси»ни тезкорлик билан тарбиялаш мақсалила тарбия назариясининг барча қоилалари қўйол равишда бузилган эди. Натижада билим ҳажмиининг ҳаддан зиёд кўплигидан ҳамда ўзаро боғлиқ бўлмаганилигидан ўқувчи (талаба)ларининг боши қотиб, умуман ўқишига лоқайд бўлиб қолдилар. Ундан ташқари, шуролар ҳокимиятига хизмат қилган маориф тизими ўта мафқуралашган бўлиб, фақат моддиюнчилик пуктаси назаридан дунёни тушуниш, сипфий қарама-қаршилик, руҳ тарбиясини ишкор қилиб, кишининг миллий ҳамда худудий хусусиятларини ҳисобга олмаслик ва ҳоказолар ўқув фаниларининг магиз магзига сингдирилган эди. Бундай жонсиз педагогик назарияни қайта куриб чиқиб, ижтимоий ислоҳотлар жараённада тоталитар тузум даври таълим-тарбия тизими ва педагогикасидан воз кечиб, миллий мактаб ва унга мос бўлган миллий педагогика назарияси ҳамда амалиётида қўлланиладиган усувларни шакллантириши лозим.

Жамиятимиз бир ижтимоий тузумдан бошқа турдаги ижтимоий тузумга ўгинни муносабаги билан хўжалик юритиш ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа жиҳатларини марказдан туриб режалаштириш ҳамда назорат қилиб бориши тамойилларидан, бозор муносабатларига асосланган хўжалик юритишга, ижтимоий ҳаётни эса халқ анъаналаридан келиб чиқиб шакллантириши тамойил-

ларига ўтмоқдамиз. Ёшлар дунёқарашини, уларнинг фазилатларини таркиб тоғтириш баробарила, уларни шахс сифатида шакллантириш вазифаси ижтимоий фанларга юқлатилган экан, яқин ўтмишидаги аҳоли дунёқарашни шу кунда гараққий этиб бораётган Ўзбекистон жамиятининг мақсадларига зид келиб қолганилигини кўрамиз. Бу ҳол ижтимоий фанлардаги, шу жумладан, педагогикадаги, бир қатор туңунчаларни ўз мазмунини ўзгартиришга ва бир қатор янги туңунчалар ва таълим бериш усусларининг найдо бўлишига олиб келди.

Республикамиз ҳудудидаги барча таълим муассасалари таълим-тарбия жараёнининг барча академ гурӯҳларидаги самарадорлигии бирдай ошириш учун, ривожланган мамлакатлар таълим амалиётида синовдан ўтган, замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиши зарурияти найдо бўлди.

Уибу методологик қўлланмада берилган фикрларни барча ўқитувчи (педагог)лар яхши ўзлантириб олиб, амалиётда тинмай қуллаб борсаларгина жамиятимиз маорифчилар олдига қўяётган ижтимоий буюргани, фахр билан бажара олинига муваффақ бўладилар.

Қимматли китобхонларимизга шуни айтишимиз жойски, мазкур методологик қўлланма келгусида қатор ўқув қўлчашма ва дарсликлар ёзилишининг дебочаси-лир. У муаллифларининг кун йиллик изланишларинин натижаси бўлишига қарамай, унда хато ва камчиликлар бўлиши табиий ҳол. Шунинг учун қўлланмани мутолаа қилиш жараёнида ғализ ёки хато булиб кўринган жойлар хусусида, ёки янги фикрлар найдо бўлса, ўз фикрларингизни бизга ёзиб юборинг. Биз бу фикрларни миннатдорчилик билан қабул қилиб, уларни келгусида яратиладиган китобларимизда сътиборга оламиз. Шу асюода кўнчиликнинг ёрдами билан Ўзбекистоннинг миляй педагогик технологияси яратилади, деган умидламиз.

Бизнис манзил: Тошкент шаҳри, 100060, Шаҳрисабз куч., 42-үй. ОЎМКҲТР Маркази.

Тел.: 233-33-48. e-mail: bek_t_u@mail.ru.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Азизхұјаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: ТДПУ, 2003.
2. Бесналько В.П. О возможностях системного подхода в педагогике. «Сов. педагогика», 1989, №7. С. 59–60.
3. Бесналько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.: «Педагогика», 1989.
4. Голиш А. Замонавий таълим технологиялари. «Халқ таълими», №3, 2000.
5. Зиёмұхаммадов Б., Абдуллаева Ш. Илғор педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: «Абу Али иби Сино», 2001.
6. Зиямұхамедова С., Зиямұхамедов Б. Новая педагогическая технология. – Т.: «Абу Али иби Сино», 2002.
7. Зиёмұхаммадов Б. Педагогик маҳорат асослари. – Т.: «Tib-kitob», 2009.
8. Исмагулова С.К. Технологизация процесса обучения в школе: теория и опыт. – Алматы, «Творческая педагогика», 2003.
9. Йұлдошев Ж.Ғ., Усманов. С.Л. Педагогик технология асослари. Құлданма. – 1.: «Ұқытывчи», 2004.
10. Монахов. В.М. Методология педагогической технологии академика В.М.Монахова. – М.: «Михайловка» МЦОП, 1997.
11. «ОТМ таълим жараёнига замонавий педагогик технологиялар ва илғор тажрибаларни жорий этишининг илмий педагогик асослари» мавзусига бағищланған Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: 2008.
12. Очилов М. Яңги педагогик технологиялар. – Қарши, «Насаф», 2000.

13. Олий педагогика үкув юргларининг үкув жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этишининг илмий асослари. Республика илмий-методик конференция материаллар. – Т.: ТДПУ, 2000.
14. Пардаев М.Қ. Иқтисодиётта оид фанларни янги педагогик технология методларини қўллаб үқитиш. II. Услубий қўл. – Самарқанд, 2001.
15. Попель Г., Голдстайн Б. Информационные технологии. – М.: 1990.
16. Сайдахмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. – Т.: РТМ, 2000.
17. Сибирская М.П. Профессиональное обучение: Педагогические технологии. – Санкт-Петербург, 1996.
18. Толипов У.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. Монография. – Т.: «Фан», 2005.
19. Толипов У.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларининг татбиқий асослари. – Т.: «Фан», 2006.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
-------------	---

I. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Педагогик фаолият турлари. йўнаттирилган обьекти ва предмети	8
1.2. Жаҳондаги дидактик тизимлар ва уларининг шарҳи	13
1.3. Педагогик технологияни таълим амалиётига жорий этишининг долзарблити ва билим беришда бу усулнинг ўзига хослиги.....	18
1.4. Квантлар назарияси ҳамда синергетика	22
1.5. Мажмулар назарияси ва ундан келиб чикувчи обьектив борлиққа мажму сифатида ёнданув тамойилти	27
1.6. Таълим-тарбия соҳасига мажму ёнданув тамойилтиниң кўллаш	38
1.7. Педагогик жараённи мажму сифатида кўриш	41
1.8. Педагогик технологияниң қисқача тарихи ва замонавий таърифи.....	47

II. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЗОҲЛАРИ

2.1. Мажму ёндашувга доимо амал қилиш тамойилти	53
2.2. Ўқув фанини табақалашинан модулларга ажратишни тамойилти	54
2.3. Берилган билимни талабалар англайлари, хотираларила сақлашлари ва амалиётда қўллашларини бир вақтиниң ўзида олиб боришиликни таъминлаш тамойилти	55
2.4. Мақсадларининг натижалари феъллар шактида бўлишлиги тамойилти	56
2.5. Таъянч тушунчаларни белгилаш тамойилти	57
2.6. Назорат саволлари ва талабаларининг билим ҳамда кўникмаларини баҳолаш тури ва мезонини тузишни тамойилти	57
2.7. Ўрта модуллардаги дарсларнинг гури ва типини аниқлаб олиш тамойилти	60
2.8. Ўрта модуллардаги педагогик жараёнларни амалга ошириш усул ва услубларини белгилаб олиш тамойилти	64

2.9. Ўрта модулларнинг педагогик жараёниларида фойдаланилдиган ахборот технологиялари ва дидактик материалларнинг кўлланиши ўринини белгилаш тамойни 70

ІІІ. ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА «ПЕДАГОГИКА» ФАНИНИНГ ЎҚИТИШНИНГ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

3.1. Педагогик жараёни таълим технологияси асосида амалга ошириш лойиҳасини тузиш алгоритми 71
3.2. Педагогика ўқув фанининг катта модуллари, улардан кўзланган мақсадлар ва таркибидаги ўрта модуллар сони 72
3.3. Биринчи катта модуль таркибидаги ўрта модуллар номлари ва мақсадлари 73
3.4. Мақсадлар якунида иштатилдиган фсъыттар тизими 78
3.5. Биринчи катта модуль таркибидаги биринчи ўрта модуль ичидаги кичик модулларнинг мақсадлари ва уларга ажратилган вакт 78
3.6. Биринчи катта модуль таркибида булган биринчи ўрта модулларнинг кичик модуллари ичидали таяпич тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари 80
3.7. Биринчи катта модуль таркибидаги биринчи ўрта модулларнинг назорат саволлари асосида тузилган тест синов вараги 81
3.8. Биринчи катта модуль таркибидаги биринчи ўрта модулларнинг дарс тури ва типи ҳамда уйда кўлланилдиган педагогик усул ва услублар 83
3.9. Биринчи катта модуль таркибидаги биринчи ўрта модулларнинг педагогик жараёнида фойдаланилдиган ахборот технологиялари ва дидактик материалларнинг кўлланиши жойлари 83
3.10. Биринчи модуль таркибидаги биринчи ўрта модулларнинг мазмунни ва педагогик жараёнининг амалга оширишини ифода этувчи мати 84
3.11. Ўқув фанининг ҳар бир дарсидаги педагогик жараёни замонавий таълим технологияси асосида амалга оширишининг Ўзбек миллий модели 95
Хулоса 97
Фойдаланилган адабиётлар 100

*Бўри Зиёмуҳаммадов,
Мамашариф Тожиев*

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ – ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

*(Барча түрдаги педагогик технологияларни яратиш учун
методологик қўйманма)*

Toшкент, «Lider Press», 2009

Муҳаррир *A. Зиёдов*
Тех. муҳаррир *T. Смирнова*
Бадиий муҳаррир *M. Султонов*
ва саҳифаловчى *Ш. Рахимқориев*

Босилига 07.07.2009 да рухсат этилди. Бичими $84 \times 108^1 / 32$.
Ҳажми 3,25 физ. б.т. Шартли б.т. 5,46. 20-09 рақамли
шартнома. «Таймс» гарнитураси. Офсет босма усули.
Адади 300 нусха.

«Lider Press» изширисти, 100052, Тошкент,
Оққўргон кўчаси, 2-йй.

«Sano-standart» босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Широқ кўчаси, 100